

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 894.375-1

ББК: 83.3 (5узб)

Х- 94

Хусаинова Гулноза Шухратовна

**АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “НАСОЙИМ УЛ-
МУҲАББАТ” АСАРИ: ИЖОДКОР УСЛУБИ ВА
ЭСТЕТИКА МАСАЛАЛАРИ**

5A120103 – Мумтоз филология

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар: филология фанлари доктори,
профессор **Қ.П. Содиқов**

Тошкент – 2015

МУНДАРИЖА

Кириш	3
I боб. “Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват” - тасаввуф фалсафасининг шоҳ асари сифатида	10
1.1. “Насойим ул-муҳаббат” асарининг таркибий тузилиши.....	10
1.2. Тазкиранинг тасаввуф оламида тутган ўрни.....	19
1.3. Асарда тасаввуфий атамаларнинг берилиши.....	36
1-боб бўйича хулоса.....	45
II боб. “Насойим ул-муҳаббат” - бадий адабиёт намунаси	47
2.1. “Насойим ул-муҳаббат” бадий асар сифатида.....	47
2.2. Асарда туркий машойихлар таърифининг берилиши.....	55
2.3. Навоий авлиё аёллар ҳақида.....	62
2-боб бўйича хулоса.....	73
III боб. “Насойим ул-муҳаббат” стилистикаси: эстетика ва матн услуби масаласи	76
3.1. Навоийнинг шайху машойихларни тасвирлаш маҳорати.....	76
3.2. Тазкирада эстетика масалаларининг ифодаланиши.....	82
3- боб бўйича хулоса.....	86
Хулоса	89
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	92
Илова	96

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. “Маълумки, халқимиз азалдан ислом дини ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшиб келади. Бу ҳақиқатни жаҳон жамоатчилиги, бутун мусулмон дунёси яхши билади ва тан олади. Нуфузли халқаро ташкилот бўлмиш Ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича тузилмаси - АЙСЕЕСКО томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани ҳам ана шундай юксак эътирофнинг яна бир тасдиғидир. Буюк мутафаккир ва алломаларимизнинг ислом маданиятини равнақ топтиришга қўшган бетакрор ҳиссаси тўғрисида сўз юритганда, энг аввало, ҳақли равишда мусулмон оламида “муҳаддислар султони” дея улкан шуҳрат қозонган Имом Бухорий бобомизнинг муборак номларини ҳурмат-эҳтиром билан тилга оламиз. Бу мўътабар зот меросининг гултожи бўлмиш энг ишончли ҳадислар тўплами – “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” китоби ислом динида Қуръони каримдан кейинги иккинчи муқаддас манба бўлиб, аҳли ислом эътиқодига кўра, у башарият томонидан битилган китобларнинг энг улуғи ҳисобланади...

Бутун дунёга маълум ва машҳур бўлган буюк аллома ва азиз-авлиёларимиз орасида Абдулҳолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанднинг муборак сиймоси алоҳида ажралиб туради. Ота-боболаримиз улуғ авлиё Баҳоуддин Нақшбандга чин дилдан ихлос қўйиб, уни “Баҳоуддини Балогардон” деб таърифлаб келишида теран маъно бор. Унинг «Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин» деган ҳаётбахш ҳикмати динимизнинг олижаноб маъно-моҳиятини ёрқин ифодалаб, худдики шу бугун айтилгандек жаранглайди.”¹

Мамнуният билан шуни алоҳида қайд этмоқ лозимки, мустақиллик туфайли бошқа туб янгиланиш ва миллий-маънавий тикланиш жараёнида ўзбек халқининг миллий-диний қадриятларидан бири бўлмиш тасаввуф

¹ Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т., 2008. –Б.29.

таълимотини ўрганиш ва тадқиқ этиш орзуси ҳам рўёбга чиқди. Мустақилликнинг илк йиллариданоқ Ўзбекистонда ўзига хос тасаввуфшунослик мактаби шакллана бошлади. Қисқа тарихий давр ичида ўзбек тасаввуфшунослик мактабининг йирик намоёндалари Н. Комилов, И. Хаққулов, О. Усмон, Г. Наврўзова, С. Олим, С. Рафиддинов, Р. Носиров, И. Остонақулов ва бошқа олимлар томонидан тасаввуф тариқати ва тасаввуф адабиётига оид ўнлаб жиддий тадқиқот ишлари амалга оширилди. Ўзбек олимларининг тадқиқотларида тасаввуф таълимотига оид умумий масалалар (келиб чиқиш тарихи, таърифи, силсилалари, тариқат одоби (муридлик ва муршидлик, хонақоҳ, хирқа кийиш одоби, зикр қоидалари, само) , сайру сулук (мақомот ва ҳолот), шариат ва тариқат, тасаввуфнинг маънавий босқичлари, комил инсон ахлоқи, футувват, тасаввуф ва инсон, тасаввуф ва бадий адабиёт каби мавзулар таҳлили алоҳида ўрин эгаллайди. Айни пайтда, Мовароуннаҳрда вужудга келган тариқатлар кубравия, яссавия ва нақшбандия таълимоти, ислом олами, хусусан тасаввуф ва ирфон фалсафасида катта мавқега эга бўлган Ҳаким Термизий, Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳмад Яссавий, Азизиддин Насафий, Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Аҳрор Валий ҳаёти ва қарашларига оид махсус рисола ва мақолалар ҳам алоҳида ўрин тутишини таъкидлаш зарур. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, “бу буюк инсонларнинг азиз номлари, ўлмас мероси муқаддас динимиз билан чамбарчас боғланиб кетган. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Биз динимизни бу улуғ номларсиз, бу улуғ номларни эса динимизсиз тасаввур қила олмаймиз”².

Дарҳақиқат юртбошимиз таъкидлаганларидек тасаввуф дунёсининг буюк намоёндаларини, уларнинг биз авлодларга қолдириб кетган ўлмас меросларини ўрганиш ҳар биримиз учун ҳам фарз ҳам қарз ҳисобланади. Бу ишда айниқса Навоий ҳазратларининг “Насойим ул-муҳаббат мин шамойимул футувват” асари бениҳоя аҳамиятга эгадир. Алишер

² Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т.: “Ўзбекистон”, 1999. – Б.11.

Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” (тўлиқ номи “Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват” – “Мардлик хушбўйликларини таратувчи муҳаббат шабадалари”) асари 1495-96 йилларда яратилган бўлиб, Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ул-қудс” (“Дўстлик таровати”) асари асосида яратилган оригинал асардир.

Умуман олганда, ҳазрати Алишер Навоийнинг авлиёлар таржимаи ҳолига бағишланган мазкур “Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват” асари шоирнинг етук мутасаввиф олим сифатидаги фаолиятини кўрсатувчи муҳим манбадир.

Алишер Навоийнинг мазкур диний йўналишдаги асарларини ўрганиш орқали унинг динга бўлган муносабати, эътиқоди билан боғлиқ муайян маълумотлар олиш билан биргаликда, унинг ислом илмларининг етук билимдони эканлиги тўғрисида тасаввур ҳосил қиламиз. Бу улуғ шоирнинг ўз даври ижтимоий ҳаётида тутган ўрни нечоғлик муҳим бўлганлигини белгилаб берувчи ўзига хос омил эканлиги билан аҳамиятли саналади.

Навоийнинг тасаввуфий асарларини ўрганиш, улардаги ижодкор услуби ҳамда эстетика масалаларини тадқиқ этиш Навоийшунослик олдидаги ва Мумтоз филология олдидаги долзарб вазифалар сирасига киради.

Тадқиқот объекти ва предмети. Илмий изланишнинг тадқиқот объекти ва предмети сифатида “Насойим ул-муҳаббат” асарининг Тошкент давлат Шарқшунослик институти қошидаги Шарқ кўлёзмалари маркази фондида сақланаётган 857- ва 5420- кўрсаткичли кўлёзмалар; Алишер Навоий мукамал асарлар тўплами 20 томлигининг 17- томида чоп этилган нашри; Алишер Навоий тўла асарлар тўплами 10 жилдлигининг 10- жилди; 1996 йилда Туркияда чиққан Камол Эраслан томонидан тайёрланган танқидий матни, 2011 йилда Ҳамиджон Ҳомидий томонидан тайёрланган илмий-танқидий матн асос қилиб олинди.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Изланишдан кўзда тутилган асосий мақсад – Алишер Навоийнинг “Насойим ул- муҳаббат” тазкирасидаги

ижодкор услубини кўрсатиб бериш ҳамда ундаги эстетик масалаларга кенгроқ тўхталиб ўтишдан иборат.

Диссертация мавзусининг мазмун-моҳияти ва асосий мақсадидан келиб чиққан ҳолда мазкур иш олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

- “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасининг тасаввуф оламида тутган ўрнини ҳамда тасаввуфий атамаларнинг ўрнини кўрсатиб бериш;

- Асарнинг бадиийлигига урғу бериш;

- Тазкирада туркий машойихлар ва авлиё аёллар таърифини ҳар томонлама ёритиш;

- “Насойим ул-муҳаббат” стилистикасида ижодкор маҳорати ҳамда эстетика масалаларини очиб бериш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертацияда “Насойим ул-муҳаббат” асарининг услуби, муаллиф маҳорати ўрганилди ва қуйидаги натижаларга эришилди:

- “Насойим ул-муҳаббат” тазкирасининг тасаввуф оламида тутган ўрни ҳамда тасаввуфий атамалар тизими кўрсатиб берилди;

- Асарнинг бадиий жиҳатлари ёритиб берилди;

- Тазкирада туркий машойихлар ва авлиё аёллар таърифи ҳар томонлама ёритилди;

- “Насойим ул-муҳаббат” стилистикасида ижодкор маҳорати ҳамда эстетика масалалари очиб берилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқотимиз “Насойим ул-муҳаббат” асарининг тузилиши, ижодкор услубига тавсиф бериш; ушбу асарнинг тасаввуф дунёсида тутган ўрнини белгилаш; ундаги тасаввуфий атамаларнинг берилиши ва изоҳланишидаги ўзига хос жиҳатларини очиб бериш ҳамда аёл ва туркий авлиёлар ҳаёти, эстетика масалаларини ўз ичига қамраб олади. Навоийшуносликнинг раванг топишига хизмат қилади, тасаввуф тарихига оид кўплаб ўқув қўлланмаларнинг яратилишига асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи. Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват” асари устида тадқиқотлар у қадар кўп эмас. Ушбу асар ҳақида бир қанча мақолалар эълон қилинган, қўлёзмалари тавсиф каталогларига киритилган ва мукамал тавсифлари берилган. Тазкиранинг қисқача мазмуни илк маротаба Тожикистон ҒА академиги А.А.Семёнов томонидан Навоий қўлёзмалари тавсифида берилган. У қуйидагиларни айтиб ўтган: “Мардлик хушбўйликларини таратувчи муҳаббат шабадалари” асари Алишернинг Жомий асари бўлган “Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ул-қудс” асарининг таржимасидир. Навоий уни ҳаётининг сўнгги йилларида ёзиб тугатган.” А.А.Семёнов ушбу асарни таржима деб айтишига қарамай унга нисбатан ўзининг мустақил фикрини ҳам билдирган. Бунда у “Насойим ул-муҳаббат” нинг манбалари билан “Нафаҳот ул-унс”нинг манбалари бир-биридан кескин фарқ қилишини айтиб ўтган. Ва ниҳоят у Навоий ўз устози Жомийни ҳам ўз асарига киритганини айтиб ўтади ҳамда асарнинг оригиналлигига урғу беради. Навоий қўлёзмалари каталогида Семёнов уларнинг чет эл ҳамда ўзимизда сақланаётган қўлёзмаларининг тавсифини берган.(56б) Россия ҒА академиги Е.Э. Бертелс ўзининг “Абдурахмон Жомий ва унинг Алишер Навоий билан дўстлиги” мақоласида қуйидагиларни айтиб ўтган: “Навоий ўзининг 1495-96 йилларда ёзиб тугаллаган таржима асарини “Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ал-футувва” деб номлаган.” Бу ерда Бертелс Семёновнинг тавсиф каталогига мурожаат қилган ва бу мавзуга ортиқча тўхталиб ўтмаган.(45б) Илк мартта ушбу асар филология фанлари доктори, профессор, академик А.П. Қаюмов томонидан “Муҳаббат шаббадалари” мақоласида тадқиқ этилган: “Мана шунинг билан Навоийнинг меросини ўрганишга бўлган тамал тоши ўрнатилди десак хато қилмаган бўламиз. “Насойим ул-муҳаббат” нинг асосий мазмунидан биз Навоий ва Жомийнинг донишмандлик хусусиятлари, панд насиҳатлари ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўламиз. Ушбу асар инсоний фазилатлар қандай юзага келиши, одамларга берилган маслаҳату панд насиҳатлар қай йўсинда уларга етказилганлигини асар шакли қанадай

бўлишидан қатъий назар кўрсатиб берилган.” Ушбу фикрлар Навоийнинг ўн беш жилдлик мукамал асарлар тўпламига берилган сўзбошида ҳам мавжуд. Аммо бу ерда асарнинг бешдан бир қисми яъни қисқартирилган шакли чоп этилган. Лекин шунга қарамай бу воқеа жамиятимизнинг адабий ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб хизмат қилган.(8б) 1972 йилда Ҳ. Ҳомидийнинг ““Насойим ул-муҳаббат” асарига доир” мақоласида Навоий ва Жомий муносабатлари ҳамда Лутфийнинг ҳаётига оид маълумотларни келтириб ўтади. Шунингдек Ҳ. Ҳомидий ушбу мақолаларида тазкиранинг илмий танқидий матнини тайёрлаш зарурати мавжудлигини ҳам айтиб ўтади.(12б) 1976 йилда академик А.П. Қаюмовнинг Алишер Навоий номли китоби чоп этилди ҳамда унда “Насойим ул-муҳаббат” доир фикрларини билдириб ўтган. Ушбу китобда у шундай ёзади: “Ўз замонасининг улуғларига тўхталишдан олдин Жомий ва Навоий энг аввало уларни юксак даржага олиб чиққан, инсонийлик фазилатлари билан эгаллага касбу корларига тўхтайдилар”. “Ўзбек адабиёти тарихи” китобининг 2 жилдида эса А.П. Қаюмов: “Асарда тасаввуф тарихий воқеалари ҳаётидан келтирилган ростгўйликка, ҳалолликка, тўғрилиқка даъват этувчи таълимий ҳикоялар буюк адибнинг дидактик қарашларини янада бойитиб тўлдиради”.(34б) 1979 йилда “Насойим ул-муҳаббат” нинг Туркияда Камол Эраслан томонидан илмий-танқидий матни тузилди. Ушбу нашрнинг сўзбошисида асар ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган бўлиб, илмий танқидий матн яратиш учун асос бўлган қўлёзмалар тавсифи берилган. Эраслан Навоийнинг асари оригиналликка ҳам урғу бериб қуйидаги фикрларни билдириб ўтган: “Унинг аксарияти Ажам суфилари, бир озина турк ва ҳинд суфилари ташкил этмақдadir.” 1980 йилда академик А.П.Қаюмов “Насойимни варақлаганда” номли иккинчи мақоласини ёзди. Мақолада Алишер Навоий ҳаётига оид кўпгина маълумотлар ҳамда унинг Жомий, Муҳаммад Табадгоний, Мавлоно Қосим, Ҳожа Авҳад, Бобо Пирий, Шарафиддин Али Яздий каби буюк сиймолар билан ўзаро муносабатига тўхталиб ўтилган. “Биз-, деб ёзади А.П. Қаюмов, - Навоий ҳаётига оид қўшимча маълумотларни, уни ўраб турган

инсонлар ҳамда устози Абдурахмон Жомий билан ўзаро муносабатини ушбу асарда кўришимиз мумкин. Албатта ушбу қимматли маълумотлар Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.(9б) 1990 йилда И.Х. Ҳомидий “Насойимул муҳаббат” Алишера Навои и его научно-критический текст деб номланган диссертациясини ёқлади. 2001 йилда Н. Рамазонов “Насойим”нинг ўзига хос хусусиятларига доир номли мақоласини Навоийнинг ижод олами мақолалар тўпламида чоп эттирди. 2011 йил навоийшунос олим Х. Исломов мазкур асарнинг илмий-танқидий матнини яратиб, чоп қилдирди.³

Тадқиқотда қўлланилган методикасининг тавсифи. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг миллий қадриятлар, аждодлар меросига муносабат, қўлёзма манбаларни тадқиқ қилиш борасидаги қарашлари ҳамда тил ва тафаккурнинг алоқадорлигини ёритувчи диалектик фалсафа қонуниятлари, таҳлил усуллари тадқиқотнинг методологик асосини белгилайди. “Насойим ул-муҳаббат” асарини ўрганишда Е.Э. Бертельс, К. Эраслан, А.П. Қаюмов, И.Х. Ҳомидий каби олимларнинг илмий ишларига асосланилди. Тадқиқотда илмий билишнинг объективлик, тизимлилик, ворисийлик, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, умумлаштириш, тарихийлик ва мантиқийлик усуллари таянилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. “Насойим ул-муҳаббат” асарини ўрганиш тасаввуф илми тарихи, хусусан, Навоийнинг услуби, ижодий ёндашув жиҳатлари ҳақида қимматли маълумотлар беради. Изланиш натижалари тасаввуф дунёсига оид янги маълумотлар беради. Тадқиқот натижалари Навоийнинг услубига, тасаввуф тариқатларига оид дарслик ва қўлланмалар тузишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Ишнинг тузилмасининг тавсифи. Тадқиқот кириш, уч боб, саккиз фасл, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 102 бет.

³ Исламов Х. И. “Насойимул муҳаббат” Алишера Навои и его научно-критический текст: Дисс. на соискание канд филол. наук . – Т., 1990. Барча () кавс ичида берилган иктибослар ушбу диссертацияга тегишли.

I БОБ. “НАСОЙИМ УЛ-МУҲАББАТ МИН ШАМОЙИМ УЛ- ФУТУВВАТ” - ТАСАВВУФ ФАЛСАФАСИНИНГ ШОҲ АСАРИ СИФАТИДА

1.1. “Насойим ул-муҳаббат” асарининг таркибий тузилиши

“Ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишида ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улуғ зотлардан бири-бу Алишер Навоийдир. Унинг мўтабар номи, ижодий меросининг боқийлиги, бадиий даҳоси замон ва макон чегараларини билмаслиги ҳақида доимо фахрланиб сўз юритиш мумкин. Алишер Навоий халқнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс ва миллатнинг шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак шоирларнинг султонидир”⁴.

Ислом динининг моҳияти, унинг инсон ҳаётидаги ўрни ана шу дин бағридан етишиб чиққан улуғ мутафаккир шайхлар, азиз-авлиёларнинг поклик ва камолот сари етакловчи қарашлари, уларнинг ибратли хислатларини чуқур тадқиқ этиш, аجدодлар руҳига ҳурмат ва эҳтиромни давом эттириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мовароуннаҳр ва Хуросон валийлари меросини ўрганиш, уларнинг тасаввуфий-ахлоқий қарашларини тадқиқ этиш ҳамда тарихий таҳлилни илмий жиҳатдан ҳолисона амалга ошириш йўлида ҳали кўп ишлар қилиниши лозим. Тасаввуф эса инсон руҳий камолоти учун зарур ғоя. Уни валийлар ҳаётини ўрганмасдан туриб, исломнинг маънавий-маърифий аҳамиятини англаб, сўфиёна адабиётларнинг ғоявий мазмун-моҳиятини тушуниб бўлмайди⁵. Ушбу мавзу тасаввуф таълимотини ўрганиш нуқтаи назаридан катта аҳамият касб этади. Шунингдек, ёшларга тасаввуфнинг асл мазмун-моҳиятини тўғри етказиш, уларни турли диний оқимлар таъсиридан сақлаш ҳамда миллий ғояни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

⁴ Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т., 2008. –Б.32.

⁵ Исламов Х. И. “Насойимул муҳаббат” Алишера Навои и его научно-критический текст: Дисс. на соискание канд филол. наук . – Т., 1990.-С.56.

Бизга маълумки тазкирачилик йўналиши ўзбек мумтоз адабиётининг битмас-туганмас хазинаси ҳисобланади, зеро биз айнан шу тазкира асарларидан қайси даврда қандай ижодкор ижод қилганлиги, унинг ижодий мероси ҳақида берилган ноёб ҳам нодир маълумотларга гувоҳи бўлишимиз мумкин. Айниқса, бу борада бобомиз, буюк ижодкор, шеърят мулкининг султони Алишер Навоий ҳазратларининг икки тазкираси фикримиз далили сифатида намоён бўлади. Унинг 459 шоир ҳамда касби ўзга бўлса ҳам ижод аҳлидан бўлганлар ҳақидаги “Мажолис ун-нафоис” тазкираси ҳақида озми-кўпми биламиз. Аммо унинг яна бир “Насойимул муҳаббат мин шамойимул футувват” номли тазкираси у қадар кўп ўрганилмаганлиги сабабли камроқ тасаввурга эгамиз. Кўпчилик олимларнинг фикрича Навоийнинг бу тазкираси унинг устози Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳотул унс мин ҳазаротул-қудс” номли тазкирасининг айнан таржимаси ҳисобланади. Бу ҳақда “Рузгор ва осори Абдурахмон Жомий” деб номланган тадқиқот ишида тожик олими Асфҳзода “Нафаҳотул унсро Навоий соли 1495 бо унвони “Насойимул хулд” ба узбаки таржўме кардаст” деб таъкидлаб ўтган. Биринчидан бу ерда асар таржима қилинган дейилмоқда ҳамда Навоий асарининг номи нотоғри берилган. Биз тазкиранинг оригинал тарзда ёзилганлигини Ҳамидхон Ҳомидийнинг тадқиқот ишларини ўрганган ҳолда қуйидаги далилларда кўришимиз мумкин бўлади яъни Жомийнинг асарида умуман туркийгўй шайхлар берилмаган, Жомийнинг асарида берилган шайхлар сони Навоийникидан сон жиҳатдан бирмунча фарқ қилади, Жомийда авлиё аёллар ҳақидаги маълумотлар йўқ, Навоийда эса 35 та авлиё аёллар ҳақида маълумотларни учратишимиз мумкин, Навоийда эстетик нормалар услубда қўлланилган, ҳикоятлар уйғунлиги, таърифлар услуби ўзига хос тарзда берилган, Навоий асарида “Нафаҳотул унс” асарининг муқаддимаси умуман берилмаган, Навоий уни эркин тарзда ўзи ёзган, Жомийда берилмаган 19 та авлиёларни Навоий Фаридиддин Атторнинг “Тазкиратул авлиё” асари асосида киритган, “Нафаҳотул унс”да берилмаган 84 та ҳинд шайхларини ҳам киритган, “Насойимул муҳаббат” асари туганчиси ҳам оригинал тарзда

берилган, Жомийнинг тазкираси илм аҳлларига бағишланган бўлиб, Навоийники эса кенг омма аҳли учун яратилганлиги диққатга сазовордир. Асар муқаддима ва 770 та шайх (35 таси авлиё аёллар)нинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган. Асарнинг Тошкент Давлат Шарқшунослик Институти Шарқ қўлёзмалари марказининг фондида сақланаётган 857 ва 5420 инв. рақамли қўлёзмалари мавжуд. Тарих ва маданий меросимизни кенг ўрганаётган ҳамда нақшбандийлик таълимотига рағбат кўрсатаётган эканмиз, бу асарни тўлиқ ҳолда ўрганиш илмий, маърифий ва ахлоқий аҳамиятга эга. Айниқса, Имом Аъзам, Имом Мотуридий, Аҳмад Яссавий, Ҳаким Тирмизий, Баҳовуддин Нақшбандийларнинг ақида ва қарашлари билан халқимизни, хусусан, ёшларимизни яқиндан таништириш жоиздир. Чунки тазкирада берилган шайхлар айрим асарларининг бизгача етиб келмаганлиги ва улар ҳақидаги асосий маълумотларни биз айнан Навоийнинг тазкирасидан олишимиз мумкинлиги диққатга сазовор ҳисобланади. Асар муаллифнинг таъбири билан айтганда “То таърих тўққуз юз бирдаки, ул китобнинг таълифидин йигирма йил ўтуб эрди, Тенгри таоло тавфиқи бирла бу улуг ишга илик урдум ва бу азим амрға қалам сурдум” яъниким ҳижрий 901 йилда ёзилгандир (НМ,91). Тазкиранинг композицион тузилишига кўра ўша давр анъанасига биноан аввало басмала, Аллоҳга ҳамд ва Пайғамбаримизга наът яъниким саловот билан бошланган. Сўнгра асарнинг ёзилиш сабаблари келтириб ўтилади. Бунда Навоий устози Жомийнинг асарларига чуқур ҳурмат кўрсатиб, унинг “ул китоб алфози форсийдур, арабийға пайваста” деб таъриф берадилар ҳамда ўзимизнинг она тилимиз - туркийга таржима қилмоқчи эканликларини шу ерда баён этадилар. Тазкирага ном қўйилишини эса Навоий бундай таърифлайди: “чун бу валоят риёзи муҳаббат насимиға муҳиб ва футувват шамимиға сабаб бўлди, анга “Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват” от қўйдум. Умидим улки, бу насойимдин руҳлари тоза ва шамойимдин равҳлари беандоза бўлгон азизлар қойил руҳини бирор

дуо била ёд ва бирор фотиҳа била шод қилғайлар” (НМ,91).⁶

Асарнинг танқидий матни муаллиф яшаган даврда кўчирилган нусха асосида 1996 йил Туркия (Анкара)да Камол Эраслон томонидан яратилган. 2011 йил навоийшунос олим Ҳ. Исломов ҳам мазкур асарнинг илмий-танқидий матнини яратиб, чоп қилдирди.

Абдурахмон Жомийнинг “Нафохот ул-унс” асарида 616 та шайх ҳақида маълумот келтирилган. Ҳазрат Навоий бу маълумотларни қайта ишлаб, тўлдириб, шайхлар сонини 770 тага етказди, улардан 35 тасини авлиё аёллар ташкил этади.

Адабиётшунос олим Н. Рамазонов “Насойим”нинг ўзига хос хусусиятларига доир” мақоласида “Насойим ул-муҳаббат” ва “Нафохат ул-унс”ни қиёслар экан, ҳазрат Навоий тазкиранинг кириш қисмини таржима қилмасдан ўзи ёзганини маълум қилади⁷.

“Насойим ул-муҳаббат” муқаддима (ҳамд, наът ва асар ёзилиш сабаби, “Бу тоифа муқаддима тамҳиди”, “Бу тоифа аъмолу афъоли ва муомилату риёзотидин баъзини зикр қилмоқ”), 770 шайх зикрини ўз ичига олган асосий қисм ва хотимадан иборат.

Ҳазрат Навоий асарнинг ёзилиш сабаблари ҳақида тўхталар экан, Жомий ва ўз тазкираси ўртасидаги фарқларни айтиб ўтади. Унга кўра:

- “Нафохату-л-унс”да Фаридиддин Атторнинг “Тазкирату-л-авлиё” асаридаги баъзи авлиёлар тушириб қолдирилган, Навоий эса уларни ўз тазкирасида зикр қилган;

- Жомийда ҳинд ва турк машойих (шайх)ларига кенг ўрин ажратилмаган, лекин ҳазрат Навоий мумкин қадар уларнинг барчасини ўз асарида акс эттиради;

Шунингдек, шоир “Насойим ул-муҳаббат”да Абдурахмон Жомий ва унинг замондоши бўлган валий зотлар ҳаёти ва фаолиятини ҳам ёритганини маълум қилади.

⁶ Алишер Навоий. “Насойим ул-муҳаббат”. Мукамал асарлар тўплами, 17-том. – Т., 2001. Кейинги мисолларимизда Н.М. тарзида берилади.

⁷ Рамазонов Н. “Насойим”нинг ўзига хос хусусиятларига доир / Навоийнинг ижод олами (мақолалар тўплами). – Т.: Фан, 2001.- Б.25.

“Бу тоифа сулукида муқаддима тамҳиди” деб аталган қисмда Навоий инсон яратилиши сабаби, Аллоҳнинг ҳикмати, пайғамбарлар саййиди Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Ҳаққа ҳабиб эканлиги билан боғлиқ тушунчаларни баён қилади. Алишер Навоий Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва салламдан сўнг пайғамбарлик эшиги беркитилган бўлса-да, мўминлар пок эътиқод, тақво билан Аллоҳга дўстлик – валийлик мақомига эришишлари мумкин, чунки “Олимлар – пайғамбарларнинг ворисларидир”, валий зотларнинг барчаси Аллоҳ йўлида собит бўлган зотлардир, улар халқни тўғри йўлга бошлайди, деб таъкидлайди.

Муқаддиманинг “Бу тоифа аъмолу афъоли ва муомилату риёзотидин баъзини зикр қилмоқ” деб номланган қисми авлиёларнинг аъмоли – амаллари, афъоли – феъл-атвори, муомилоту риёзати – муомаласи (халқ билан муносабати) ва Ҳақ йўлида чекадиган машаққатларини ёритишга бағишланган. Унда валий зотлар билан боғлиқ луқма ҳалоллиги, шариатга амал қилиш, имон калимасини руҳга сингдириш, беш вақт намоз ўқиш, закот бериш, рўза тутиш, ҳаж қилиш, одоб, ҳилм, тақдирга ризо бўлиш ва сабр қилиш, сидқ – ростгўйлик, риёзат чекиш каби амаллар келтириб ўтилади⁸. Бу фазилатли амаллар оддий одамларникидан фарқ қилади. Асарда келтирилишича, имон калимаси – калимаи шаҳодатни ҳамма чин дилдан айтиши мумкин, лекин валийлар бу каломни айтиб, ҳушларини ҳам йўқотишлари мумкин. Ёки шариатда закот молнинг қирқдан бир қисмини фақирларга бериш билан амалга оширилса, валийлар кўлидаги нарсанинг ортиғи билан эҳсон қилишни закот деб билишлари ҳақида ибратли фикрлар келтирилади (шайх Абу Бакр Шиблийнинг бир фақиҳга берган жавоби мисолида).

Бундан ташқари, луқма ҳалоллигига эришиш учун ҳар бир валий зот ўз касби корига эга бўлган. Масалан, Шайх Абу Саид Харрози, Хожа Абдуллоҳ Ансорийлар этикдўзлик, шайх Муҳаммад Саккок пичоқчилик, шайх Абу Ҳафз Ҳаддод темирчилик билан машғул бўлганлар.

⁸ Рамазонов Н. Ўша тўплам. – Т.: Фан, 2001. Б.26.

Ислом ақидасига кўра, мўъжиза ва каромат ҳақдир. Мўъжиза пайғамбарлар томонидан Аллоҳнинг қудрати билан амалга ошириладиган ва инсон ақли етмайдиган ҳодисалар бўлса, авлиёларнинг бу каби ишлари каромат дейилади. Булар умумий хавориқи одат – ғайриодатий, ғайритабиий ишлар, деб аталади. Масалан, дуолар ижобати, ғайб сирларидан огоҳ бўлиш, инсон кўнглидаги ўйни англаш, сув ва таомсиз рўза тутиш, бир лаҳзада дунёнинг у четидан бу четига бориб қолиш каби оддий инсон ақли учун ғайритабиий бўлган ҳолатлар авлиёларга хос бўлиб, уларни кўп ошкор қилмаслик валийнинг юксак мақомини билдиради.

Шундан сўнг бевосита валийларнинг номлари ва таржимаи ҳоли билан боғлиқ маълумотлар келтирилади. Номи зикр этилган илк валий зот – авлиёлар султони деб улуғланган Увайс Қаранийдир. Увайс Қаранийнинг Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи ва салламга ғойибона ошиқ бўлганлиги, унинг кучли ва мустаҳкам муҳаббати барча ислом уммати учун ибрат ҳисобланади.

Асарда авлиёларга доир маълумотлар турли ҳажмда бўлиб, баъзилари ҳақида бир жумла билан кифояланилса, баъзи шайхлар таърифига кенг ўрин ажратилади. Авлиёларнинг таржимаи ҳолидаги маълумотлар муайян мезонларга эга эмас: айрим шайхларнинг яшаган йиллари, жойлари, касби корлари ва ҳоказолар билан боғлиқ маълумотлар батафсилроқ келтирилса, баъзиларининг фақат каромат ёки ўғитларидан парча берилади.

Тазкирада асосий эътибор валий зотнинг амалига қаратилган. Ҳар бир авлиё шариат ҳукмларини сўзсиз ва итоат билан адо этиб, Ҳақ васли талабида мол-дунё ташвишидан, ўз борлигидан мутлақо воз кечади. Бу дунёга заррача муҳаббат қўйиш Ҳақ ишқига соя солади, деб эътиқод қилинади. Ҳар бир авлиё ҳақидаги маълумотлар таркибида араб тилидаги байтлар, ҳикматли фикрлар бериб борилади.

“Насойим ул-муҳаббат” таркибида тилга олинган авлиёлар орасида исломдаги тўрт мазҳаб бошлиқлари – имом Аъзам, имом Молик, имом Шофеъий, имом Аҳмад ибн Ханбалдан тортиб Муҳаммад Ғаззолий,

Баҳоуддин Валад, ўғли Жалолиддин Румий, Румийнинг ўғли Султон Валад каби буюк зотлар ҳақидаги турли қизиқарли, ибратли ҳикояларга дуч келамиз. Ушбу авлиёлар ҳақидаги маълумотлар илмий асосга эга бўлиб, тасаввуф тарихини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади (Масалан, Жалолиддин Румийга болалигида Фариддин Аттор ўзининг “Асрорнома” асарини ҳадя қилиши ёки Шамсиддин Табризий ва Румий учрашуви билан боғлиқ маълумотлар).

Умуман олганда, ҳазрати Алишер Навоийнинг авлиёлар таржимаи ҳолига бағишланган мазкур “Насойиму-л-муҳаббат мин шамойилу-л-футувват” асари шоирнинг етук мутасаввиф олим сифатидаги фаолиятини кўрсатувчи муҳим манбадир⁹.

Алишер Навоийнинг мазкур диний йўналишдаги асарларини ўрганиш орқали унинг динга бўлган муносабати, эътиқоди билан боғлиқ муайян маълумотлар олиш билан биргаликда, унинг ислом илмларининг етук билимдони эканлиги тўғрисида тасаввур ҳосил қиламиз. Бу улуғ шоирнинг ўз даври ижтимоий ҳаётида тутган ўрни нечоғлиқ муҳим бўлганлигини белгилаб берувчи ўзига хос омил эканлиги билан аҳамиятли саналади.

Жомий асарига танқидий [ижодий] қараган Навоий «бурунги замондаги машойихдин барчасининг зикрин қилмайдурлар ва ўз муосирларининг кўпини ҳам, ўзларин ҳам битмайдурлар» дер экан, асарда Жомий, *Лутфий*, *Ашраф* Муфлсий, Шайх Санъон, *Носир Хисрав*, *Насимий* ва шулар қатори *Аҳмад Яссавий*, *Сулаймон Боқирғоний* каби «турк машойихлари» ҳақида маълумот беради. Асарда Навоий илова қилган шахсларнинг фақатгина суфиёна қарашларинигина ёритмасдан, адабиёт ва жамиятдаги ўрнини белгилашга ҳам катта эътибор берган. “Насойим ул-муҳаббат” Навоийнинг дидактик қарашлари, таржимонлик ва тадқиқотчилик фаолияти ҳамда эстетик қарашларини ўрганиш учун муҳимдир. “Насойим ул-муҳаббат” нинг баъзи нусхалари Тошкент Давлат Шарқшунослик Институти Шарқ

⁹ Рамазонов Н. “Насойим”нинг ўзига хос хусусиятларига доир / Навоийнинг ижод олами (мақолалар тўплами). – Т.: Фан, 2001. Б.25-26.

қўлёзмалари марказининг фондида (инв. № 3415, 857, 3420, 8514, 1825) сақланмоқда.

Муаллиф олдиға қўйган вазифалар: Жомийнинг “Нафахот ул-унс” (араб ва форсийнасаб авлиёлар тарихи) асаридан фойдаланган ҳолда туркий китобхон учун туркий тилда ўша пайтгача бўлмаган туркийча “авлиёлар тарихи”ни ёзиб бериш;

- асарға туркий авлиёларни ҳам қўшиш;
- замонасининг авлиёлари, жумладан Жомийнинг ўзини ҳам қўшиш;
- унча муҳим билмаган авлиёларни ва фактларни қисқартириш;
- зикр этилган шайхларнинг айримлари ҳақида қўшимча маълумотлар бериш.

Фойдаланган манбалари:

- “Нафахот”
- “Футуҳоти Маккия”
- “Табақот ус-суфия” (Сулламий)
- “Тазкират ул-авлиё” (Аттор)
- “Шатҳиёт” (Шайх Рўзбеҳон Бақлий)

Маълумки, Навоий Жомийдан “Тазкират ул-авлиё”дан сўнг шундай асарға эҳтиёж мавжудлигини айтиб, унинг розилигини олган.¹⁰

Навоий муқаддимада ёзади: “Хотирға кечмишким, агар саъй қилсак, китобни турк тилига таржима қила олғаймуман ва ул дақойиқ мушкулотин равшанроқ алфоз ва очукроқ адо била ўткара олғаймуман? –деб муттаммил (фикр қилмоқ) эрдим... Таърих 901 даки, ул китобнинг ёзилганидан 20 йил ўтуб эрди, бу улуг ишга илик урдум ва Ҳазрат Шайх Фаридуддин Аттор битган “Тазкирот ул-авлиё”дан баъзи кибор машойихким, “Нафахот ул-унс” га дохил бўлмабтур эрди, ҳар қайсини муносиб маҳалда дохил қилдим ва Ҳинд машойихи шарҳи ҳам оз мазкур эрди, мумкин бор тилаб, топиб ... илҳақ қилдим ва турк машойихи зикри ҳам озроқ эрди, они доғи ... унча мумкин бор, тилаб, топиб, зикрларин ва баъзи ҳолату сўзларин ўз маҳаллида

¹⁰ Исламов Х. И. “Насойимул муҳаббат” Алишера Навои и его науч.-но-критический текст: Дисс. на соискание канд филол. наук. – Т., 1990.С.57.

дарж қилдим. Ва ҳазрат Махдуми Нураннинг оти ва муосиру мусоҳиб машойих ... зикри доғиким, ул мўтабаррук китобда йўқ эрди, мунда қўшдум ва ул китобда дағи авлиёуллоҳ зикридин баъзи сўзким, замон аҳлиға кўп мухтож ун-илайх эрмас эрди итноб ваҳмидун таркин тутдум ва бу таржимадин ўқсуттум...” (НМ,91).

Навоий “Насойим” “Нафаҳот” таржимаси эканлиги, лекин ўрни-ўрнида қисқартирилган ва тўлдирилганини эътироф этади. Айтиш керакки, асарда айнан таржима қилинган ва матнга эркин ёндашиб ўгирилган ўринлар бор.

Биргина Жалолиддин Румий фикраси олинса – айнан таржима қилинган. Лекин айрим қисқартмалар бор. Масалан, Мавлавийдин сўрабдилар: Дарвеш кай гуноҳ кўнад? Магар дарвеш беиштаҳо хўрадки, таоми беиштаҳо дарвешро гуноҳи азим аст. (Яъни, Дарвеш қачон гуноҳ қилади? Агар дарвеш беиштаҳо овқат еса, беиштаҳо таом емоқ дарвеш учун гуноҳи азимдир) (НМ,362).

Румийнинг асҳобларига васияти қисмида такрор айтилган шунчаки сўзлар ҳам тушириб қолдирилган. Улар Румий сиймосига, унинг қарашларига футур етказмайди, шу боис тушириб қолдирилган.

Чингизхон воқеаларини Нажмиддин Кубро фикрасида Жомий кофирлар дейди, Навоий “тоторлар” деб беради¹¹.

Нажмиддин Розий Хоразмдан чиқиб, Румга келади. Жалолуддин Румий Шайх Садриддин Қунавий билан учрашади. Бир куни Шом намозида ундан имомликка ўтишни илтимос қиладилар. Розий ҳар икки ракатда 2 мартадан “Фотиҳа” ва 2 марта «Кофирун» сурасини ўқийди. Румий Садриддин Қунавийга тийбат (ҳазил-мутуйиба) юзасидан “бирини Сиз учун, бирини биз учун ўқидилар”, - дейди. “Нафоҳот”да бир марта Сиз учун, бир марта биз учун ўқиди” дейилади. Бунда ҳазил-мутуйиба юзага чиқмай қолади. Навоий таржимасида хуштабиатли одамнинг нафосотли, нозик ҳазилига урғу берилган. Навоий “Насойим”га туркий орифларни киритар экан, у ўз зиммасига олган туркий тил, унда ёзилган адабиёт, туркий орифлар номини тарихда қолдириш ва шу каби юксак мақсадларига риоя қилган. Асарига Аҳмад Яссавий,

¹¹ Habibullayev A. Tasavvuf falsafasi fanidan o'quv uslubiy majmua. T;2012.-B.15.

Қутбиддин Ҳайдар, Ҳаким ота (оти Сулаймон), Исмоил ота, Шайх Абдулҳасан Ишқий, Адиб-Аҳмад, Юсуф Шайх, Бобо Хокий (улар 156) кабиларни, аёл орифаларга 1та Бибича Мунажжимани киритди.¹²

Асарнинг хотима қисми худди “фотиҳа” дек яқунлаган бўлиб уни биз куйида кўришимиз мумкин бўлади: “Илоҳи, бу авлиёуллоҳ асрораҳумнинг шариф анфоси баракоти ҳаққи ва бу китоб мутолаасига машғул бўлган азизлар димоғин мазкур бўлган аброр муҳаббати насойимидин муаттар ва баҳраманд қилғайсен ва бу китоб муморасотиға машғуф бўлгон аҳли тамайюзлар кўнглин мастур бўлгон ахёр футувват шамойимидин мунаввар ва аржуманд этгайсен. Ва аларнинг туфайли роқимнинг ҳам тийра рўзгориға сафое ва ҳирмон зулматидин қороргон кўзларига ҳидоят куёшидин зиёе насиб қилғайсен. Ва подшоҳи исломким, иймон аҳлиға мужиби фароғату амният ва замон хайлиға боиси рафоҳияту жамъиятдурки, булар бўлмаса, бу навъ нусха тартибу таснифи ва бу тавр кутуб жамъу таълифи мутаассир, балки муҳолу мутааззирдур, сихҳату умру давлатини муҳаллад ва инсофу адолатини муаббад тутқил ва аъдосини мақхур ва аҳиббосини мансур қилғил. Омин, ё Рабб ал-оламин!” (НМ,51). Тазкиранинг юқоридаги кўтаринки руҳда тугалланиши ҳақиқатни абадий ғалабаси билан боғлиқ десак адашмаган бўламиз.

1.2.“Насойим ул-муҳаббат” тазкирасининг тасаввуф оламида тутган ўрни

Маълумки, Ислом оламида диний қадриятлар билан бирга тасаввуф ҳам ривожланишда бўлди. Ўрта Осиёнинг ўзида кубравия, яссавия, нақшбандия каби тариқатлар вужудга келди ва тараққийпарвар ғоялар билан комил инсонни тарбиялашда маданиятимиз тарихида муҳим рол ўйнади.

Тасаввуф ислом дунёсининг турли соҳаларига: ислом қонуншунослиги ва шариатга; фалсафага; сиёсатга; диний ва дунёвий ахлоқ қоидаларига;

¹² Бертелс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. –М., 1965.С.45.

санъатга ва айниқса, адабиётга, хусусан, шарқ мумтоз шеърлятига катта таъсир кўрсатган маслакдир.

Тасаввуф ёки сўфийлик ислом дунёсида кенг тарқалган диний фалсафий оқимдир. Бу оқим вакиллари ўз нафсоний истакларидан покланган бўлади ва оламдаги нарсаларни ҳақ таолонинг зоҳир бўлиш ўрни деб билишади. Шунинг учун халқ *сўфий* деб дилини турли хил касофатдан эҳтиёт қиладиган, онгини ҳақ ёдидан бошқа нарсалардан пок сақлайдиган кишиларни айтишган. Бу маслак (барқарорлашган ижтимоий, сиёсий, илмий ва диний ақидаларга эга бўлган йўл, оқим *маслак* дейилади) қадимдан кўпчиликлари кизиқтириб келади ва уни ўрганувчи фанни «ҳол илми» яъни, фақат эътиқод йўли билан моҳиятига етиш ва билиш мумкин бўлган илм деб юритилган (Давлатшоҳ, 201). Демак, сўфийлик маслагига «тасаввуф», сўфийлик даражасига етган деб ҳисобланган кишига эса «мутасаввиф» дейилган.

Сўфий шариатни тўла ўзлаштирган ҳолда, қомил мусулмон сифатида руҳий қамолотга интилади. Бу интилишда у бирон бир машҳур йўлни танлайди. Бу йўл *тариқат* дейилади. Тариқатни диний йўналишларга таққосласак *мазҳаб* тушунчаси билан тенглаштиришимиз мумкин. Тариқатга кирган сўфийни *солик*, тариқатдаги муайян йўналишни эса, мазҳаб эмас, *сулук* дейилади.

Тарихдан маълумки, IX аср бошларига келиб, Бағдод, Басра, Балх, Нишопур, Термиз шаҳарлари тасаввуф ва тариқат маркази сифатида муҳим ўрин тутган. Тариқатларни Хужвирий «тоифа» деб атаган бўлса, Алишер Навоий уларни “табақа”, дейди. Илк давр суфийлик тариқатлари манбаларда ўн иккита, деб эътироф этилган бўлиб, уларнинг ўнтаси маъқулланган ва иккитаси танқид қилинган. Машҳур суфийлар атрофида шаклланган суфийлик мактаблари ўзининг мужоҳада ва мушоҳада усули билан бири-биридан ажралиб турган. Жумладан, муҳосибийлик тариқати (Басра ва Бағдод шайхларининг пири Ҳорис Муҳосибий асос солган) тасаввуфдаги

“ризо”, “таваккул” ва “ҳол” мавзусига эътибор қаратган. Ҳорис Муҳосибий фикрича, тасаввуфнинг мақсади инсоннинг руҳий камолотидир¹³.

Қассорийлик тариқати (Нишопур шайхларининг пири Ҳамдун Қассор (ваф. 271/884 й.) асос солган) “маломат” йўлини кенг тарғиб этган ва кейинчалик маломатийлик суфийлик оқимининг вужудга келишига замин бўлган¹⁴. Навоий ўз асарида Ҳамдун Қассор ҳақида: “Аввалги табақадиндур. Кунияти Абу Солиҳ. Маломатиянинг шайх ва имомидур. Нишобурда маломат тариқин ул нашр қилди.” деб таъриф берган. Бундан кўриниб турибдики қассорийлик нафақат бундай номланган балки маломатийлик деб ҳам юритилган экан.

Нурийлик тариқати (Абулҳусайн Нурий (ваф. 295/907 й.) асос солган) тасаввуфда “фақр”, “исор” (бошқаларни ўзидан афзал деб билиш) ва суҳбат йўлидан борган, узлатни ёқламаган бўлса, саҳлийлик тариқати (Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий (ваф. 283/896 й.) асос солган) “нафс”, “мужоҳада”, “риёзат” ва “ботинни поклаш”га эътибор қаратган. Абулҳусайн Нурий ҳақида Навоий: “Иккинчи табақадиндур. Оти Аҳмад б. Муҳаммад. Ал-Бағовийга маъруфдур. Бағдодиюл-аслдур. Сарий Сақатий ва Муҳаммад Али Қассоб ва Аҳмад б. Абулҳаворий била суҳбат тутубдур ва Зуннун Мисрий қ. с. ни кўрубдур ва Жунайд қ.с. акронидиндур ва андин тезвақтроқ, дебдурлар.” Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий ҳақида эса: “Иккинчи табақадиндур, бу қавмнинг кубаросидин» ва бу тонфанинг уламосидин. Имом Раббонийки, иқтидоға шоистадур. Кунияти Абу Муҳаммад. Аҳволда қавий ва сўзда заъиф дебдурдар. Зуннун қ. с.нинг шогирдидур. Ўз тағойиси Муҳаммад Саввор била суҳбат тутубдур. Ва Жунайд қ. с.нинг акронидиндур”. Буларнинг иккиси ҳам бир тариқатнинг икки йўналишига мансублигини Насойимда кўришимиз мумкин бўлади.

¹³ Habibullayev A. Tasavvuf falsafasi fanidan o'quv uslubiy majmua. T:2012.B.34.

¹⁴ Ислам: Энциклопедический словарь/Сост. Г.В.Милославский, Ю.А.Петросян, М.Б.Пиотровский и др. М.: Наука, 1991 (Далее: Ислам) - 315с.

Ҳакимийлик тариқати (Ҳаким ат-Термизий (ваф. 296/908 й.) “валийлик”, “каромат” масалалари ҳақида айтиб ўтган . Алишер Навоий Ҳаким ат-Термизийни иккинчи табақа, яъни орифлик даври суфийлари каторида зикр этган: “ Иккинчи табақадиндур. Кунияти Абу Абдуллоҳдур. Машойихи кибординдур ва Абу Туроб Нахшабий ва Аҳмад Хузравайҳ ва ибн Жалло била суҳбат тутубдур ва кўп ҳадиси бор ва зохир каромоти ва таснифи дағи бор.” Ҳакимийлик дастлаб зоҳидлар, дарвеш, қаландарлар йиғини давраси, мажлиси тарзида ташкил топган¹⁵.

Хафифийлик тариқати (Абу Абдуллоҳ Хафиф Шерозий ваф. 331/942 й.) асос солган) “ғайбат” ва “хузур” масалаларини ўрганган. Навоий “Насойим” да: “Бешинчи табақадиндур. Оти Муҳаммад б. Хафиф б. Исфихшор Заббий. Шерозда бўлур эрди. Отаси Нишобурдиндур. Уз замонида шайх ул-машойих эрди ва они Шайх ул-ислом дерлар эрди. Шайх Абу Толиб Хазраж Бағдодийнинг шогирдидур.”

Тасаввуфнинг тарихий ривожланишида юқорида зикр этилган тасаввуф мактабларининг таъсири кучли бўлган. Тасаввуф мактаблари ақл, ахлоқ, фаолият манбаи, шунингдек, инсонийликни белгиловчи мезон сифатида қабул қилина бошлаган. Уларнинг ягона мақсади Аллоҳни билиш ва таниш, Аллоҳ васлига яқинлашишни тарғиб этиш, инсон ахлоқини поклаш йўллариини излаш ва такомиллаштириш бўлган. Агар тасаввуф тариқатлари тарихига назар соладиган бўлсак, улардан ҳозиргача машҳур бўлиб келаётганлари фикҳий мазҳабларга ўхшаб ҳижрий иккинчи асрда эмас, балки анча кейин шуҳрат топганларини кўриш мумкин.

Маълум шайх номи ила машҳур бўлган катта тариқатларнинг аксари ҳижрий бешинчи ва олтинчи асрларга тўғри келади.

Рифоъия тариқати. Бу тариқатнинг асосчиси Аҳмад ибн Али ибн Аҳмад ар-Рифоъий номи билан аталган. У Басра билан Восит орасидаги Умму Убайда қишлоғида ҳижрий 512-санада таваллуд топган. Ёшлигида отасидан ажраб, етим қолган ва тоғасининг тарбиясини олган. Аввал

¹⁵ Рахимова А.//Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида тариқат одоблари.// Ислом тасаввуфи манбалари / Тасаввуф назарияси ва тарихи. Нашрга тайёрловчи Ҳ. Болтабоев. – Т.: Ўқитувчи, 2005. – Б. 12.

Шофеъий мазхаби бўйича фикҳни ўрганган. Кейин тоғасидан тасаввуф бўйича таълим олган ва унинг ўрнига тариқат шайхи бўлган. Аҳмад ибн Али ибн Аҳмад ар-Рифоъий ҳижрий 578-санада вафот этган¹⁶. Навоий у ҳақида: “мом Мусо Қозим р. а.нинг бузургвор авлодидиндур. Ва хирқада нисбати беш восита била Шайх Шиблий қ. с.ға етар. Анинг таърифидин қалам тили ожиздур. Ва Ҳазрат Махдумий н. м.н. «Нафаҳот ул-унс»да баъзи ҳолотидин шаммае зикр қилибдурлар, тилаган киши анда боксун.”

Қодирия тариқати. Бу тариқат Абу Муҳаммад Муҳйиддин Абдул Қодир ал-Жийлийнинг номи билан аталган. У ҳижрий 470-санада Бағдодда таваллуд топган ва ўша ерда ҳижрий 562-санада вафот этган. Абдул Қодир ал-Жийлоний машҳур фақиҳ бўлиб ҳам Шофеъий ҳам Ҳанбалий мазхаби ила фатво берган. “Насойим”да у ҳақида қуйидагилар битилган: “униятлари Абу Муҳаммаддур. Насабда Алавий Ҳасаний эрмишлар. Она жонибидин Шайх Абу Абдуллоҳ Савмаъийға набира бўлурлар. Ва оналари Уммулхайр Аматулжаббор Фотима бинти Абу Абдуллоҳ Дебдурки, чун фарзандим Абдулқодир мутаваллид бўлди, ҳаргиз Рамазон ойида сут ичмади. Валодатлари тўрт юз етмиш бирда эрмиш ва вафотлари беш юз олтмиш бирда воқеъ бўлубдур”.

Яссавия тариқати. Бу тариқат улуғ мутасаввуф Хожа Аҳмад Яссавийнинг номи билан аталгандир. Хожа Аҳмад 562-санада вафот этган. У киши шайх Юсуф Ҳамадонийнинг халийфаларидан бўлган. Бухорода таҳсили илм қилган. Яссавийлик тариқати силсиласи жиҳатидан нақшбандликка алоқадордир. Бу тариқатда зикр жаҳрий бўлган¹⁷. “Насойим”да у ҳақида қуйидагилар битилган: “мом Юсуф Ҳамадоний қ. с. нинг асҳобидиндур. Хожа Абдулхолиқ Ғиждувоний била қ. с. суҳбат тутубдур ва Хожа Абдуллоҳ Баррақий ва Хожа Ҳасан Андоқий қ.р. билаки, ҳам Имом Юсуф Ҳамадоний р. т. муридларидурлар, Имом қайси бийик

¹⁶ Ислам: Энциклопедический словарь/Сост. Г.В.Милославский, Ю.А.Петросян, М.Б.Пиотровский и др. М.: Наука, 1991 (Далее: Ислам) - 256с.

¹⁷ Ислам: Энциклопедический словарь/Сост. Г.В.Милославский, Ю.А.Петросян, М.Б.Пиотровский и др. М.: Наука, 1991 (Далее: Ислам) - 402с.

маротибга етибдурлар, мусохиб бўлубдур ва рўзгор машойихидин кўп бузургворлар анинг тарбиятин топибдурлар ва Шайх Разиюддин Али Лоло қ. с. Шайхи бузургвор Шайх Нажмуддин Кубро р. хизматиға етардин бурун Хожа Аҳмад Яссавий қ. р. хизматида бўлуб эрди ва анинг хонақоҳида анинг иршоди била сулук қилибдур ва анинг мазори Туркистонда, Ясси деган ердаки, анинг мавлид ва маншаидур воқеъ бўлубдур ва Туркистон аҳлининг қиблаи дуосидур.”

Нақшбандия тариқати. Бу тариқат Шоҳ Нақшбанд исми билан машхур бўлган Муҳаммад ибн Муҳаммад Баҳоуддин Бухорийга нисбат берилади. У ҳижрий 717-санада Бухоро яқинидаги Қасри Орифон қишлоғида дунёга келган. Ўн саккиз ёшида уйланган. Шайх Саммосий ва Амир Кулолдан руҳий тарбия олган. Шу билан бирга шариат уламолари ва олимлар суҳбатида доимий равишда иштирок этар эди. Икки марта ҳаж зиёратини адо этган ва Форс ҳамда унинг атрофидаги кўплаб ислом юртларига сафарлар қилган. Шоҳ Нақшбанд ҳижрий 791 сананинг рабиъул аввал ойининг учинчи куни душанбага ўтар кечаси вафот этган. Баҳоуддин умри бўйи ўз муридларини суннати Муҳаммадия йўлида тарбиялаб ўтган. Унинг қўлида ўн минглаб муридлар камол топган. Шоҳ Нақшбанднинг тариқати ҳозирги кунда ҳам дунёнинг кўплаб юртларида кенг тарқалгандир. Шайх Абдуллоҳ Дехлавий Нақшбандия тариқати ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Бу тариқат Ҳақ таолонинг ҳузурида доимий ҳозирликдир, Ислом ақийдасини, Аҳли сунна вал жамоа ақийдасини мустаҳкамлашдир ва Набий саллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига эргашишдир”. “Насойим” да: “Аларнинг оти Муҳаммад б. Муҳаммад Бухорийдур Аларға қабул назари фарзандликқа Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийдиндур ва одоби тариқат таълими зоҳир юзидин Амир Саййид Кулолдиндур, андоқки, ўтти. Аммо ҳақиқат юзидин алар Увайсийдурлар ва тарбият Ҳазрат Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний қ. с. руҳидин топибдурлар” дея таъкидлаган Навоий. Нақшбандия қатъий суннийликка асосланган бўлиб, маънавий силсиласи бир томондан Абу Бакр

Сиддиққа, иккинчи томондан Али бин Абу Толибга олиб борадиган 12 та тариқатнинг биттасидир.¹⁸

Чиштиийлик тариқати (Хожа Абу Исҳоқ Шомий (ваф. 491/1097 й.) асос солган) Ҳиндистонда тарқалган. Тариқат йўли шариат, тариқат, ҳақиқат босқичидан иборат эди. Шунингдек, факр, қаноат, риёзат, самоъга амал қилинган. Чиштиийлик тариқатининг кенг ёйилишида шайх Низомуддин Авлиёнинг (ваф. 726/1325 й.) таъсири катта бўлган. Навоий ўз асарида “Асру бузург эрди. Қабри Шом билодидин Аккададур. Шайх Алавий Динаварийнинг асҳобидиндур. Ва ул Шайх Ҳубайраи Басрий асҳобидин ва ул Шайх Ҳузайфаи Маръаший асҳобидин ва ул Султон Иброҳим Адҳам қ. с. асҳобидин. Ва бу Шайх Абу Исҳоқ Шомий Чишт қасабасига етибдур. Ва Хожа Абу Аҳмад Абдол суҳбатигаки, Чишт машойихининг муқаддамидур, етибдур ва андин тарбият топибдур” дея Шомийнинг Чиштиийликка мансублигини таъкидлайди.

Сухравардийлик тариқати (шайх Шиҳобуддин Сухравардий (ваф. 539/1144й.) асос солган) Эрон, Ҳиндистон, Афғонистонда кенг тарқалган, шариат-тариқат мувозанатига қатъий риоя қилинган. Абдурахмон Жомий шайх Сухравардийни “зоҳир ва ботин илмларда барча улуғ шайхларнинг стози, раббоний олим, нурлар манбаи, ҳақиқат таржимони”, деб нақл этган¹⁹.

“Ҳазрат Махдум н. м. Имом Ёфиъийдин алар алқобиға мундоқ нақл қилибдурларкн, [ўз замонасининг устози, даврининг яғонаси, нурлар матлаи, сирлар манбаи, тариқат раҳбари, ҳақиқат таржимони, зоҳир ва ботин илмларда барча улуғ шайхларнинг устози, орифлар йўлбошчиси, солиқлар таянчи, раббоний олим Шиҳобуддин Абу Ҳафс Умар б. Муҳаммад Бакрий Сухравардий, Аллоҳ унинг сиррини муқаддас қилсин]1. Абу-бакр Сиддиқ р. а. фарзандларидиндур. Тасаввуфда интисоби ўзининг амми Шайх Абуннажиб Сухравардийга. Ва Шайх Абдулқодир Гилоний р. суҳбатиға етибдурлар ва алардин ўзга ҳам машойихдин кўпнинг суҳбатиға мушарраф бўлубдурлар”

¹⁸ Назаров Б. Ислом агиографияси тизимида мақомотнинг ўрни ва унинг бадиий-услубий хусусиятлари. Т; 2007.- Б.61.

¹⁹ Исакова З.Р. Дис-473/2008. Тасаввуф таълимотида валийлик тушунчасининг диний – фалсафий талқини. Т; 2007.Б.45.

дея Навоий Сухравардийлик тариқатига дея мансублигини таъкидлайди.

Неъматуллоҳийлик тариқати (Саййид Неъматуллоҳ Валий (ваф. 835/1431 й.) асос солган) Эронда кенг тарқалган. Тариқатда “таслим”, “зуҳд”, “фақр”, “ридо”, “вафо”, “фано”га аҳамият берилган. Саййид Неъматуллоҳ Хожагон тариқатининг “Хилват дар анжуман” қондасига амал қилиб, халқ ичида яшаб, Ҳаққа хизмат қилишни тарғиб этган²⁰.

Юқорида қайд этилган тариқатлардан янги тармоқлар келиб чиққан ва улар ҳам алоҳида фаолият кўрсатган. Ислом динининг бошқа давлатларда кенг тарқалишида тариқатларнинг аҳамияти катта бўлиб, ҳозирга келиб уларнинг сони уч юз элликдан ошиб кетган. Мовароуннаҳрда шаклланган тариқатлар яссавийлик, кубровийлик ва хожагон-нақшбандийликдир. Хожа Юсуф Ҳамадоний (ваф. 535/1140 й.) яссавийлик ва хожагон-нақшбандийлик тариқатининг маънавий пири ҳисобланади. Хожа Юсуф Ҳамадоний “суқр” (мастлик, беҳудлик, Боязид Бистомий йўли) ва (хушёрлик, Жунайд Бағдодий йўли) йўналишларининг ғояларини уйғунлаштириб, янги хожагон йўналишига асос солган. Ундан икки мустақил тариқатлар – яссавийлик ва хожагонлик, кейинчалик нақшбандийлик ажралиб чиққан. “Насойим ул-муҳаббат”да Хожа Юсуф Ҳамадонийни “имом, олим, орифи раббоний, гўзал ҳоллари ва мақомотлари бор эди, деб унинг олтмиш йилдан ортиқроқ шайхлик қилиб иршодлар бергани, Хожа Убайдуллоҳ Бар(а)қий, Хожа Ҳасан Андоқий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Хожа Ҳаким Санойиларга устозлик қилгани зикр этилган. Абдулҳолиқ Ғиждувоний тариқатнинг “хуш дар дам”, “назар бар қадам”, “сафар дар ватан”, “хилват дар анжуман” қоидаларини ишлаб чиққан ва ҳаётга татбиқ этган.

Хожагон тариқатининг асосчиси Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувоний (1103-1179) суфийлик таълимотини “зикри хуфийа” билан бойитган ва тариқатнинг саккиз қондасини шакллантирган. Бу рашҳалар ҳар бир нафасдан огоҳ

²⁰ Ислам: Энциклопедический словарь/Сост. Г.В.Милославский, Ю.А.Петросян, М.Б.Пиотровский и др. М.: Наука, 1991 (Далее: Ислам) - 186с.

бўлиш, қадамни назорат қилиш, Ҳақ томон юриш, халқ ичида Ҳақ билан ёлғиз бўлиш, қалб ва тил билан тавҳид зикрини қилиш, мақсад Аллоҳ ризоси эканини билиш, қалбни турли ўй ҳаёллардан сақлаш, ҳар нафасда Аллоҳ билан бўлишдир. “Насойим ул-муҳаббат”да келтирилишича, Ҳазрати Хожа “Ҳамиша сидқу сафо йўлида ва Мустафо (с.а.в.) шаръу суннати мутобаатида ва бидъату ҳаво мухолафатида қадам урубдурлар ва пок равишларин ағёр кўзидин яширубдурлар, аввалдин охирғача аларнинг рўзгори барча халқ қошида мақбул ва маҳмуд экандур” (НМ,301).

Яссавийлик тариқати асосчиси туркистонлик Хожа Аҳмад Яссавий шимолда Қозонгача, ғарбда Болқон ярим оролигача етиб борган, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг маънавий, маданий ва ижтимоий таракқиётига муҳим ҳисса қўшган. Бу тариқатнинг ислом динини туркий қавмлар орасида ёйилишида ўзига хос ўрни бор. Аҳмад Яссавий ўз она тилини биринчи бўлиб тариқат тили мақомига кўтарган, шеърларидаги ҳар бир сўз ва ибора ислом ҳақиқатлари билан суғорилган. “Қалбингда Аллоҳ бор, Аллоҳга чекин”, дейди шоир. Узлатга чекинмоқ ўз-ўзинга чекинмоқ демакдир. Аввал ботинни англамоқ, тарбияламоқ даркор, бу нафсни поклашдан бошланади. Унинг маънавий-руҳий олами шунчалик юксак бўлганки, Алишер Навоий Хожа Аҳмад Яссавийни “Мақомоти олий ва машҳур, каромоти мутаволи ва номахсур эрмиш. Муриду асҳоби ғоятсиз ва шоҳу гадонинг иродат ва ихлоси остонида ниҳоятсиз эрмиш», у «Туркистон аҳлининг қиблаи дуоси” деб атайди²¹.

Шунингдек, “Насойим ул-муҳаббат”да илк бор Қутбиддин Ҳайдар, Ҳаким ота, Исмоил ота, Исҳоқ ота, Хожа Баҳоуддин, Хожа Боязид, Хожа Халил, Қўрқут ота, Қилич ота, Садр ота, Йигит Аҳмад, Кўк Шайх, Темурчи ота, Кешлиғ ота, Умар ота, Саййид ота, Боб Ҳусайн, Занги ота, Ҳусайн Шайх, Юсуф Шайх, Ҳожи Шайх, Адиб Аҳмад, Лукмон Парранда, Ҳожи Бектош Валий каби баъзи афсонавий шайхлар ва уларнинг мақомотлари ҳам зикр этилган. Шулардан Қутбиддин Ҳайдар ҳақида “Насойим” да: “ашҳур

²¹ Девин Ди Уис. Маша’их-и турк и Х’аджаган: переосмысление связей между суфийскими традициями Йасавийа и Накшбандийа / Суфизм в Центральной Азии. – М.: Наука, 2002. - С. 211-224.

андокдурки, Туркистон подшоҳининг ўғлидур ва Хожа Аҳмад Яссавий р. т. нинг муриди дур. Кичик ёшида анга жазбае етибдурки, Ҳазрат Хожа Аҳмад Яссавий р. т. суҳбатидин шикиболиғи йўқ эркондур. Ҳар неча отаси илтимос ва таклиф била уйига еткурур эркондур, яна беихтиёр Хожа мулозаматиға борур эркондур. То улки заҳр била элтиб, ани кадхудолиғка тарғиб қилибдурлар. Ул ўз нафсиға андоқ зулм қилибдурки, машҳурдур” таъкидланади. Йигит Аҳмад ҳақида эса: “Каромот ва мақомотлиғ азиз, эркондур. Йигитлик айёминин қарилардек тоату ибодат ва сулуку риёзатка машғул бўлубдур. Шухрати турк эли оросида бағоят кўпдур” дея яқунлайди ўз сўзини Навоий.

Навоий Кўкшайх ҳақида: “Каромоту мақомот ияси экандур ва кўп ажибу ғариб ҳолат андин манқулдур. Сингли номуносиб киши никоҳиға киргондур ва ораларида ул кишининг ноҳамвор маоши жиҳатидин доим можаро бўлур эркандур. Андоқки, можаролари Шайхқа дағи етибдур. Ул куёв беандомлиғидин нохуш сўз кўп айтиб, Шайхни малул қилибдур. Шайхнинг ғазаби юзидин тилига ўтубдурки, «кўр бўл, шариат юкини чек!» Ул киши ҳамулдам нобино бўлибдур, ал-илму индаллох” деб айтиб ўтганлар.

Барчвмиз зиёрат қиладиган Занги ота ҳақида эса Навоий: “Туркистон машойихидиндур ва кўп машойих хидмату суҳбатиға етибдур. Ва турк улусида машоҳирлардиндур. Анинг бобида ҳам кўп сўзлар манқулдур” деганлар.

Нажмиддин Кубро тасаввуфдаги “суқр” ва “саҳв” йўналишларини бирлаштириб, тафаккурий билим билан кароматни уйғунлаштирган, тасаввуфдаги ирфон фалсафаси ривожига салмоқли таъсир кўрсатган. Шайх “Замонасидаги авлиё ва муршидларнинг энг комили, юксак мақомларга, зотий-сифатий тажаллийларга эришган, шунингдек, малакут оламида кўриш, жабарут оламида учиш, лоҳут оламида тавҳид ва ҳақойиқларга эришган, қалб дунёсида ғарқ бўлган эди”, деб таърифланади.

Нажмиддин Кубронинг тасаввуфга олиб кирган янгиликларидан бири “Офок ва анфус” (офок – уфқлар, осмон, анфус – руҳлар, жонлар) таълимоти,

яъни олами сағир ва олами кабир ўртасидаги муносабатлардир. Унга кўра, инсонни қуршаб олган ташқи дунё – олами кабир, инсоннинг ўзи эса олами сағирдир.

Энг кўп тарқалган тасаввуф тариқатларидан бири нақшбандийликдир. Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да унинг ўзига хос тариқат эканлигини алоҳида қайд этган. Нақшбандийлик – хожагон ва яссавийлик ғояларига асосланган бўлиб, Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) уни такомиллаштирган. У тўрт тамойил асосига қурилган, шариат билан зоҳирни поклаш, тариқат билан ботинни поклаш, ҳақиқат билан қурби илоҳийга эришмоқ, маърифат билан Аллоҳга эришмоқ. Шунингдек, тариқатга кирган ҳар бир дарвеш риоя қилиши лозим бўлган ўн бир асос ҳам бор. Шайх Амин Алоуддийн Нақшбандий ўзининг “Нақшбандия тарийқати недир?” номли китобида қуйидагиларни ёзади:

“Муҳаққиқ уламолар Нақшбандия тарийқати ҳақида қуйидагиларни таъкидлайдилар: Нақшбандия тасаввуфи ўртача ва мўътадилдир. У, сулукдаги мўътадиллик, шариатга эргашиш, тариқатнинг осонлиги билан ажралиб туради. У хусусан, дин уламолари ичида кенг тарқалган. Нақшбандий сўфийнинг қалби Аллоҳ билан, жисми банда билан дейди.

Бу тариқатдаги назарни ўзига тортадиган энг муҳим нарсасокинлик, яъни, унинг ривдан холи бўлмайдиган бақириқ-чақириқ, тараннум ва тинглашлардан узоқдалигидир.

Алишер Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да Хожа Али Ромитаний (ваф. 721/1321 й.) ҳақида “Ва аларға олия мақомот ва зоҳир каромат кўп эркандур ва тўқимоқ санъатиға машғул бўлур эрмиш”, деб унинг тариқатда юксак мақомга эришиб, кашф-кароматлар содир этганлиги ҳамда тўқувчилик касби билан шуғулланганлигини қайд этган.

Хожа Аҳрор Валий нақшбандийлик тариқатининг пири комили сифатида эътироф этилган. “Насойим ул-муҳаббат” да “Аларнинг шариф вужудлари баракатидин бу шариф силсиланинг илтиём ва интизоми ило явмил қиём имтидод топқай”, деб Хожа Аҳрор Валийнинг нақшбандийлик

тариқатининг назарий ва амалий жиҳатдан мукаммаллашуви учун қилган саъй-ҳаракатларини эҳтиром билан зикр этган.

Адабиёт ва илм-фан тараққиётида тасаввуф намояндаларининг ўзига хос ўрни бўлиб, ўтмишда жамият маънавий ҳаёти юксалишида муҳим аҳамият касб этган. Жумладан, “Насойим ул-муҳаббат”да “Одоби тариқат сулукини” касб этган сўз мулкининг султонлари бўлган Шарафиддин Али Яздий, Шайх Фаридиддин Аттор, Ҳаким Санойи, Саъдий Шерозий, Шайх Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Носир Хусрав, Мавлоно Лутфий, Саййид Насимий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий ҳам зикр этилганки, бу тасаввуф ва тариқатларнинг тарқалиши ва оммалашувида шеърят ва адабиётнинг ўрни беқиёс бўлганлигидан далолатдир²².

Тариқат босқичига кўтарилган суфийнинг шариат аҳкомларини адо этиши бирмунча ўзгаради. Бу ўзгаришларни Навоийнинг суфия улуғлари зикрига бағишлаган “Насойим ул-муҳаббат” асари мисолида кўриб чиқамиз.

Асарда, аввало, диннинг моҳияти, пайғамбарликка юклатилган вазифа хусусида гап очади.

«Бу тақдир била андоқ таҳқиқ бўлдимки, ҳақ субҳонаҳу ва таоло маҳлуқотда бани одамдин шарифроқ ва бийикроқ халқ қилмайдур. Невчунки, маърифатуллоҳ ганжининг амини ва марҳами улдур. Ва чун маҳлуқотнинг зотида башариятни доҳил қилди, б и и т ашарият муқтазоси била алардин нописанд ишлар вужуд тутди. Мунинг ислоҳи учун баъзи баргузида бандалар бошига нубувват тожин кўйуб, белига ҳидоят камарин боғлаб, бу маҳлуқотнинг амру наҳйиға (қайтаришга) ўз оллидин маҳкум ва буларға ҳоким қилди ва калом ва аҳком алар учун нозил қилди то улар маърифатға аларни далолат қилдилар.»(НМ,92)

Навоий башариятни йўлга солишда пайғамбарлардан кейин олимларни билган. Навоий “уламо пайғамбарлар ворисидир” деган ҳадисни эслатиб, сўнгра *сўфия улуғлари* ҳақида маълумот беришни бошлайди. Бу тоифанинг *аъмол, афъол, муомилот ва риёзотини* Навоий шундай таърифлайди.

²² Комилов Н. Нажмиддин Кубро. Рисола. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995. – Б.29.

“Буларнинг аввал ишлари *тавба* дурким, ҳақ субҳонаҳу таоло барча *манҳий* (ман қилинган) ишлардин аларға *ижтиноб* (тийилиш) каромат қилғай ва андин сўнгра *луқма хуллиятиким* (ҳалоллиги) ул бобда улча мумкиндур, саъй қилғайлар”.

“Андин сўнгра *шариат* риоятидурки, ул жодада истиқомат бўлғай ва улча мумкиндур. Андин *қадам* тажовуз қилмағай...

Ва умидалари фаройиздур ва ислом арконидур” (НМ,93).

Демак, юқорида айтганимиздек, тасаввуф йўлига кирган киши аввало, тўла мусулмон бўлиши шарт, яъни, исломнинг беш рукнига сўзсиз риоя қилмоғи лозим.

Бу рукнларга риоя қилганда ҳам, оддий мусулмонлардан талаб этилгандан кўра юқори даражада риоя қилмоқликлари керак бўлади²³.

“Ва анинг аввали шаҳодат калимасидур ва алҳақ жаъмеъ авлиё уллоҳ машойихнинг зикрлари хоҳ *ҳафий* ва хоҳ *жаҳр* таркибдур, балки ул калимаки, мудоваматини ул ерга тегуруб (етказиб)-дурларки, бир лаҳза андин ғофил, балки бир турфатул-айн (кўз очиб юмгунча) андин ғойиб бўла олмаслар”(НМ,94).

“Ашҳаду Алла ла Илаҳа Иллаллоҳу ва ашҳаду анна Мухаммадан абдуҳу ва расулуҳ” - деган *шаҳодат калимасини* ё ичида ё овоз чиқариб айтишдан бир зум бўлса-да ғофил қолмасликлари керак.

“Яна бир *салоти хамсадур*...Мансур Халлож қатл бўлгон кечаси беш юз ракат *намоз* ўқиғон экан” Боязид Бастомий намоз ўқиётганда суяклари қирсилларди. Намозни адо қилишда улар, кўпинча беш вақт намоз ёки тайин қилинган ракат билан чекланиб қолишмаган.

“Яна бири *закотдур* - аларнинг юздан бири соҳиби *нисоб* бўлмаслариким, аларға закот фарз бўлғай”.

“Яна бири *рўзадур*: ҳамма тонг ёришгандан кун ботгунча емак-ичмакдан, мубошаратдин (иш юритиш) имсок (сақланиш) қилурлар». (барчага тайин этилган рўза тонг ёришишидан кун ботгунча еб ичиш турли

²³ Habibullayev A. Tasavvuf falsafasi fanidan o'quv uslubiy majmua. T;2012.B.56.

ишлардан сақалиниш бўлса, сўфийлар тоифаси бундан *таишқари*, ўзларининг барча аъзоларига рўза буюрганлар:

Бу тоифа : анга кўшиш қилурким, андоқки,

- емак-ичмакдин бўғузга савм (рўза) буюрғайлар;
- жаме аъзога ўз қилур феълларидин рўза буюрғайлар.
- кўзга номашру (шаратга хилоф) нимага боқардин;
- қулоққа номашру ун эшитардин;
- оёққа номашру кадам урмоғдин ;
- иликка номашру нима тегмагидин;
- кўнгулга ҳақ субҳонаху таолодин ўзга ҳеч нима хотирға кечмагидин.

Ҳаж— “Ва исломнинг бу мазкур бўлган тўрт руқни такмил топқондин сўнгра *ҳаждурки*...

Ҳаммага: қудрати етса, йўл хатарсиз бўлса; (иститоат ва амни тарийқ);

Бу тойифага - Амни тарийқ - яъни йўл ҳавфсизлиги деган гап йўқ. Яъни, “ҳар ерки ҳақ субҳонаху ва таоло мулкидур, анда асрағувчи ўзидур. Ва иститоат эса, анинг хизонаи карамидурки, ... таваккул била ул йўлни қатъ қилурлар”.(НМ,95)

Бошқа мусулмонлар билан сўфий мусулмонлар ўртасидаги ислом руқналарини адо этишдаги фарқлар шулардан иборат.

Шайхнинг ўзи ҳам ўз руҳиясини тарбиялаб, киши кўнглидагини билиш, кишини гипноз ҳолатига солишга ўхшаш хислатларга эга бўлишган. Бу хислатлар, албатта, унинг обрў-эътиборига мўъжизакор авлиё эканига ишонч уйғонишга муридларининг кўпайишига сабаб бўлган.

Бу хусусда Навоий “Насойим”да ёзади:

“Авлиёуллоҳға воқеъ бўлган одот ва каромот. Ва ул кўпдур, авлиёуллоҳнинг маротибидек (категория):

- йўқ ердан бор қилиш;
- бор нарсани йўқ қилиш;
- маҳфий иш изҳори;
- очик ишни пардалаш;

- дуоларни мустажоблиги;
- оз муддатда катта масофа ўтиш;
- сезиб бўлмас ишлардан хабар бериш;
- бир вақтда бир неча ва турли ерларда ҳозир бўлмоқ;
- ўлганни тирилтириш;
- тирикни ўлдириш;
- жонсиз нарсалар, ўсимликлар ва ҳайвонлар сўзини тушуниш;
- сув устида югурмоқ;
- ҳавода сайр этмоқ;
- овқат ҳисобланмаган нарсаларни емоқ;
- ҳайвонларни ром қилмоқ;
- баданда муфрит қувват изоҳи (само вақтида дарахтни тубидан кўпориш);
- деворни бармоқ ишорати билан ёрмоқ;
- илик ишорати бирла муҳолифнинг бошини учурмоқ;
- ёмғир ёғдирмоқ;
- ел эстирмоқ;
- сел келтирмоқ;
- даф қилмоқ;
- чувуртка офатини даф қилмоқ;
- бошқа шакл ва қиёфага кирмоқ;
- йўлдан адашганларга биёбонда йўл кўрсатмоқ (НМ,98).

Навоий давом этади: “Ҳақ субҳонаҳу ва таолоға шундай яқин бандалар ва дўстлар ҳам борки, бу барча зикр этилган ишлардан ўзларини сақлайдилар, ор қиладилар. Чунки бир зум бўлса-да, ҳақ субҳонау таолони кўз билан кўриш завқидан ғофил бўла олмаслар” (НМ,98)

Алишер Навоийнинг шу асарида мана шундай суфий жамоадаги таълим жараёнидан лавҳалар келтирилган. Жумладан:

- Зуннудин сўрадиларким,
- Мурид кимдур ва мурод ким?

- Мурид талаб қилади, муруд қочади.

Абу Бакр Тоҳир Абҳарийдин сўрдиларки,

- Ҳақиқат недур? — дедиким:

- Барчаси илмдур. — дедилар:

- Илм недур? — дедиким:

- Барчаси ҳақиқатдир...

Шайх Абулхасан Харақоний бир кун асҳобидин сўрдиким,

- Не нимадурки бори нимадин яхшироқ бўлғай? Дедиларки:

- Ҳам шайх айтсунлар. Дедиким:

- Ул кўнгулки, анинг ёдидин ўзга анда нима бўлмағай.

Андин сўрдиларки:

- Суфий кимдур?

Деди:

- Киши мураккаб (жанда) ва сажжода била суфий бўлмағай ва русум ва одат билан суфий бўлмағай. Суфий бир кундирки, кунасга эҳтиёжи бўлмағай ва бир кечадурки, ойга эҳтиёжи бўлмағай, ва бир йўқдурки, борлиққа ҳожати бўлмағай.

Андин сўрдиларки:

- Киши недин билгайки, уйғоқдур?

Деди:

- Андинки, чун ҳақни ёд қилса, фарқидин қадамиғача хабардор бўлғай.

Ва сўрдиларки:

- Сидқ недур?

Деди:

- Сидқ улдурки, кўнгул сўз айтгай, яъни ани кўр, дегайки, кўнглида бўлғай.

- Ихлос недур?

- Ҳар не тангри учун қилсанг, ихлосдур. Ҳар не халқ учун қилсанг риёдур (НМ,45).

IX-XI асрларда мусулмон Шарқининг кўпгина шаҳарларида ҳонақоҳлар мавжуд бўлиб, жамоатчиликнинг фикрига яхшигина таъсир ўтказиб келарди. Шунинг учун турли йўналишларнинг қарашларини бирмунча тартибга келтириш зарурати пайдо бўлди. Бу вазифани машҳур файласуф олим Имом Ғаззолий амалга оширди²⁴.

Комил инсон тушунчаси биринчи марта *Шайхи Кабир* номи билан машҳур бўлган Мухйиддин Ибн Арабий (1165–1240) томонидан муомалага киритилган. Ибн Арабий наздида комил инсон – бу *Ақли аввал ёки нафси аввал, ақли кулл* тушунчалари билан маънодошдир.

Чунки Тангри таоло илоҳий нурдан илк марта “Ақли аввал”ни яратди ва унинг сурату шакли Комил Инсон қиёфасида зухур этди. Шунинг учун “*Халақоллоҳу адама алаъ суратар Раҳману*” (Аллоҳ одамни Раҳмон суратида яратди) деган ҳадис мавжуд. Комил инсон, шу тариқа, Аллоҳнинг Раҳмону Раҳим сифатларига эга бўлди, дейдилар (Саййид Содиқ Гуҳарин. Шарҳи истилоҳоти тасаввуф, 1-жилд, 125-бет).

Моҳиятан олганда, комил инсон ҳақидаги тушунчаларнинг мухтасар мағзи шундан иборат. Аммо бу ҳақда улуғ алломаларнинг қиймат ва аҳамиятини йўқотмаган қарашлари, фикрлари бор²⁵.

Улар *Каъба деб кўнгилни тан оладилар*, кўнгил раъйига юрадиган, дунёни кўнгил орақли биладиган ва кўнгилга сиғинадиган одам Аллоҳнинг севгани деб чиқдилар. Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асаридан: “Исмоил Даббос дедиким, ҳаж нияти қилиб, борурда Шерозга етишдим. Бир масжидга кирдим. Шайх Мўминни кўрдимки, ўлтуриб хирқасини ямайдур эрди, салом қилдим ва ўлтурдим. Мендан сўрдиким, не ниятинг бор? Дедим: ҳаж ниятим бор. Деди: онанг бор? Дедим: бор. Деди: ёниб онанг мулозаматиға бор... Мен эллик ҳаж қилибмен – бош яланг, оёқ яланг ва зоду ҳамроҳсиз. Барчасин сенга бердим, сен онанг кўнгли шодлигин менга бер!”(НМ,287)

²⁴ Habibullayev A. Tasavvuf falsafasi fanidan o'quv uslubiy majmua. T;2012.B.46.

²⁵ Тримингэм Ж. С. Суфийские ордены в Исламе (под ред., предисл. и примеч. О.Ф. Акимушкина). – М.: Наука, 1989. – С. 16.

Бу одамлар – жамиятнинг тирик виждони эдилар. Кишилар уларга қараб хушёр тортар, дунё беҳудлигидан ўзига келиб, ўз қалбига, қилаётган ишларига разм солардилар, тавба-тазарруъ қилардилар. Уларнинг афъолу аъмоли инсонлар дилига қувват, кўзига нур бағишлаган.

1.3. Асарда тасаввуфий атамаларнинг берилиши

Алишер Навоийнинг “Насойимул муҳаббат” асарида нафақат шайху машойихлар ҳаёти тасвирланган балки унда тасаввуф илмига оид бекиёс маълумотларни учратишимиз мумкин. Айниқса, тасаввуфий атамаларнинг берилиши ушбу асарнинг қийматини янада оширади, десак адашмаган бўламиз.

Бизга маълумки, тасаввуфнинг ғояси комил инсонни тарбиялашдир. Бундай камолотга эришган шайхларнинг ўз даражалари ва маноқиблари мавжуд. Комил инсонни тасаввуфий истилоҳда “авлиё” дейилади. Валий тушунчаси Қуръон ва ҳадисга асосланган бўлиб, “дўст” (Аллоҳнинг дўсти) маъносини билдиради (“Аллоҳ эса тақводор зотларнинг дўстидир”²⁶). Шу маънода Қуръонда Осаф ибн Барҳаё, Марям, Мусо (а.с)га илм берган солиҳ одам, Сулаймон (а.с) га тахтни келтириб берган илмдан хабари бўлган киши, кабиларнинг “возеҳ” (аниқ, равшан) тарзда валий инсон бўлганликларига ишора қилинган. Шу зайлда валийлик (валоят) атамаси пайдо бўлган²⁶.

Валоят– банданинг Ҳаққа бўлган қиёмидирки, бу мақомда инсон ўз нафсидан юқори кўтарилади. Валоятни валояти омма (барча мўминлар учун хос) ва валояти хоссага (Ҳақ васлида фано ва бақо мақомига етганларга хос) ажратганлар. Валоятнинг валояти узмо (буюк) ёки валояти лоҳутий, валояти кубро (улуғ) ёки валояти жабарутий, валояти вусто (ўртача) ёки валояти малакутий, валояти суғро (кичик) ёки валояти носутий каби даражалари бўлиб, валояти узмо пайғамбарларга, валояти кубро бошқа набийларга, валояти вусто валийларга, валояти суғро мўминлар ва орифларга тааллуқлидир. Валийлик, валоят *ولاية* , *ليك ولي* – валоят, валийликнинг олий

²⁶ Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. –Т., Ёзувчи, 1996.Б.34.

сифати.²⁷ Валийлик Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлиб, ўзи истаганига берур. “Уларни мендан бошқалар танимайдилар» қудсий ҳадисининг маъноси шуки, то иродат нури билан бировнинг ботинин ёрутмағай, ул валийни танимағай, пас, ул нур ани танимиш бўлғай, йўқ ул киши. (Шайх Бақо Батту). Валоят ибтидоси шуки, барча шароеъни камол била қабул қилғай ва мутобаат кўргузғай (Шайх Абулмакорим Симноний). Валий валоятда мутаҳакқиқ бўлғай ва ул маънодаким, анинг руҳонияти яна бир сурат била мусаввар бўлғай, мутамаккин бўлғай. Бўла олурки, бир вақтда мухталиф жиҳодда ўзин мутаъаддид сувар била зоҳир қилғай, андоқки тилағай. Бас, агар бирав ани ул сувардин баъзида Арафотда кўрдум деса, чин демиш бўлғай. Ва яна бирав ул сувардин баъзи била уйда кўрмиш бўлса ҳам чин демиш бўлғай. Қудсий ҳадисда айтилган “Дўстларим куббаларим остидадир” ҳадисининг маъноси шуки, қабоб башарият сифатидир ва пардае эмас бўздин ва ё ўзга жинсдин. Ва сифат улдурки, анда айбе зоҳир қилғай, ё бир ҳунарни андин эл кўзига айб кўргузғай. Ва “Уларни мендан бошқалар танимайдилар”, қудсий ҳадиснинг маъноси будурки, то иродат нури нури била биравнинг ботинин ёрутмағай, ул валийни танимағай, пас ул нур ани танимиш бўлғай, йўқ ул киши. (Шайх Муфарриж). Тенгри таоло то кишининг сиррин эл кўзидин ёпмағунча ва ани халқ кўзидин яширмағунча, мумкин эрмас ул киши валоят мартабасига етмак. Валий то шариятни такомилига етказмағунча, валоятга қадам қўя олмайди. Валоятнинг интиҳосида валийнинг руҳи набийнинг жисмига мушобаҳат топар, тариқатда ниҳоят ул-авлиё бидоят ул-авлиё бўлғай (Шайх Рукнуддин Алоуддавла Симноний). Хожа Абдулҳолиқ Ғиждувонийнинг валояти ул ерга етганки, ҳар вақт намозда Каъбага борурлар эрди. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларига Аллоҳ иноятидан воқеъ бўлибдики, тариқат машойихларидан ҳеч бирига бундай валоят етмаган, яъни ҳазратнинг кароматлари зоҳир бўлиб, балогардонлик билан шуҳрат қозонганлар (НМ,254-265).

²⁷ Улудағ С. Тасаввуф теримлари сўзлуғу. Б. 489-490.

Валийтарош *ولي تر اش* – валийларни тарбияловчи. Шайх Нажмиддин Куброни валийтарош дейилишига сабаб, важду ҳол ғалаботида уларнинг муборақ назарлари ҳар кимга тушса, валоят мартабасига етар экан (НМ, 287).

Валоятсор *ولايت آثار* – валийлик асари, нишони, белгиси. «Ул маърифат кунжининг валоятсор ҳолоти зикридин ва фойиз ул-анвор мақолоти фикридин аҳли арбобларга нафълар ва шафқу иродат аҳлига файзлар етишди» (НМ, 105).

Вараъ *ورع* – парҳезкорлик, ҳаромдан парҳез қилиш ва шубҳали таомлардан сақланиш, ман қилинган ишлардан чекиниш. Алишер Навоий Абулаббос Ҳамза Муҳаммаднинг вараъда комил, мустажоб уд-даъва ва азим саховати борлигини зикр этган (НМ, 12).

Возеҳ *واضح* – очиқ-ошкор, равшан, тушунарли. Хожа Мавдуд Чиштий етти ёшида Қуръонни возеҳ билан ҳифз қилган (НМ, 226).

Дарвеш *درويش* – бенаво, қашшоқ, камбағал, фақир, эшиклардан нарса тиловчи, художўй. Тасаввуфда дарвеш тариқатга кирган муриднинг муршиднинг эшигига осилган ва ундан нажот тиловчи суфий. Дарвиш нафснинг ҳавойи орзуларидан қўл силтаб, моддий борлиқдан кечган, дунё лаззатларига қўл силтаб, ҳақиқат йўлига кирган Ҳақ ошиғи. Дарвеш ҳуррият мақомидаги энг юксак ҳол эгасидир. Дарвешлик уч нимадир, яъни тарк ут-тамаъ вал манъу вал жамъу – халқнинг бирор нарсасига кўз тикмаслик, бошга келган ҳар қандай балони ман қилмаслик, ҳеч нарса тўпламаслик (Абубакр Ҳамадоний). Дарвеш Саййид Ҳасан дарвешлар орасида мутааййин ва фақр тариқида машғул бўлган (НМ, 440)²⁸.

Зотий сифат *ذاتي صفت* – Ҳар нарсаки, ортмаса, камаймаса, зотий сифатдир (Ҳаким ат-Термизий). Аллоҳни Аллоҳдан ўзга киши танимас, унинг зоти ҳақидаги илм нодонликдир (Иброҳим Деҳистоний). (НМ, 153).

Зоҳир *ظاهر* – кўриниб турган, очиқ-ошкора, ташқи, юзадаги, дунё. Уларнинг (валий) зоҳирий либослари сени таажжубга солмасин, чунки

²⁸ Назаров Б. Яссавийлик тариқати манбаларида терминология масалалари // ТДШИ профессор-ўқитувчилари конференцияси материаллари. – Т.: ТДШИ, 2009, Б.29-32;

ботинни хароб қилганларидан сўнг зоҳирни зийнатлайдилар (Абу Абдуллох Динаварий). (НМ,189).

Зоҳид زاهد – дунё ишларидан юз ўгириб, тоат-ибодат билан машғул бўлган, таркидунё қилган шахс. Шайх Абдуллох Хафиф «Зоҳиран Абубакр Шаъронийдек ўзга дунёдан кўнгул узган энг содиқ зоҳидни кўрмадим», дейди. (НМ,167).

Ишқ عشق – муҳаббат, севги. Тасаввуфий маслакда аввал ҳавасдан бошланиб, висол билан якун топадиган илоҳий ҳис-туйғу. Ошиқ ўз маҳбубини кўргач, уни орзу қилади ва қалби безовта бўлади. Бу туйғу кучая бориб, завқ-шавқ уйғотади. Иштиёқ даражасига кўтарилган ишқ муҳаббат мақомига эришади. Бунда маҳбуб учун ўзидан кечган ошиқ жонини беришга тайёр туради, фанога етишади. Бу ишқ ҳолатидир. Дўстдин нишон ва орифдин жон. Кимки ишқ билан ўлса, шундай ўлгани маъкул. Ўлим билан тугамаган ишқда хайр йўқдир (Абдуллох Ансорий)²⁹. Шайх Аҳмад Ғаззолий “Савониҳ” китобида ишқ мартабалари ҳақида таснифот ва таълифот қилган: Маъшук барча ҳолида маъшукдир, бас истиғно (эҳтиёжсизлик) анинг сифатидир. Ва ошиқ барча ҳоли билан ошиқдир, бас ифтиқор (муҳтожлик) анинг сифатидир (НМ,251).

“Рижол ул-ғайб” رجال الغيب – ғайб эранлари, рижолуллох, мардони худо, мардони ғайб, ҳукумати маънавия. Тасаввуфий маслакда дунёни бошқариш, зоҳирий ва ботиний билимларни валийларга етказиш ва раҳнамолик қилиш вазифаси юклатилган бу жамоага қутб, автод, абдол, ахёр, нақиб киради. Аллоҳдан рози банда (валий)лар ердаги амин бандалардир, улар бошқалар учун ҳужжатдирлар, улар туфайли Аллоҳ халқни балолардан асрайди, яъни Аллоҳ валийларни халқ ичида омонат қўйган ва уларнинг баракати туфайли халқ боло-офатдан саломатдирлар. (НМ,14).

Авлиёлар ҳам ўз ўрнида қуйидаги даражаларга бўлинади:

1. Қутб – тасаввуф шайхларига бериладиган энг оилий унвон. Тасаввуфда маълум бир даражага етган авлиёлар. Улар икки нафардирлар.

²⁹ Улудағ С. Тасаввуф теримлари сўзлуғу. Б. 489-490.

Ҳар бир даврнинг ўз қутби бўлиб, улар ҳар замонда мавжуд бўладилар. Уларнинг қалби Муҳаммад (а.с) қалблари билан алоқадор бўлади.

2. *Ғавс* – Бу ҳам Қутб каби бўлиб, ёрдам берувчи деган маънони англатади.

3. *Абдол* – Ғойиб кишилар тоифасидан бўлиб, ўзлари халқ ичра бўлсаларда, уларнинг абдол эканликларини ҳеч ким билмайди. Абдол форс ва туркий тилларида “чилтан” (қирқ кишидан иборат) деб юритилади. Улардан қайси бири вафот этса, ўрнига дарҳол янгиси тайин этилади. Олдинги кишига бадал (ўринбосар) бўлиб келгани учун ҳам уларга “абдол”, яъни “ўринбосарлар” деб ном берилган. Баъзи манбаларда уларнинг адади 400та эканлиги қайд қилинган.

4. *Автод* – бу сўзнинг луғавий маъноси “қозиклар”дир. Улар ҳам абдол каби зотлар бўлиб, ададлари баъзи манбаларда 4 нафар дейилса, баъзиларида 70 нафар дейилган.

5. *Нужабо* – Олий зот бир тоифа авлиёларки, улар фақат инсонларнинг фойдаси учун фаолият кўрсатадилар. Уларнинг одамлар ҳаққига қилган дуолари мустажоб бўлади. Уларнинг адади баъзи манбаларда 70 киши дейилса, яна баъзи манбаларда 40 киши деб кўрсатилган.

6. *Нуқабо* – Тасаввуфда бир тоифа авлиёларга шу ном берилган бўлиб, улар умматлар билан зоминдирлар. Улар одамларнинг сирларидан воқифдирлар. Ададлари 300 нафар. Мана шулар авлиёларнинг даражалари номларидир. Бунга қўшимча ўлароқ шуни келтириш лозимки, валий инсон хислатлари, валийлик мақоми, даражалари устида ватандошимиз Ҳаким ат-Термизий чуқур назарий тадқиқот олиб борган. Унинг фикрича, ҳақиқатга етишишликда илм ва ақлдан бошқа яна бир учинчи – илоҳий нарса – валийлик ҳам бор. Умуман олганда қалб кўзгуси пок бўлган инсонлар руҳий олам сирларидан хабардор бўлади³⁰.

Суфий — жун кийимли киши демакдир. «Суф» сўзи жун матони билдиради. Айрим манбаларда ёзилишича, жоҳилия даврида Каъба атрофида

³⁰ Колободий. Тасаввуф сарчашмаси («Ат-таъарруф»). –Т., 2002. – Б. 102.

хизмат қилиб юрган, тарки дунё қилган бир қавмни «суфийлар» дейишган (*“Fiёсул лугот”*)³¹.

Бу оқимнинг дастлабки вакиллари (VII—VIII а.) дарвишона ҳаёт кечириб, қўпол жун чакмон кийиб юрганлар ва «жун кийимли» яъни «суфий» номини олганлар. Уларнинг бутун юриш-туриши, қилган ишлари-ю одатларини (яъни, *аъмол* ва *афъолини*) сўфий сўзидан олиб т а с а в в у ф деб аташган.

Яна бир тасаввуфий атамалардан Навоий Абу Яъқуб Махкурийга берган таърифида келтириб ўтган. “Андин сўрдиларким, таваккул недур? Деди: ихтиёр тарки. Саҳл б. Абдуллоҳ Тустарийдин сўрдилар, деди: тадбир тарки. Бишр Ҳофийдин сўрдилар, деди: ризо. Абу Ҳафс Ҳаддоддин сўрдилар, деди: мусаббибни кўрмак, Фатҳ Мавсийдин сўрдилар, деди: сабабдин малол. Шақиқ Балхийдин сўрдилар, деди: ажзда ғарқи дийдор. Шиблийдин сўрдилар, деди: кўнгул дийдорида барча элни унутмоқ.” (Н.М.406 б) энг қизиғи бу ерда нафақат бир шайхнинг фикри, балки, бир нечта машойихларнинг жавоблари ҳам келтирилган бўлиб, ушбу кичкинагина мисол ҳам асар қимматини ошириши шубҳасиз.

Навоийнинг тазкирасида яна бир тасаввуфий истилоҳ- “*васл*” сўзи ҳам келтирилган. “Шайх Абусаид қ.с. дебдурки, Шайх Абулҳасан Мусанно дедиким, Бағдод жомеъида Шиблийнинг мажлиси кироғида туруб эрдим. Бирав бу тоифа қисватида Шиблийдин савол қилдиким, эй шайх, *васл* нима? . Шиблий анга боқиб дедиким, эй *васл* ҳақида сўровчи, икки тарафдан кечсанг висолга етасан. Сойил дедиким, икки тараф ни-ма? . Шиблий дедиким, сизларни рўпарангиздаги Аллоҳдан тўсиб турган чўққи. Сойил дедиким, у чўққи нима? Шиблий дедиким, дунё ва охират! Чунончи раббимиз айтади: орангизда дунё истаганлар ҳам, охират истаганлар ҳам бор эди. Хўш, Худони истовчи қаерда? Андин сўнгра Шиблий айтдиким, агар Аллоҳ десанг, У Аллоҳдир. Агар жимтурсанг ҳам у Аллоҳдир; ё Аллоҳ,

³¹ Навоий Ғарб шарқшунослигида тасаввуф вакили сифатида (Навои в западном востоковедении как представитель суфизма) Тез. докладов научной конференции, посвященной 50-летию победы над фашизмом. С.24.

ё Аллоҳ У! Ва ҳеч ким билмайдикӣ, У нима? У покдир, У покдир, У якка ягонадир, унинг тенги йўқ. Андин сўнгра ғаше қилди ва беҳуш йиқилди, ани кўтариб уйига элттилар.” (НМ, 273) Бежизга Навоий ҳазратларини тасаввуф назариясининг асосчиси эканлиги таъкидланмаётгани айнан шу мисралардан кўриниб туради. Маълумки, бирор тариқат йўлига киришдан асосий мақсад: –Рухий камолот унга эришиш воситаси эса – Маънавий юксаклик, маънавий юксакликка эса киши – Тариқат одобига одатланиш йўли билан эришади.

Алишер Навоий сўфия улуғлари ҳақидаги тазкираси “Насойим ул-муҳаббат”да бу *одоби* қуйидагича ифодалайди:

“*Тариқат одоби*—ул адабдурки, яхши ва ямонға, улуғ ва кичикка бажо келтирурлар. Андоқки, барча ҳалойиқдин ўзларин кичик ва камроқ тутарлар ва барчаға хизмат ҳузурида бўлурлар. Ҳаттоки, ўз фарзандлариға ва ҳодиму мамлукларғаки, ҳар неча алардин беқоидалиғ кўрсалар, хушунат била аларға сўз демаслар. Балки, насиҳатни юмшоғ ва чучук тил била қилурлар, ҳаттоки ўғриғача” (НМ, 95).

Тариқат одоби унсурлари асосан, умуминсоний фазилатларга асослангани учун халқ ичида ҳайрихоҳлик. ҳисларини тез уйғотди. Ундан яхши тарбия иштиёқидаги ҳар бир одам ўзига тегишли, ўзини қизиқтирган хислатлар ҳақида маълумот топади ва бир нарса ўрганади.

*Тариқат Одоб*и тасаввурларини Алишер Навоий “Насойим”да ҳамида ахлоқ ва писандида сифот деб атаган. Улар:

- адаб: камтарлик, барчаға хизматда бўлиш;
- саҳои муфрит (ҳаддан зиёд);
- ҳилм ва бурдборлиғ (вазминлик);
- ризо (ҳар нарсани маъқул билиш)
- сабр (ҳар нарсаға сабр қилиш)
- сидқ (ҳақ сўздан бошқани тилға олмаслик)(Харақоний—Сидқ улдурки кўнгил сўз айтқай.)
- риёзат —шариат ани мутаайин қилмайдур (Машраб, С.Оллоёр 52-б.)
- а) бир ният била бир ойда бир ифтор қилмоқ;

б) бир ойда бир вузуе била намоз қилмоқ; (НМ,95)³²

Масалан: Абу Саид Абулхайр авойили сулукда алар ҳар кеча бир чоҳдин бош тубан ўзларин осар эмишлар ва тонггача зикр айтур эмишлар.

Мисол. Ҳирӣда 8 ботмон нонни бир тасвга бериб турган пайтда дашт гиёҳлари билан кун кечирур эмиш;

Мисол. Шайх Аҳмадий Жом 18 йил Биру тоғига чиқиб тоат-ибодат қилибди, Эл юзин кўрмай, емак қайдин, қишда киймак қайдин маълум эмасдур. (НМ,215)

Асарда 750 нафар сўфия улуғларининг зикри мавжуд. Навоий уларнинг ҳар бирининг ҳурматиини ўрнига қўйишга, холис бўлишга ҳаракат қилган.

Комил инсон – Тасаввуф аҳли сиғинган идеали, барча дунёвий ва илоҳий билимларни эгаллаган, руҳи Мутлоқ руҳга (Яратганга) туташ, файзу кароматдан сероб, сурати саранжом, қалби эзгу туйғуларга лиммо-лим покиза зот. Комил инсон – Аслида, пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в (Ибн Арабий). Ул зот вужудида ақлий, руҳий камолот, дунёвий ва илоҳий билимлар жамулжам эди. – *نا مدينة العلم و على بابها* «Мен илмнинг шаҳриман, Али эса унинг эшигидир» [Ана мадинат ул-илми ва Алийюн бабуҳа].

Пайғамбаримиз халқ ва Ҳақ муқобилида турардилар ва орада восита эдилар. Шундай бўлгач, ҳамма одамларни ҳам ва ҳатто анбиё ва авлиёларни, донишмандларни комил инсон деб аташ жоиз эмас. Ва агар Пайғамбардан ўзга зотларга нисбатан бу сифат айтилар экан, буни шартли таъриф ёинки шу улуғ мартабага ҳурмат-эҳтиром белгиси сифатида қабул қилиш керак³³.

Шоир ўзининг “Насойим ул-муҳаббат” асарида сўфийлик ва тасаввуф ҳақида жуда қимматли маълумотлар берган. Жумладан асар 1-бобининг иккинчи фасли “Мақомот таърифи: Сўфийлик ва орифлик сифатлари, мезонлари” деб номланган. Бунда қуйидагича маълумотлар келган:

Мақомот – сўфий руҳий-маънавий камолоти босқичларидир. Мақомотларни босиб ўтишдан мақсад (ҳамма солиқлар ҳам тариқат

³² Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. –Т., Ёзувчи, 1996.Б.28.

³³ Комилов Н. Ўша асар.–Т., Ёзувчи, 1996.Б.33.

мақомини тўла босиб ўтолган эмас) рухий-маънавий мартабаларга кўтарилиш, риёзат билан қалбни Аллоҳ васлига тайёрлаш, энг асосийси, ҳалим ахлоқ эгаси бўлиш, эзгу ишларга чоғланиш, инсонларнинг ёрдамчиси бўлишга, жавонмардлар расм-русуми билан яшашга одатланиш эди. “Насойим ул-муҳаббат” да валийларнинг амаллари, феъл ва муомалалари зикр қилинган бўлиб, улар тавба, луқмаи ҳиллият, шариат риояти (шаҳодат калимаси, салоти ҳамса, закот, рўза, ҳаж), тариқат одоби, ҳилм, бурдборлиғ (чидам, бардош), ризо, сабр, сидқ, азим риёзатлардир”.

Абу Наср Саррож етти мақомни (тавба, вараъ, зуҳд, факр, сабр, ризо, таваккул), ал-Калободий ўн етти мақомни, Абу Саъид Майхоний қирк мақомни, Абдуллоҳ Ансорий юз мақомни, Ибн Арабий 19 мақом ва 360 манзилни кўрсатганлар. Шариат талабларини тўқис адо этган. Сўфий тариқатга кирган ва пирга боғланган.

Мақомот йўлига кирган ҳар бир солиқ ўзида илм (маърифат), ҳилм (юмшоқлик, тавозуъ), тақво (ҳар жиҳатдан парҳезкорлик), саҳв (хатоларни англаш), шукр (Аллоҳнинг неъматларига шукр қилиш), сидқ (ростгўйлик), вафо (аҳдга содиқлик), ризо (Аллоҳ тақдирига рози бўлиш), сафо (кўнгилни соф этиш), ишқ (муҳаббат) каби сифатларни камолотга етказиши лозим бўлган.³⁴

Сўфий Аллоҳ сирларининг кўрикчиси, “зоҳирда қул, ботинда озод” инсон. Сўфий зоҳирини тоат-ибодат хизматига боғлаб, ботинини барча дунёвий алоқалардан узган, қалби мусаффо, ақли юксак, кўнгли муҳаббат аҳди билан тўлган. Унинг ҳиммат кўзи олдида олтин билан тупроқ тенг. Сўфийнинг зоҳирдаги қуллиги Аллоҳгадир, ботиндаги ҳурлиги нафсдандир. Сўфий дам (нафас) билан топган нарсасига қадам билан юриб эришган, яъни “илм ул-яқин” рутбасидан “айн ул-яқин” рутбасига тараққий этган. Қалбдаги

³⁴ Назаров Б. Ислоҳ ағиографияси тизимида мақомотнинг ўрни ва унинг бадий-услубий хусусиятлари. Т;2007.- Б.89.

сафо ва сокинликнинг куч-қудрати Сўфий маслагининг собитлигида намоён бўлган³⁵.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда “Насойим ул- муҳаббат” асарида жуда кўпгина тасаввуфий атамалар берилганлигининг гувоҳи бўлдик. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки Навоий ҳазратлари нафақат шоир балки буюк тасаввуф билимдони эканлиги унинг тазкирасидан яққол намоён бўлмоқда.

1-боб бўйича хулоса

Ислом дини асрлар оша жамият маънавий тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб келмоқда. Диннинг моҳияти, унинг инсон ҳаётидаги ўрни ана шу дин бағридан етишиб чиққан улуғ мутафаккир шайхлар, азиз-авлиёларнинг поклик ва камолот сари етакловчи қарашлари, уларнинг ибратли хислатларини чуқур тадқиқ этиш, аجدодлар руҳига ҳурмат ва эҳтиромни давом эттириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ўринда Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асари алоҳида ўрин эгаллайди.

Асарнинг танқидий матни муаллиф яшаган даврда кўчирилган нусха асосида 1996 йил Туркия (Анқара)да Камол Эраслон томонидан яратилган. 2011 йил навоийшунос олим Ҳ.Исломов ҳам мазкур асарнинг илмий-танқидий матнини яратиб, чоп қилдирди.

“Насойим ул-муҳаббат” муқаддима (ҳамд, наът ва асар ёзилиш сабаби, “Бу тоифа муқаддима тамҳиди”, “Бу тоифа аъмолу афъоли ва муомилату риёзотидин баъзини зикр қилмоқ”), 770 шайх зикрини ўз ичига олган асосий қисм ва хотимадан иборат.

“Насойим ул-муҳаббат” таркибида тилга олинган авлиёлар орасида исломдаги тўрт мазҳаб бошлиқлари – имом Аъзам, имом Молик, имом Шофеъий, имом Аҳмад ибн Ханбалдан тортиб Муҳаммад Ғаззолий, Баҳоуддин Валад, ўғли Жалолиддин Румий, Румийнинг ўғли Султон Валад

³⁵ Исакова З.Р. Дис-473/2008. Тасаввуф таълимотида валийлик тушунчасининг диний – фалсафий талқини. Т; 2007.Б.25.

каби буюк зотлар ҳақидаги турли қизиқарли, ибратли ҳикояларга дуч келамиз.

Тазкиранинг тасаввуф оламида тутган ўрнига тўхталсак, туркий халқлар орасида Навоийнинг тасаввуф назариясининг асосчиси эканлиги яққол намоён бўлади. Унинг асарида тасаввуф тариқатларидан Қассорийлик тариқати, Нурийлик тариқати, Ҳакимийлик тариқати, Ҳафийлик тариқати, Рифоъия тариқати, Қодирия тариқати, Яссавия тариқати, Нақшбандия тариқати, Чиштийлик тариқати, Сухравардийлик тариқати, Неъматуллоҳийлик тариқати кабиларнинг улуғ вакиллари тасвирланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сўз мулкининг султонлари тасаввуф ва тавҳид илмининг нозик масалалари, маърифат асрори, тариқат мақомлари, покланиш жараёни ва руҳий камолот даражаларини рамзий-тамсилий ҳикоятлар талқини, ҳаяжонли, лекин ёрқин шеърий сатрларда тасвирлаганлар. Бу эса тасаввуфнинг соф назарий маъноларини теран англашилиши, шунингдек, суфиёна ғояларнинг оммавийлашувига йўл очган.

Яна қувонарли жиҳати шундаки асарда тасаввуфий атамалар ҳам берилган бўлиб, уларнинг тасаввуф илмида тутган ўрни беқиёсдир. Бундай атамалардан нуқабо, валоят, мақомот, тариқат, маърифат, сулук, қутб, ғавс, абдол кабиларни айтишимиз мумкин бўлади.

Навоий ҳазратларининг “Насойим ул-муҳаббат мин шамоийм ул-футувват” асари тасаввуф фалсафасининг шоҳ асари сифатида неча асрлар давомида илм аҳлига хизмат қилиб келаётганлиги таҳсинга сазовордир.

II БОБ. “НАСОЙИМ УЛ-МУҲАББАТ”- БАДИИЙ АДАБИЁТ НАМУНАСИ

2.1. Тазкира бадий асар сифатида

Адабиёт инсон маънавиятини шакллантирувчи асосий манбадир, ёш авлодни маънавий баркамол қилиб тарбиялашда унинг аҳамияти беқиёсдир. Адабий асар кўз олдингизда кечаётган айқаш-уйқаш ҳодисалар гирдобини маълум тизимга келтириб, ундан сизнинг кўзингизга, онгингизга маъно, мазмун чиқариб беради. Бадий асар етти яшардан етмиш яшаргача ҳаммага тушунарли, ҳамма ҳам ундан ўз фаҳм-фаросатига лойиқ бир ҳисса чиқара олади. Шу сабабли адабиёт - ибрат мактаби, меҳр парваришидир. Мумтоз адабиёт борлиқ ҳақиқатининг ботиний жиҳатини зоҳирий тимсоллар воситасида мажозий баён этиш қудратига эга. Ана шу хислати туфайли у инсон руҳини борлиқ ҳақиқати билан уйғунлаштиришга ёрдам берувчи асосий воситалардан бири ҳисобланади³⁶.

Шулардан келиб чиққанда ҳар бир миллат ёки минтақа адабиёти ривожини ушбу миллат ёки минтақа халқларининг маънавий камолоти билан боғланишда олиб қаралса мақсадга мувофиқ бўлади. Ислом минтақа маданияти доирасига кирувчи халқларнинг маънавий камолот жараёнини даврлаштирганда қуйидаги *уч асосий даврни* алоҳида ажратиб қаралади:

1. *Исломгача турли миллатлар маънавиятининг шаклланиши (энг қадимги даврлардан – VII ёки VIII аср бошларигача).*

2. *Ислом минтақа маданияти доирасида турли миллатлар маънавиятининг такомили (VIII - XV асрлар).*

3. *Янги давр жаҳон маданияти миқёсида миллий маънавиятлар аҳволи (XVI - XX асрлар)* ³⁷

³⁶ Исламов Х. И. “Насойимул муҳаббат” Алишера Навои и его науч.-но-кртиический текст: Дисс. на соискание канд филол. наук . – Т., 1990. –Б.87.

³⁷ М.Қодиров. “Марказий Осиё, Яқин ва ўрта шарқнинг фалсафий тафаккури: ўқув қўлланма. – Т., 2010, (5-боб, 150–151)

Қуръони карим оятлари нозил этила бошлагач, VII аср давомида *Тавҳид эътиқоди асосидаги инсоний биродарлик жамоаси* - “умма” тушунчаси шаклланган бўлса, VIII аср иккинчи ярми - IX аср бошларидан минтақанинг уч буюк халқи - араб, форс ва туркий элатлар аро сиёсий қудратда ўзига хос мувозанат ҳолати вужудга келди, яъни Исломнинг асл ғояси - *мусулмон умматининг тенглиги* амалда жорий бўлишига воқеъ имкон туғилди. Натижада ислом дини кенг тарқалган улкан бир ҳудудда ягона ғоя остида бирлашган яхлит маданий минтақа ташкил топди ва у VIII-XI давомида маънавий жиҳатдан узлуксиз такомил топиб борди.

Ислом дини ҳақида атрофлича мулоҳаза юритиш ва дарвишлик ҳаракатларини ошиб бориши натижасида тасаввуфнинг бирмунча тартибга солинган таълимоти юзага кела бошлади.

Бундай уриниш (Басра - Бағдод, 857) «Фит-тавҳид вал-адл» деган китобда кузатилади. Китоб 61 фаслдан иборат.

Муҳосибий кишининг зоҳирий фаолияти билан қалб амри ўртасидаги муносабатлар масаласини қўяди. Ҳол тушунчасини ҳам шу одам киритган.

IX асрда Бағдодда тақводорликни суъистеъмол қилинишига (демогогия) қарши «Риё» ҳақида таълимот юзага келди. Ундан (Нишопурда) «Маломатия» (маломат қилувчилар) оқими тариқати келиб чиқди. Булар орасида Жунайд Бағдодий (вф. 911) «саййиду-т-тоифа» номини олди³⁸.

Бу оқим кишилари суннага қатъий риоя қилган ҳолда ботиний покланишда камолот сари интилишлари лозим бўлган. Бироқ уларнинг бу иши уларнинг шахсий иши, ўзгалар бундан хабар топмасликлари керак. Унинг қўнглида юз бераётган ҳар бир нарса - фақат Аллоҳга тааллуқли. Бу кишилар зоҳиран бошқалардан ҳеч бир ажралиб турмаслиги керак. Аксинча, одамлар уни гуноҳкор билиб, таҳқирласа, ерга урса, хурсанд бўлиши керак.

Бу уларнинг тўғри йўл тутаётганликларининг аломати. Зеро, барча Анбиё ва Авлиёлар шундай қийноқ ва таҳқирлашларни бошларидан кечиришган.

³⁸ Жузжоний М. Тасаввуф ва инсон. – Т.: Адолат, 2001.- Б.45.

Бу аҳволда ўз жонини қийнаб, келажакда ажр мукофот кутиш «Тақводорлик»ни бозорга солиш билан баробар, деб уқтиради. Айнан ана шундай буюк шайхлар ҳақида маълумот берувчи асар Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асари ҳисобланади. Адабиёт аҳли уни бадиий асар сифатида ўрганади.

“Насойим ул-муҳаббат” да Шайх Фаридиддин Атторнинг шеърлятида илоҳий сир ва завқу важд ҳақиқатлари акс этганлиги, Шайх Саъдий Шерозийнинг “улумдин тамом баҳраси ва одобдин комил насиби бор”лиги, “Бўстон” ва “Тулистон” асарларининг машҳурлиги, Шайх Низомийнинг тақво ва узлату инзиво билан яшаб, “ҳаргиз сойир шуародек хирсу ҳаво ғалабасидин дунё арбобиға илтижо қилмаган”лиги, Шайх Маҳмуд Шабустарийнинг “Гулшани роз” асарида асл маърифат ва ҳақиқат сирлари баён этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сўз мулкининг султонлари тасаввуф ва тавҳид илмининг нозик масалалари, маърифат асрори, тариқат мақомлари, покланиш жараёни ва руҳий камолот даражаларини рамзий-тамсилий ҳикоятлар талқини, ҳаяжонли, лекин ёрқин шеърӣ сатрларда тасвирлаганлар. Бу эса тасаввуфнинг соф назарӣ маъноларини теран англашилиши, шунингдек, суфӣёна ғояларнинг оммавийлашувига йўл очган.

Тазкирада Саййид ут - тоифа Жунайд Бағдодийга тўхталганда Навоӣ асарнинг бадиий услубидан фойдаланиб унга қуйидагича таъриф берган:

“Ва ҳам анинг сўзидурким, [ҳимматингни Аллоҳу азза ва жалла томонга қарат. Зинҳор Аллоҳу азза ва жаллани мушоҳада қиладиган басират кўзингни ундан бошқасига қаратмагинки, Аллоҳнинг назаридан қоласан. Жунайддан сўрадилар: амалсиз ато бўладими? Айтди: Ҳар бир амалининг ўзи унинг лутфу иноятидиндур. Шайх Абу Жаъфар Ҳаддод дебдурки, агар ақл киши сурати кирса эрди, Жунайд сурати бўлғой эрди.”

Жунайд Бағдодий ўзининг мукаммал диний ва фалсафӣ билимига таяниб, мантиқӣ фикрлаб, дадил хулосалар чиқара олди:

Инсон ўзича ҳеч қандай бир хизматлар қилиши мумкин эмас. Унинг ҳар бир ҳаракатини Аллоҳнинг неъмати деб биламиз. Яна бу ҳаракатлар учун ажр сўрашимиз мантиқдан эмас.

Жунайд Бағдодий таълимоти тасаввуф тарихида қудратли тўлқин кўзғатди. Тасаввуф тарихида унга қайта-қайта мурожаат қилишган³⁹.

Навоий «Насойим»да ёзади: «Чун бу табақада Жунайд (вф.т. 909) пайдо бўлди, бу илмға тартиб бериб, баст қилиб кутиб битиди. Чун Шиблий (вф.т. 946) ароға кирди, бу илмни минбар устида айтиб ошкоро қилди. Жунайд сўзидурким, биз бу асрорни ёшурун уйларда ва сарбадорларда маҳрамларға айтур эрдук, Шиблий минбар устидан ошкор қилди».

Демак, XI асрдан бошлаб интеллектуал суфия бошланди. Булар орасида Мансур Ҳаллож (858-922) нинг таълимоти алоҳида ўрин тутди.

Ҳаллож Форс вилоятининг Тур деган ерида 858 йилда дунёга келди. Бобоси зардўшт динига эътиқод қиларди. 873-97 йилларда у бир қанча шайхлардан тасаввуфни ўрганди. Жунайд Бағдодийдан ҳам талим олган. Кейин сафарга чиқиб тасаввуф тарғиботига берилган. У Ахваз, Форс, Хуросон, Ўрта Осиё ва ўиндистон ўлкаларида бўлди. 908 йили Макка орқали Бағдодга қайтади. Атрофида кўпгина муридлар тўпланди. Унинг фаолияти ҳам кўпгина муҳолиф оқимлар томонидан тақибга учраган. Уни сазойи қилишади. Саккиз йил зиндонда сақлашади. 921 йили 7 ой давомида уни муҳокама қилиб, ўлимга маҳкум этишади. 922 йил, 26 артда аввал қаттиқ савалаб сўнг дорга тортишади ва танасини ёқиб юборишади.

Унинг айбланиши унинг худо билан бирлик таълимоти эди Ҳаллож илоҳнинг ақлга сиғдириш имконидан юқори эканини тан олган ҳолда шундай ғояни илгари сурди:

Илоҳийлик жумласида ўз-ўзидан мавжуд (яратилган эмас) бир илоҳий руҳ борким, (руҳи нотиқа), тавҳид изловчи дарвишнинг яратилган ўз руҳи билан қовуша олади ва ўзининг қисман зоҳир қила олади. Шу билан дарвиш авлиё даражасига кўтарилади, илоҳий борлиқнинг жонли гувоҳига айланади.

³⁹ Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. –Т.: Шарқ, 2001.-Б.34.

Шундай ҳолатни ўзида сезган пайтда ўаллож «Анал-ҳақ» деган. Буни бир пайтлар Боязид Бастомий ҳам тушунтиришга ҳаракат қилган эди. Ҳаллож ўз таълимоти билан ислом динига қарама-қарши борди деювчилар унинг ўз замонасида ҳам охирги пайтларда ҳам бўлган. Ислом инсонни, ҳатто пайғамбар бўлса ҳам, худо билан бевосита мулоқотини имкондан ташқари деб билади. Бу хилдаги мулоқот, ўзрати Жабраил орқалигина амалга ошиши керак.

Китобхонлар кўнглидаги эзгу ўйлар ҳурмат эҳтиром туйғусини акс эттириш учун муаллиф ниҳоятда раво бир услубни қўллаган.

III асрда шиа ишоми Жаъфар Сидик (762-вф.т.) «Мен ўз айтувчисининг оғзидан эшита бошламагунимча, Қуръон такрорлашни тўхтатмадим» деган экан. Ҳаллож маълум даражада шу фикрни такрорлаган. Унинг ички ибодати илоҳ билан мулоқотга олиб боргандай бўлади. Ваҳдати вужуд - пантеистик таълимоти шундан бошланади.

Бизга маълумки Навоийнинг тазкирасига Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс” ва Фаридиддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” асарлари асос бўлган, айнан шунинг учун унинг тазкирасида қуйидаги машхур зотлар ҳақида жуда ҳам кўп қизиқарли маълумотларга эга бўлишимиз шубҳасиз: Ҳасан Басрий, Абу Язид Бистомий, Иброҳим Адҳам, Зуннун Мисрий, Абу Ҳафиз Ҳолдот, Жунайд Бағдодий, Мансур Ҳаллож, Али бин Усмон Разнавий ва бошқалар.

Навоий ўз асарининг бадииятини оширишда айрим машойхларнинг ижодидан мисоллар келтиради. Айниқса Иброҳим Ҳаввосга таърифида унинг шеърӣ байтларини айтиб ўтади. Биз бу ерда байтларнинг таржимасини беришни лозим топдик:

Аллоҳга муҳаббат изҳор қиласанда, унга осийлик ҳам қиласан.

Ва яна муҳаббатдан лоф урасан. Сенинг бу ишинг қизиқ.

Агар сен муҳаббатда содпқ бўлсанг, Аллоҳга итоат қил!

Чунки албатта муҳиб маҳбубнга итоаткор бўлади⁴⁰.

Яна Абу Толиб бинни Али бинни Афия Ҳорисийга таъриф берганда, унинг тасаввуф таълимотига қўшган улкан ҳиссасини алоҳида таъкидлаб асарининг номини келтириб ўтади: “ Ул «Қут ул-қулуб» китобининг соҳибидурки, тариқат асрорининг мажмаидур. Айтишларича, Ислом оламида тариқатнинг нозик маъноларини очиб берган «Қут ул-қулуб»дек бошқа асарни ҳеч ким ёзмаган. У ер юзидаги энг улуғ жой– Маккада ўсиб, улғайди. Кейин Басрага кетди. Ундан Бағдодга ўтиб, уч юз саксон олти ҳижрий йили, жумод ул охир ойида вафот этди.”

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки бир қанча шайхларга таъриф беришда Навоий “Шайхул ислом дебдурки” каби жумлаларни ишлатади. Шайхул ислом атамаси Навоийнинг пири, форс тожик шеърятининг ёрқин намоёнчаси Абдурахмон Жомийга тегишли бўлиб, унинг “Нафаҳотул унс мин ҳазаротул қудс” асарида мисоллар келтириш орқали ушбу сўзларни қўллаган.

Абу Шуайб Муқанна ҳақида гапирганда Навоий унинг ҳаётидан ҳикояни мисол келтириб, ҳадису шариф билан якунлайди: “Оти Солиҳдур. Мисрда бўлур эрди. Абу Саид Харроз қ. с. асрида эрди. Етмиш ҳаж яёқ бориб эрди. Ҳар ҳажда Байт ул-муқаддас саҳросиндин эҳром боғлар эрди ва Табук бодиясиға кирар эрди. Сўнгги ҳажида бодияда кўрдиким, бир итнинг сувсизлиғдин тили оғзидин чиқиб, ҳалок бўлгудекдур. Нидо қилдиким, эй қавм, ким бўлганким. Етмиш яёқ ҳажни бу ит ичкунча сувға сотқин олғай? Бирав ул тилаганча сув келтурди. Ул олиб, ул итни сероб қилди ва деди: ул ҳажларимдин бу манга яхшироқ эрдиким, Ҳазрат Рисолат с. а. в. дебдурки, ҳар бир тирик жонга яхшилик қилишда ажр бор.”

Тазкиранинг кўпгина жойларида Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в) нинг номларини келтиришда Навоий Ҳазрат Рисолат (с.а.в) деган сўзларни ишлатади. Бу эса Навоийнинг бадиий маҳоратидан дарак беради десак адашмаган бўламиз.

⁴⁰ Навоий, Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 17 том. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. –Т.: Фан, 2003.Б.345.

“Насойим ул-муҳаббат” асари бадииятининг асосий мазмун моҳиятидан бирини авлиё мақомига сазовор бўлган Мансур Ҳалложнинг ўлими сабаблари воқеаларда баён қилинган. Буни биз қуйидаги “Авлиёуллоҳга воқеъ бўлгон хавориқи одоту каромот баёни ” қисмида кўришимиз мумкин бўлади.

“Мунинг ислоҳи учун баъзи бир гузида бандалар бошига нубувват тожин қўюб, белига ҳидоят камарин боғлаб, бу махлуқнинг амру наҳйига ўз оллидин маҳкум ва буларга ҳоким қилди”. Қуйидаги жумлада нубувват тожи ҳамда ҳидоят камари сўз бирикмалари бадиий тасвирий восита ҳисобланган истиорага мисол бўла олади. Шайх Абулҳасан Ҳараконийга таъриф берганда Навоий: “ Ва сўрдиларки, ихлос недур? Дедикки, ҳар не Тенгри учун қилсанг ихлосдур ва ҳар не халқ учун қилсанг, риёдур” ихлос ва риё сўзларини қўллаган, бу сўзлар эса муваззанага мисол бўла олади.

Ахмад Яссавийга таъриф берганда эса қофиядош маъно жиҳатдан яқин сўзларни қўллаган: “Мақомоти олий ва машҳур, каромоти мутаволи ва номахсур эрмиш. Муриду асҳоби ғоятсиз ва шоҳу гадонинг иродат ва ихлоси остонида ниҳоятсиз эрмиш.”

Тазкира бадииятининг янада муҳим жиҳатларидан бири Навоийнинг юксак ифтиҳор билан авлиёлар ижодидан мисоллар ёки уларнинг ёзган асарларининг номини келтириши ҳисобланади. Али бин Усмон Ғазнавийнинг “Кашф ул-махжуб”, Абдуллоҳ Ансорийнинг “Табақот ус-суфия” ҳамда “Манозил ус-соҳирин”, Муҳаммад Ғаззолийнинг “Кимёи саодат”, Фаридиддин Атторнинг “Асрорнома” каби машҳур асарлари келтирилган бўлиб, биз улар ҳақида янада кўпроқ маълумотга эга бўлишимиз учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Асарнинг бадиийлигини тасаввур этмоқлик учун қуйидаги байтни ўқиб билиб олиш мушкул эмас:

Р у б о и й:

Ҳарчанд гаҳи зи ишқи бигоне шавам
Бо офият ошнову ҳамхоне шавам
Ногоҳ парируҳи беман бар гузорад
Бар кардам аз он ҳедоате дивоне шавам.

Таржимаси:

[Ҳарчанд гоҳида ишқдан бегонаман.
Офият билан ошною ҳамхонаман.
Ногоҳ бир паричеҳрани кўриб қолсам,
Барчасидин кечиб, бир девонаман]⁴¹.

Ушбу “рубойи Шайхнинг анфосидиндур” яъниким Шайх Сайфуддин Бохарзийга тегишлидир.

“Ва онинг аввали шаҳодат калимасидур ва алҳақ жамиъи авлиёуллоҳу машойих қ. т. а.нинг зикрлари хоҳ хафий ва хоҳ жаҳр ул таркибдур, балки ул калимаки, мудоваматини ул ерга тегурубдурларки, бир лаҳза ондин ғофил, балки бир турфат ул-айн ондин ғойиб бўла олмаслар. Ва ондин машъуфу мустағрақ бўлубдурларки, баъзи бу калимани эшитгач, беҳуш бўлуб, йиқилибдурлар. Ва баъзининг ҳам бу калима истимоъидин руҳлари муфорақат қилибдур.” Навоий биргина ушбу асардан олинган парчада уюшиқ бўлакли гаплар, кесимларнинг бир қолипдаги қайтариғи кабиларни қўллагани боис матннинг ана шу ритм асосида ёқимли ўқилишига сабабчи бўлган, десак адашмаган бўламиз.

Алишер Навоий фасоҳатли нутқ соҳибларини баёни сарих, фасих лисон, илмнинг фасихроғи, фасих тили била сўзловчи каби тушунчалар билан номлайди. Масалан, “Насойим ул-муҳаббат”да шундай фикрлар бор: “Абу Абдуллоҳ Динаварий қ.с. Бешинчи табақадиндур. У суфия машойихларининг улуғроғи, шу тоифа илмининг фасихатлироғи эди.” (НМ, 188-б); “Шайх Абу Али Даққоқ р.т. Сарих баёни ва фасих лисони бор эрди.”

⁴¹ Алишер Навоий. “Насойим ул-муҳаббат”. Мукамал асарлар тўплами, 17-том. – Т., 2001.-Б.276.

(НМ, 204-б); “Маркаб кейин боқиб, фасих тил била анга дедики, урғилки, ўз димоғингга урарсен” (НМ, 161-б).

Навоий матн бадиийлигини таъминлаш, таъсир кучини ошириш мақсадида ёзма адабий тилнинг чексиз имкониятларидан фойдаланган. Жумлаларнинг тузилиши ҳам асар моҳиятига ҳос.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики асарнинг бадиияти қисман бўлсада исботланди.

2.2. Асарда туркий машойхлар таърифининг берилиши

Ислом динининг моҳияти, унинг инсон ҳаётидаги ўрни ана шу дин бағридан етишиб чиққан улуғ мутафаккир шайхлар, азиз-авлиёларнинг поклик ва камолот сари етакловчи қарашлари, уларнинг иобратли хислатларини чуқур тадқиқ этиш, аجدодлар руҳига ҳурмат ва эҳтиромни давом эттириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Тасаввуф инсон руҳий камолоти учун зарур ғоя.

Қисқа тарихий давр ичида ўзбек тасаввуфшунослик мактабининг йирик намоёндалари Н.Комилов, И.Хаққулов, О.Усмон, Г.Наврўзова, С.Олим, С.Рафиддинов, Р.Носиров, И.Остонақулов ва бошқа олимлар томонидан тасаввуф тариқати ва тасаввуф адабиётига оид ўнлаб жиддий тадқиқот ишлари амалга оширилди. Ўзбек олимларининг тадқиқотларида тасаввуф таълимотига оид умумий масалалар сайру сулук (мақомот ва ҳолот), шариат ва тариқат, тасаввуфнинг маънавий босқичлари, комил инсон ахлоқи, футувват, тасаввуф ва инсон, тасаввуф ва бадиий адабиёт каби мавзулар таҳлили алоҳида ўрин эгаллайди. Айни пайтда, Мовароуннаҳрда вужудга келган тариқатлар кубравия, яссавия ва нақшбандия таълимоти, ислом олами, хусусан тасаввуф ва ирфон фалсафасида катта мавқега эга бўлган Ҳаким Ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳмад Яссавий, Азизиддин Насафий, Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Аҳрор Валий ҳаёти ва қарашларига оид махсус рисола ва мақолалар ҳам алоҳида ўрин тутишини таъкидлаш зарур.

Жомий асарига танкидий қараган Навоий "бурунги замондаги машойихдин барчасининг зикрин қилмайдурлар ва ўз муосирларининг кўпини, ўзларин ҳам битмайдурлар" дер экан, асарда Жомий, Лутфий, Ашраф Муфлсий, Шайх Санъон, Носир Ҳисрав, Насимий ва шулар қатори Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний каби "турк машойихлари" ҳақида маълумот беради. Тасаввуф назариясининг улкан билимдони ҳам назариётчиси сифатида намоён бўлган Алишер Навоий ҳазратларининг "Насойим ул-муҳаббат мин шамойимул футувват" асари ўзбек мумтоз адабиётимизда ўзига хос ўринга ва аҳамиятга молик дурдона ҳисобланади десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Буюк алломаларимиз туркий машойихлар ҳам ушбу тазкирадан ўзига хос ўрин эгаллаган десак муболаға қилмаган бўламиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Бу буюк инсонларнинг азиз номлари, ўлмас мероси муқаддас динимиз билан чамбарчас боғланиб кетган. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Биз динимизни бу улуғ номларсиз, бу улуғ номларни эса динимизсиз тасаввур қила олмаймиз»⁴².

Улардан энг машхурлари Хожа Абдуҳолиқ Гиждувоний ҳисобланади. Бу киши ҳақида Навоий ўз тазкирасида қуйидагиларни келтириб ўтади: "Уларнинг равиши тариқатда ҳужжатдур. Барча форуҳнинг мақбулидурлар. Ҳамиша сидқу сафо йўлида ва Мустафо с. а. в. шаръу суннати мутобаатида ва бидъату ҳаво мухолафатида қадам урубдурлар ва пок равишларин ағёр кўзидин яшурубдурлар. Аларға кўнгул зикри. Сабағи йигитликда Хожа Хизр а. с. дин бўлубдур ва ул сабаға мувозабат кўргузубдурлар ва Хожа алардин фарзандлиқ қабул қилибдурлар ва буюрубдурларки, ҳавзлуқ сувға кириб, ҳўта ур ва кўнглунгда «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ» дегил. Алар Хожа буюрғондек қилибдурлар ва ишга машғул бўлубдурлар ва кушодлар топибдурлар ва аввалдин охиргача аларнинг рўзгори барча халқ қошида мақбул ва маҳмуд экандур. Сўнгра шайх уш-шуюх олиму орифи

⁴² Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. «Туркистон-пресс» ахборот агентлигининг саволлариға жавоблар. -Т. Ўзбекистон, 1999. -Б.11

раббоний Хожа имом Абу Яъқуб Юсуф Ҳамадоний қ. р. Бухорога келибдурлар ва Хожа Абдулҳолик алар суҳбатиға етибдурлар ва маълум килибдурларки, аларда ҳам кўнгил зикри бор. Алар суҳбатида бўлур эрмишлар ва маълум килибдурларки, то алар Бухорода эрмишлар, дебдурларки, Хожа аларнинг сабоғи ва зикри пиридурлар ва Хожа Юсуф суҳбат ва хирқалари пири. Хожа Юсуфдин сўнгра алар риёзатиға машғул бўлдилар ва аҳволларин махфий тутар эрдилар ва аларнинг валояти ул ерга еттики, ҳар вақт намозда Каъбага борурлар эрди. Аларнинг валояти кўп эрди ва Шомда аларга кўп муридлар пайдо бўлдилар ва хонақоҳ ва остона зохир бўлди.” (Н.м. 122 бет)

Сатрлардан кўриниб турибдики, Навоий бу инсонга чуқур ихлос қўйган, уларни жуда қаттиқ ҳурмат қилган. Ғиждувонийга таъриф бера туриб Навоий у ҳақида бир неча ҳикоятларни келтириб ўтади. Шулардан бирининг мазмуни қуйидагича: “Уларнинг хизматида бўлган бир дарвеш доимо агар Аллоҳ менга жаннат билан дўзахни муҳаййир қилса мен албатта дўзахни танлайман, чунки жаннат нафсим хохиши дўзах эса ҳақ муродидур дер эди. Шунда Хожа буларни рад қилиб, бандалик шуки ихтиёримиз Аллоҳ таолодадур у қаён деса борамиз, қаён деса келамиз. Шунда дарвеш шайтонга ҳақ йўлининг солиқларига даст бўлғай деб сўради. Хожа жавоб бердиларки, ҳар солиқки, нафс фаноси сарҳадига етмаган бўлса! Чунки анга ғазаб даст бергай. Шайтон анга даст топқай. Чун нафс фаноси ҳосил қилмиш бўлса, анга ғазаб бўлмас, ғайрат бўлур ва шайтон ғайратдин қочар. Бу сифат бировга мусалламдурки, юзи ҳақ йўлига бўлғай ва «Китобуллоҳ»ни ўнг илкига тутқой ва Расул с. а. в. суннатин сўл илкига ва бу икки ёруғлуғ оросида йўл сулуки қилғай.” (Н.м.122 бет) Яъниким Ҳақ йўлида бўлган Қуръони Каримни ўнг қўлида, Пайғамбаримиз (с.а.в.) суннатларини чап қўлида тутган инсон икки дунё саодатиға эришади деганлар.

Яна бирлари хожагон ва яссавийлик ғояларига асосланган нақшбандия тариқатининг асосчиси Хожа Баҳоуддин Нақшбанддир. Навоий уларга таърифни қуйидагича бошлайди: “Аларнинг оти Муҳаммад бин Муҳаммад

Бухорийдур Аларга қабул назари фарзандликқа Хожа Муҳаммад Бобойи Самосийдиндур ва одоби тариқат таълими зоҳир юзидин Амир Саййид Кулолдиндур, андоқки, ўтти. Аммо ҳақиқат юзидин алар Увайсийдурлар ва тарбият Ҳазрат Хожа Абдулҳолиқ Гиждувоний қ. с. руҳидин топибдурлар.” (Н.м.125 бет) Ҳазрат Навоий Нақшбандия тариқатининг қай тариқа юзага келганлигини ҳам айнан шу ерда баёнини келтирганлар. Баҳоуддин Нақшбанд «Аз-зоҳир лил-халқ ал-ботин лил ҳақ», яъни зоҳирда халқ, ботинда ҳақ билан бўлиб, тасаввуфий ҳаёт кечиришга чақирган.

Яна бирлари яссавия тариқатининг асосчиси Хожа Аҳмад Яссавий ҳисобланади. Асарда Навоий Аҳмад Яссавийни “Туркистон мулкининг шайх ул-машойихидур. Мақомоти олий ва машҳур, каромоти мутаволи ва номахсур эрмиш” дея таърифлайди. (Н.м. 200 бет) Имом Юсуф Ҳамадонийнинг ашоби эканлиги, Хожа Абдуҳолиқ Гиждувоний, Хожа Абдуллоҳ Баррақий ва Хожа Ҳасан Андоқийлар билан суҳбатда бўлганликлари, Имом Юсуф Ҳамадонийнинг муриди эканликлари, қабрлари Туркистоннинг Ясси деган жойида эканлигини қайд этиб ўтганлар. Муҳаммад Порсо (1345-1419) нақшбандийлик тариқатининг йирик назариётчиси, кучли каромат соҳиби бўлган. Бу ҳақда Алишер Навоий «Ҳар не десалар ул бўлғай ва ҳар не ул деса ҳақ таоло қилур, Ҳадиси саҳих билаки, «Аллоҳнинг бандалари ичида шундайлари борки, агар Аллоҳга қасам ичсалар, Ҳақ қасамларини рост келтиради» деб, Муҳаммад Порсо валийлик даражасига йетишганлиги сабабли унинг ҳар қандай тилак-истаклари Аллоҳ ҳузурида ижобат бўлганини қайд этган.

Мен энди сўзласам —

Яшил ялов кияр унут оятлар.

Мен энди оҳ урсам —

Жизиллаб пишади музлаб ётган ой.

Мен энди йиғласам —

Нухнинг кемасидай қиблага томон

Қайғули-қайғули суза бошлайди

Шилқиллаб ҳўл бўлган қари жойнамоз.⁴³

Яна бирлари Мавлоно Лутфий бўлиб у ҳақда Навоий Қуйидагича фикр билдирганлар: “Таҳсил айёмида Мавлоно Шихобуддин Хиёбонин хизматиға етар экандур ва одоби тариқат сулукини андин касб қилур эркондур. Агарчи шоирлиқ тариқида маъруф ва машхур бўлди. Аммо дарвешлик тариқини дағи илкидин бермади. Бу фақир борасиға кўп илтифоти бор эрди ва фотиҳалар ўқур эрди ва доим волида мулозаматиға ва ризое хотириға тарғиб қилур эрди. Тўқсон ёшидин тажовуз қилғонда, Ҳазрат Махдуми н. м. н. отиға радифи «сухан» сажъ қасидае айтиб эрдик, замон хушгўйлари барча хўблукқа мусаллам туттилар ва ул ҳазрат доғи инсоф бердилар ва онинг матлаи будурким,

Бу ерда биз байтнинг таржимасини беришга жазм қилдик:

Хушо, лабингдан чиққан сўзлар – руҳ озиғи, сўзнинг жонидир.

Юзинг гули – сўз бўстони чаманларини безовчидир.

“Ул Ҳазрат шукргузорлик юзидин маъзират изҳори қилиб дедиларким, бу шеърнинг силаси уҳдасидин биз чиқа олмасбизки, магар муқобалада ҳам қасидае сизнинг отингизга айтқайбиз. Мавлоно дедиларким. ани сизга осон қилурбиз. Сизинг кийган эски тўнунгузни гадойлик қилурбизки, хулла бўлғай. Ул ҳазрат узрхоҳлиқлар била қисватин Мавлоноға кийдурдилар. Мавлоно бағоят сўхта киши эрди. Тўқсон тўққуз ёшида оламдин ўтди, қабри Деҳиканордадурки, ўз маскани эрди. Бу матлаъидин бу тоифа машрабининг чошниси зоҳирдур:

Улки ҳусн этти баҳона элни шайдо қилғали,

Кўзгудек қилди сени ўзини пайдо қилғали.”

Хожа Аҳрор Валий нақшбандийлик тариқатининг пири комили сифатида эътироф этилган. «Насойим ул-муҳаббат»да «Аларнинг шариф вужудлари баракатидин бу шариф силсиланинг илтиём ва интизоми ило явмил қиём имтидод топқай», деб Хожа Аҳрор Валийнинг нақшбандийлик

⁴³ Э. Шукур. “Насойим ул-муҳаббат” га сайр. Т; 2015. (www.kh-davron.uz)

тариқатининг назарий ва амалий жиҳатдан мукаммаллашуви учун қилган саъй-ҳаракатларини эҳтиром билан зикр этган.

Асарда шайхлардан Бобо Сунгу, Хожа Боязид, Бобо Хокий ҳақидаги маълумотда Амир Темур фаолиятига алоқадор воқеалар учрайди. Ҳар учала лавҳада соҳибқироннинг турли жиҳатлари оддий маълумот тарзда самимият билан тилга олиниб, мардликда, оддийликда, закийликда, Аллоҳ иноятини кадрлаб, ҳар ишни ўз ўрнига қўя билишда, эҳтиёткорликда, барча тасодифларни чамалаб кўришда анбиё ва авлиё руҳидан мададу ҳиммат тилагани тасвирланади.

Маълумки, Амир Темур подшоҳлик ишида ақлу фаросат, шижоат, баҳодирлик сифатларини кадрлаган. Тадбир, ақл ва раъйни шижоатдан яхши деб билган оламгирни Навоий шайх Бобо Сунгу зиёратида кўрсатади: “Бобо Сунгу замон мажзубларидан эрмиш. Андхуд қасабасида бўлур эмиш. Соҳиби ботин киши эрмиш. Рамзларини билганлар натижа топар эмиш. Темурбек Хуросон мулки азиматиға юруганда Андхудқа етганда машҳурдурки, Бобо хизматиға борғандур. Ултурғондин сўнгра Бобо илайида бир суфрада яхна эт эркондур. Қўйнинг яхна тўшин олиб Темурбек сари отибдур. Темурбек ғояти оқлу закосидин дебдурки, Хуросонни ер юзининг кўкси дебдурлар. Ани Бобо бизга ҳавола қилди деб башорат била юруб, Хуросон мулкини олибдур...”.

Навоийнинг бу маълумоти худди Шарафиддин Али Яздийники каби ҳаққонийлиги, холислиги билан эътиборга лойиқ.

Дарҳақиқат, тарихчи Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома”да худди шу воқеани “Эрон вилоятиға черик тортиб борғони товук йили 1381 йил фасли баҳорда” деб шарҳлайди: “Ҳазрат соҳибқирон авжи азимат ва давлат билан сувдин ўтуб, Андхудқа етти. Во ғоят сидқ ва ихлосдин Бобо Сунгуким, авлиёлардин эрди, тавофға борди. Ва Бобо Сунгу, жазаба ва ҳолатиким, анда бор эрди, бир қўйнинг тўшини ҳазрат қошиға ташлади. Ул ҳазрат шу кун тутуб, тўшни олиб дедиким, “Хуросонким, ер юзининг тўши турур, бизга Тангри бергуси турур”. Ва ўшандоқ бўлди ва андин саодат ва иқбол била юриди”.

Ҳар иккала лавҳада ҳам шайхнинг рамзий саволига, рамзий назарига, рамзий қувватига Амир Темур сидқ ва ихлос, ақл ва заковат билан жавоб бергани баён этилади.

Бобо Хокий билан боғлиқ ўринда — Шом ва Рум юришида шайх сиймоси ҳам, Амир Темур сиймоси ҳам кўз олдимизда чекинмас, енгилмас, забардаст жангчи сифатида гавдаланади. Бу воқеаларнинг яна бир эътиборли жиҳати шуки, шайх Бобо Хокий 110 ёшида Ҳусайн Бойқаро билан Гиту тоғидаги жангда иштирок этиб, замон подшоси унинг кўмаги билан мулкни олиши, ёғийни даъф қилиши ҳам воқеанинг тадрижий баёни сифатида берилган.

Навоий Хожа Боязид ҳақидаги лавҳада шайхнинг маънавий оламига назар солади — Амир Темурнинг иссиқ ҳалво истаб рамзий савол бергани, шайх эса дастурхонга иссиқ ҳалво тортиб, унга рамзий жавоб берганини тасвирлайди. Шайхнинг закийлигини тан олган шоҳ унга мурид бўлиб, лангар ясаб, вақф мулки ажратиб, ўша ерда истиқомат қилиб турганларни ҳам инъому эҳсон билан сийлагани айтилади. Демак, ўз даврида шоҳлар, хусусан, Амир Темур ҳам шайхларнинг холис маслаҳатларига риоя қилган. Шайхлар шоҳларнинг инсоф-баракати билан зулм ва бедодлик зулматидан нажот топиб, тинчлик, осудаликка эришишда, мусулмонларнинг муҳим ишларига кафил бўлишда маънавий кўмак берган. Миллат бирлигининг асослари бузилишига қарши турган.

Тасаввуф шайхлари деганда, кўпчилик назарида фақат дин ва тариқат ишлари билан машғул бўлган сиймолар гавдаланади. Ҳолбуки, улар шоҳ ва ҳукмдорларга сиёсат, маърифат, давлат бошқарувида ҳам имкон қадар кўмаклашган. Шунинг учун Амир Темур, Ҳусайн Бойқаро, Бобур каби ҳукмдорлар халқ орасида катта обрў-эътиборга эга бўлган тариқат пирларига эҳтиром кўрсатишган. Бу эса наинки халқ, балки давлат манфаатларига ҳам хизмат қилган. Амир Темур "Тузуқлар"ида мана бундай сўзлар ёзиб қолдирилгани тасодиф эмас: "Сайидлар, уламо, шайхлар ва фозилларни ўзимга яқинлаштирдим. Улар менинг саройимга доим келиб-кетиб,

мажлисларимни беаб туришди. Диний, ҳукукий, ақлий масалаларни ўртага ташлаб, қимматли фикрлар билдиришарди. Ҳалол ва ҳаромга оид масалаларни мен улардан ўргандим".

Яна туркий машойиҳлардан Ҳошим Суғдийни айтиб ўтишимиз мақсадга мувофиқ бўлади. "Ул дағи Самарқанд Сўғдидиндур. Абубакр Варрок шогирди. Ул пиридин нақл қилурким, ул дедиким, кўп сўз айтмак кўнгулни каттиғ қилур." Ҳошим Суғдий Абубакр Варроқнинг шогирди бўлганлиги туфайли ундан қуйидаги ҳикматли сўзни айтиб ўтишимиз жоиз: "кўпинча икки ракаат намоз ўқиб кетсам, ўзимни ўғрилиқ қилган одамдек уятли сезардим."⁴⁴

Самарқандлик шайхлардан Бакр Суғдий, Абулқосим Ҳаким Самарқандийларни ҳам Навоий ўз асарида келтириб ўтган.

Шундай қилиб Навоий ҳазратлари форс, ҳинд машойиҳларидан ташқари туркий машойиҳлар ҳақида ҳам маълумот бериб ўтганлар. Юқорида зикр этиб ўтганларимиздан кўриниб турибдики Навоий Жомийнинг "Нафаҳотул унс мин ҳазаротул қудс" тазкирасини тўлалигича таржима қилмаган балки мустақил ижод сифатида нафақат ўша давр балки ҳозирги китобхонларимизга юксак маънавий мерос сифатида қолдирган десак янглишмаган бўламиз.

2.3. Навоий авлиё аёллар ҳақида

Бизга маълумки, буюк ижодкор Алишер Навоийнинг адабий мероси битмас ва туганмас ҳисобланади. Унинг қай бир асарини олмайлик, унда инсонийлик руҳи уфуриб туради. Айниқса адабиётда бирламчи адабий манбалар сифатида намоён бўладиган унинг тазкиралари бунинг яққол далилидир. Улардан бири "Насойимул муҳаббат мин шамойимул футувват" тазкираси бўлиб, унда тасаввуф илмига, шайхлар ҳаётининг акс эттирилиши ўзига хос аҳамиятга эга. Азал-азалдан кўпчилик ижодкорлар асосан шоирлар ёки шайхлар ҳаётини ўрганиб, тазкиралар ёзишган. Савол туғилади: аёл шоирлар ёки авлиё аёллар ҳақида адабиётимиз тарихида тазкиралар

⁴⁴ Р.Ражабова. Бизга тангри бергуси турур. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2009 йил 6-сони

мавжудми? Аёл шоиралар ҳақидаги “Тазкират ун-нисо” асари адабиётимиз тарихидан бизга маълум. Аммо авлиё аёллар ҳақидаги тазкиралар жуда озчиликни ташкил қилади. Шу жиҳатдан Навоийнинг 770 та шайхга бағишланган “Насойимул муҳаббат” тазкираси алоҳида ажралиб туради.

Шу ўринда тасаввуф илмига яна бир бор тўхталиб ўтишни жойиз деб топдик. Муҳаммад Нуруллоҳ Сайидо ал-Жазарий ўзининг “Тасаввуф сирлари” асарида тасаввуфга қуйидагича таъриф келтиради: “Инсоннинг маънавий оламини ислоҳ этадиган, бузилган қалбларнинг муолажаси учун энг таъсирли бўлган, инсонни ҳақиқатлар атрофига тўплайдиган ўта фойдали ва мустақил илмдир.”⁴⁵ Шунга кўра, “Илми ҳол” ҳисобланган тасаввуф инсоннинг қалбан покланишини назарда тутди. Ана шундай бутун қалбини поклик илмига бағишлаган 35та тасаввуф илми вакиллари ҳақида Навоий тўхталиб ўтган. Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳотул унс мин ҳазаротул қудс” номли тазкирасида эса авлиё аёллардан 34 таси ҳақида маълумот берилади. Тасаввуф ривожига авлиё аёлларнинг ўзига хос ўрни бўлиб, маърифат ва ҳақиқат, ирфонда етук бўлганлар. «Аллоҳ йўлидаги аёл эрдир»⁴⁶, яъни Аллоҳнинг фазлу марҳамати ва ҳидоятини истаган аёллар эранлар қаторидадир. Шунга кўра, Ҳақ йўлида жонини фидо этган ҳар бир аёл мард деб аталган. Абдурахмон Жомий «Агар аёллар биз айтгандек бўлсалар, эркаклардан афзалдирлар. Қуёшнинг (ваш Шамс) муаннас исм эканлиги унга айб эмас, Ойнинг (вал Қомари) музаккар исм эканлиги унга фахр эмас»⁴⁷, деб тавҳид, илм, ирфон, ишқ-муҳаббатда содиқ орифа аёлларни юксак баҳолаган. Авлиё аёллар халқ орасида ўзларининг «баракаси», яъни мустажоб бўладиган дуолари билан шуҳрат қозонганлар.

Қалби Аллоҳ ишқи билан тўлган орифа аёлларнинг феъл-атвори, юриш-туриши, сўз ва ишлари атрофдагиларни ҳайратга солган.⁴⁸ Ишқ йўлида

⁴⁵ Муҳамамад Нуруллоҳ Сайидо ал-Жазарий. Тасаввуф сирлари. – Т.: Моварауннахр, 2000. – Б-4.

⁴⁶ Фаридиддин Аттор. Тазкират ул-авлиё. – Т.1992. Б. 145.

⁴⁷ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. – Т.2011.Б. 48.

⁴⁸ Мавлуда Муҳитдин қизи. Ислом ва тасаввуф гулшанида аёл // Имом ал-Бухорий сабоқлари. 2004. – № 3. Б. 201-203.

жонини фидо этган суфий аёлларни ёмғирга ўхшатишган, яъни ерга тушсалар дон бўлиб унганлар, дарёга тушсалар дурга айланганлар.⁴⁹

Тасаввуфнинг тамал тошларидан бири, басралик Робиа Адавийа (713-801) суфийлик таълимотига ягона Аллоҳни севиш тушунчасини олиб кирган. Уни «Тож ул-рижол» – эркаклар тожи дер эдилар. Робиа «Аллоҳни фақатгина Аллоҳ бўлгани учун севиш, ўз мавжудиятини (борлиғини) Аллоҳнинг борлиғида фано қилиш ва шу орқали Аллоҳнинг жамолига эришиш ғояларини илгари сурган». Ҳикоя қилишларича, Робиа бир кўлидаги челақда сув, иккинчисида машъала кўтариб Басра кўчаларида югурган. Йўловчилар унинг ҳаракатидан ҳайрон бўлиб, сабабини сўрашганда Робиа: «Сув биланд дўзахдаги ўтни ўчирмоқчиман, машъала билан жаннатга ўт кўймоқчиман».

Аллоҳ таоло билан бандалар ўртасидаги бу икки пардани йўқотмоқчиман, токим бандалар Аллоҳга дўзах ўтларида куйишдан кўрқишгани ёки жаннат иқболидан умидвор бўлишгани учун эмас, балки унинг Аллоҳ эканлиги, биру-борлиги ва боқий гўзаллиги учун ибодат қилишсин»⁵⁰ деб жавоб берган. Робианинг фикрича, «Азалият ҳақиқати, ишқи илоҳий маърифатининг асл моҳиятидир»⁵¹. Инсоннинг маърифати – бу аввало унинг ўзини таниши ва ўзи орқали Аллоҳни таниши, Аллоҳнинг беҳудуд илмини эгалашидадир. Шайх Ҳасан Басрий Робианинг художўйлиги ва зоҳидона ҳаётидан таъсирланган, Робиа мажлисда ҳозир бўлмагунча ваъз бошламай, «Фил учун ҳозирланган бир луқма чумолининг оғзига сиғарми»⁵ деб Робианинг ўз замонида Ҳақ муомаласи ва маърифати бобида беназир эканлигини эътироф этган. Робианинг фикрича, «Аллоҳнинг гўзаллиги инсоннинг ботинида, Аллоҳга эришишнинг ягона йўли ишқ», яъни дунё илоҳий ишқ туфайли яралган. Робианинг илоҳий ишқ ҳақидаги қарашлари ундан кейинги даврларда яшаган суфийларга ҳам таъсир кўрсатган.

⁴⁹ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. – Б. 487.

⁵⁰ Аннемарие Шиммел. Жонон менинг жонимда. – Б. 44.

⁵¹ Ҳамиджон Ҳомидий. Тасаввуф алломалари / Масъул муҳаррир Н. Комилов. – Т.: Шарқ, 2004. – Б. 24.

Мумтоз адабиётдаги муножот (Аллоҳга илтижо) жанри Робианинг илоҳий кўшиқларидан бошланган деган қараш ҳам мавжуд. Суфий аёллар орасида Марям Басрия, Райҳонаи Волиҳа, Шаъвона, Робиаи Шомия, Умми Ҳассонлар илоҳий ишқда камолга етган бўлсалар, Шухда, Умми Муҳаммад Оиша, Фотима бинт Тождиддинлар ҳуснихати билан машҳур бўлганлар ҳамда ҳадис илмининг билимдонлари сифатида эътироф этилганлар. Робианинг маслакдоши Марям Басриянинг Аллоҳга бўлган муҳаббати шу қадар кучли бўлганки, мажлисларнинг бирида Аллоҳнинг номи зикр этилиши билан муҳаббат ўтида жон таслим этган.

Аллоҳни севувчи дунёда дардманддир,

Беморлиги (давосиз) тузалмайди.

Унинг давоси фақат висолдир.

Яратувчининг ошиғи шундай бўладики,

Уни топгунча эслаб, муҳаббатида ёнади⁵².

«Насойим ул-муҳаббат»да Шаъвонанинг нафаси ўткир бўлиб, мажлиси муҳаббат аҳли билан тўлганлиги, йиғлагувчи ва йиғлатгувчи бўлганлиги, Шаъвонанинг суҳбатидан баҳраманд бўлган Курдия ҳам зоҳидона ҳаёт кечирганлиги қайд этилган.

Алишер Навоий қурдобалик Фотима бинти Мусоннага алоҳида эҳтиром билан ёзган. Фотима бинти Мусонна Қуръоннинг «Фотиҳа» сурасини тасхир қилган (бўйсундирган), дуолари мустажоб, каромат соҳиби бўлган. Ибн Арабий унинг хизматини қилган ва бу ҳақда «Футуҳоти Маккия» китобида қайд этиб, уни «бутун ер юзи аҳолиси учун Аллоҳ томонидан жўнатилган раҳм-шафқат» деб таърифлаган. Фотима Ибн Арабийнинг маънавий «онаси» бўлган. Адабиётшунос О.Жўрабоевнинг таъкидлашича, Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида келтирган воқеа Ибн Арабийнинг «Футуҳот» асаридаги «Ошиқларнинг турли ҳоллари ҳақида англатилган воқеалар» фаслида батафсил келтирилган ва Фотиманинг ҳақиқий ишқ

⁵² Ўша жойда. – Б. 485.

ичидаги ҳолати баён этилган. А.Шиммелнинг эътироф этишича, Ибн Арабий суфий аёлларга ҳурмат-эътиборда бўлган.

Абдурахмон Жомий «Нафаҳот ул-унс» асарида Ибн Арабийнинг ўн тўрт суфий аёлларга «хирқа» кийдирганини қайд этган. Ибн Арабий аёлларнинг маънавий ҳаётнинг барча жабҳаларида юксак даражаларга эришишлари мумкинлигини эътироф этган. «Насойим ул-муҳаббат»да авлиё аёлларнинг кашфу-кароматлари хусусида ҳам баён қилинган.

Жумладан, Умми Муҳаммаддан ёмғир ёғдиришини сўраганларида, у уйининг эшигини супуриб, дебди: «Худое, мен супурдим, Сен сув сеп»⁵³. Оз вақт ўтмай, ёмғир ёғибди.

Суфий аёлларнинг хонақоҳлари ҳам бўлган. Ж.С.Тримингэмнинг қайд этишича, Сурияда 1150-1250 йилларда суфий аёлларнинг еттита хонақоси мавжуд бўлган. Бағдодда авлиё аёл Фотима Розийянинг (ваф. 521/1127 й.) хонақоси машҳур бўлган. Қоҳирада суфий аёллар учун 1285 йилда қурилган «Работ ал-Бағдодия» фаолият кўрсатган. Шунингдек, аёллар масжид ва йиғинлар, шунингдек, зикрларда ҳам иштирок этганлар. Фотима бинти Абобакр Каттоний отасининг ишларини давом эттириб, авлиё аёл сифатида танилган. «Насойим ул-муҳаббат»да келтирилишича, бир куни Шайх Самнун Муҳибнинг мажлисида Фотима юксак ҳаяжон ичида зикр этаётганда кучли орзиқишдан (жазба) вафот этган. Бу ҳолатдан таъсирланган «Эранлардан дағи уч киши анинг мувофақатиға ўлган бўлсалар»⁵⁴, шайх Абулқодир Жилоний авлиё аёл Жория Хабашиянинг кароматларидан ҳайратланган⁵⁵. Мавлоно Жалолиддин Румийнинг кўплаб аёл муридлари бўлган. Улардан «ўз даврининг Робиаси», деб танилган Фахруннисо исмли аёл самоъ мажлисларида иштирок этган. Мавлавийлик тариқатининг АҚШдаги вакили ва Шайхи Кабир Хелминскийнинг ёзишича, қарийб етти юз йилдан сўнг Фахруннисонинг мақбарасини тиклаш учун қабри очилганда унинг жисми

⁵³ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. – Б. 491.

⁵⁴ К. А. Хелмински. Женщины и суфизм. // www.sufizm.ru/ 1994.

⁵⁵ Жўрабоев О. Навоий эҳтиром кўргузган аёл // Хуррият, 2003 йил 14 май. – № 19.

ҳеч қандай шикаст кўрмаган ва бузилмаган, қабри анвойи гулларнинг ҳиди билан тўлган экан.

Авлиёлик мақомига етган шайхларнинг оналари ҳам пуркаромат бўлганлар. «Насойим ул-муҳаббат»да зикр этилган ҳинд машойихидан бири Низомиддин Авлиёнинг онаси ўз даврининг Робиаси, бутун дунё аёлларининг ифтихори бўлган бўлса, Шайх Абу Абдуллоҳ Хафифнинг онаси Умми Муҳаммад мукошафа ва мужоҳадада етук бўлган.

«Насойим ул-муҳаббат»да зикр этилишича, Шайх Абдуллоҳ «Лайлат ул-кадр» кечаси томга чиқиб, ибодат билан машғул бўлган. Уйнинг ичида онага кечанинг мўъжизалари намоён бўлади ва «Эй фарзанд, улча сен анда тилайсан, мундадур», дейди. Шайх томдан тушиб, нурни кўргач, онасининг оёғига бош уради ва шундан сўнг онасининг қадрини англайди.

Шайх Ҳаким отанинг завжаси, кейинчалик Занги отага турмушга чиққан Анбар онага (биби) бағишлаб ўтказиладиган маросимларда фарзандталаб аёлларнинг ниятлари ижобат бўлган. Ҳозирга қадар Анбар биби мақбараси зиёрат қилинади. Ҳаким ат-Термизийнинг рафиқаси туш ва бўлажак воқеа-ҳодисаларни тўғри таъбир қилган. А.Шиммелнинг ёзишича, фаришталардан бири бу аёлга «Эринг билан сенинг руҳий даражаларинг бир-бирига муносиб» деб хабар қилган экан. Робиаи Шомия эса тақводор бўлиб, Аллоҳ ишларига ўзини дастёр билган, мол-мулкини савобли ишларга сарфлаган. Замонасининг автодларидан бири бўлган Боб (шайх) Умар Фарғонийнинг хотини Фотима пуркаромат аёл бўлган. Ал-Хужвирий Боб Умар Фарғонийни зиёрат қилиш учун Ўзкентдан Фарғонага келган. Қиш фасли бўлишига қарамай, Фотима баркашда янги узилган узум ва хурмоларни келтирган⁵⁶. Авлиё аёллар руҳий кечинмаларини бадий талқин этиб, шеърлар айтганлар, кўшиқлар куйлаганлар, ҳар қандай юмуш билан машғул бўлган чоғларида ҳам Аллоҳни ёдда тутганлар. Жумладан, Райҳонаи Волиҳа завқ ҳолатида куйидаги байтларни айтган:

Сен мунисим, ҳимматим ва суруримсан,

⁵⁶ Исакова З.Р. Дис-473/2008. Тасаввуф таълимотида валийлик тушунчасининг диний – фалсафий талқини. Т; 2007.Б.34.

Қалбим Сендан бошқани севишни истамайди.

Мақсадим жаннат неъматлари эмас,

Фақат Сени кўрмоқни орзу қиламан⁵.

Шунингдек, авлиё аёлларга Аллоҳ таоло юксак мавқе, фаросат ва фасоҳат ҳам ҳадя этганки, улар ўзгаларнинг фикрини ўқиш, фикрни бошқаларга таъсир ўтказиш хислати орқали кишиларнинг «юк»ларини ўз елкаларига олиб, уларда ҳали очилмаган тафаккурий имкониятларнинг очилишида кучли таъсир кўрсатганлар. Авлиё аёлларнинг қалби худди кўзгу каби бўлган. Уларнинг ботиний оламида илоҳий нур жилва қилган.

Жумладан, Баҳоуддин Нақшбанднинг холаси Биби Мушкулкушод кишиларни қийинчиликлардан халос этадиган, руҳий қувват бағишлайдиган авлиё аёл сифатида ҳозиргача зиёрат қилинади.

Шунингдек, Аллоҳ ишқида йиғлаб, кўзлари кўр бўлиб қолган аёллар ҳам бўлганки, улар зоҳирий кўрлик илоҳий маъшукни ботиний, яъни кўнгил кўзлари билан кўришга имкон беради, кўзлар кўр бўлгач, кўрувчи (ошиқ) билан кўрилувчи (маъшук) орасида парда, тўсиқ йўқолади, дейдилар. Бунинг тасдиғи Абу Ҳомид Ғаззолийнинг «Ихёу улум ид-дин» асарида муфассал баён этилган.

Суфий аёллар «Рўзи маҳшаргача бўлган қабр уйқуси етиб ортади», деб уйқудан воз кечганлар, тунлари намоз ўқиб, бедор бўлганлар. Жумладан, Муъозаи Адавия қирқ йил саждада бўлган, «Кеча уйқусин кундузга солган ва кундуз емакин кечага», яъни кечани намоз ва зикр билан ўтказган, кундузи рўзадор бўлган. Имраъатун Мисрия зоҳида ва обида аёл бўлган, ўттиз йил муттасил рўза тутган. Руҳонияти кучлилигидан иссиқ-совуқ, қор-ёмғирнинг таъсирини сезмаган. Имраъатун Мисрияи Ухро Аллоҳ ишқида мажнунага айланган ва кўрқувни ҳис қилмаган, ҳатто «йилонлар ва аждаҳолар анинг теграсида отланурлар эрди».

Авлиё аёллар фаросат ва маърифат бобида ўрнак бўлиб, Фузайл ибн Йёз (ваф. 188/803 й.) Шаъвонадан дуо қилишини сўраган бўлса, Суфён Саврий куфалик зоҳида аёл Умми Ҳассон зиёрат қилиб, унинг ирфоний тафаккурга

йўғрилган сўзларидан таъсирланган. Зуннун Мисрий Аҳмад ал-Хузравийнинг хотини Фотиманинг Қуръон маъноларини тафсир этиши ва барча мавжудотларнинг Аллоҳга саловат айтиш сирларини англашидан хайратланган. Боязид Бистомий Фотимани улуғлаб, «Кимки аёл суратида мардни кўрмоқчи бўлса, Фотимани кўрсин» деб эътироф этган. Зайтуна Жунайд Бағдодий ва Абулхусайн Нурийга хизмат қилган бўлса, Умми Али ҳадис илмининг билимдони бўлган. Абу Ҳафс Ҳаддод «Ҳамиша хотинлар ҳадисин макруҳ тутар эрдим, то Умми Али Аҳмад бин Ҳазравайхнинг завжасин кўрдим, андин сўнг билдимки, Ҳақ субҳаноҳу ва таоло ўз маърифатин ва шиноҳтин (таниш, англаш) ҳар ердаки тилар кўяр», деб, аёлларнинг ҳам Аллоҳ маърифатида тенгсиз эканига ишонган. Жорияи Мажҳуланнинг қалби Аллоҳ ҳикмати ва муҳаббати билан тўла бўлган бўлса, кирмонлик Бибичаи Мунажжима ўз даврининг олимаси бўлиб, унга замон подшоҳлари илтифот кўрсатган. У умрини Ҳақ розилиги ва дуоси билан ўтказган, мажлислар тузиб, халқни тўғри йўлга чорлаган, мол-мулкени жомеъ масжиди қурилиши учун сарфлаган.

Илоҳий маърифат дастурхонидан насиба олишга муяссар бўлган авлиё аёллар тасаввуфий рамз-мажозларнинг мазмун-моҳиятини теран англаганлар. Шу ўринда Шоҳ Жаҳон (1592-1666)нинг қизи Жаҳоноронинг тариқатга бағишланган «Рисолаи соҳибия» асарини келтириш мумкинки, асарнинг нафис дид, нозик фаҳм билан ёзилганлиги муаллифнинг тасаввуф оламида ўзига хос ўрни бўлганлигидан далолат беради. Шунингдек, дамашқлик Оиша (ваф. XV аср) Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг «Манозил ус-соирин» асарига шарҳ ёзган.

Авлиёлар аёллар Аллоҳнинг раҳматидан насибадор бўлган, метин кўрғонидан ҳимоя топган, паноҳида муҳофазаланган, лутфи билан тарбият топган ва Аллоҳнинг сир-асрорига хос қилинганлар. Улар пок ахлоқ, илоҳий файз-бараканинг халқ ўртасида кенг ёйилиши, эътиқод мустаҳкамлиги йўлида маънавий ибрат манбаи бўлганлар. Улар дин ва ахлоқий

меъёрларнинг софлиги ва кенг тарқалиши учун ҳаракат қилганлар, хайрия мажлислари тузиб, мол-мулкларини жамият манфаати учун сарфлаганлар.

Авлиё аёллар суфийлик анъаналарининг сақланиши, авлоддан-авлодга мерос бўлиб, ҳозиргача яшаб келишида муҳим ўрин тутганлар. Зеро, авлиё аёлларнинг маънавий мероси, тасаввуф оламидаги турфа ишлари қадрият сифатида ўрганилиши эътиборга лойиқдир.⁵⁷

Алишер Навоий “Эркаklar мартабасига етган ориф аёллар зикри” деб Абдурахмон Жомийга берган таърифларидан сўнг аёл авлиёлар ҳақида тўхталиб ўтган. “Шайхи бузургвор Шайх Муҳйиддин Арабий қ. с. «Футухоти Маккий»нинг етмиш учунчи бобида, андин сўнграки, рижолуллох табақотидин баъзини зикр қилибдур, дебдурки, биз зикр этган бу тоифадаги кишиларнинг барчасини рижол– эркаklar деб атаймиз. Шунингдек, улар ичида аёллар ҳам бор, лекин эркаklarнинг сони кўп. Баъзи кишидан сўрадилар: Абдоллар неча нафардирлар? Айтти: Қирқ киши. Унга айтдилар: Нега қирқта эркак демайсан? Айтти: Улар ичида аёллар ҳам бўлади” Юқорида “Насойимул муҳаббат” асаридан келтирилган мисолдан Муҳиддин ал-Арабийнинг “Футухоти Маккия” номли китобининг 73-бобида авлиё аёлларга тўхталиб ўтганлигини ҳисобга олиб, у ҳам ана шу маълумотларни қўллагани ҳолда, мустақил равишда “вали” унвонига сазовор бўлган машхур аёлларнинг ҳаётидан ибрат бўларли мисолларни келтириб ўтган. Бу аёлларнинг ҳаёт йўллари Навоий томонидан қаҳрамонлик дея баҳоланади. Аёлларнинг билим даражаси, шунингдек уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни эркаklarникидан кам эмаслиги, ҳатто тенг эканлиги айтиб ўтилади. Уларнинг билим олишга интилиши ва инсоният дунёқарашининг бойлигига айланиши юқори баҳоланади. Ўша давр анъаналарига қарши чиқиб, ўзини жамият ҳаётида иштирок этиш имконини берганлигини бу ҳар бир авлиё аёлнинг жасорати сифатида намоён бўлади. Навоийнинг Абдурахмон Суллабийдан келтирган ушбу иқтибоси ҳам диққатга сазовор ҳисобланади: “Шайх Абдуррахмон Сулабий табақоти машойихининг соҳиби р. т. нисват ун-

⁵⁷ Исакова З.Р. Дис-473/2008. Тасаввуф таълимотида валийлик тушунчасининг диний – фалсафий талқини. Т; 2007.Б.56.

обидот ва нисо ун-орифот аҳволи зикрида ало ҳаддиҳи китобе жамъ килибдур ва алардин кўпининг аҳволи шарҳия баёнға келтирубдур.” У ўз фикрини янада тўлдириш мақсадида муаллифдан икки қатор араб тилидаги байтни бериб ўтади. Биз бу ерда ушбу байтнинг таржимасини беришни лозим топдик, агар аёллар биз айтгандек бўлсалар, эркаклардан афзалдирлар. Қуёшнинг муаннас исм эканлиги унга айб эмас, ойнинг музаккар исм эканлиги унга фахр эмас.” Навоий келтириб ўтган ушбу иқтибослар ўша давр ҳаёти, унда аёлларнинг тутган ўрни тўғрисида бўлиб, уни бежиз ўз асарига киритмаган.

“Насойимул муҳаббат” да авлиё аёллар Робиаяйи Адавия дан бошланиб Бибиҷайи Мунажжимада тугайди. Ҳар бир аёл авлиёларнинг исмидан кейин Навоий “раҳимахуллоҳу таоло” яъниким “Аллоҳ таоло унга раҳм қилсин” сўзларини қўллаган. Бу ҳам шоир томонидан уларни таърифлашда қўллаган ўзига хос услуби ҳисобланади.

Шоир авлиё аёллардан Лубобат ул-мутаъаббидага қуйидагича таъриф беради: “Байт ул-муқаддас аҳлидиндур. Ул дебдурки, мен Ҳақ субҳана ва хува таолодин уялурменки, мени ғайр била машғул кўргай. Бирав анга дедик, Ҳажга борадурмен, анда не дуо қилай? Дедик, Тенгридин ани тилаки, сендин хушнуд бўлғай ва сени ўзидин хушнудлар мақомиға еткурғай ва сени дўстлари орасида гумном қилғай.” Марям Басрия р. т. Басра аҳлидиндур. Робиа рўзгорида эрмиш ва анинг суҳбатиға етган эрмиш ва хидматин қилган эрмиш. Ва Робиадин сўнгра неча вақт ҳаёт топибдур. Ва муҳаббатда сўз айтур эрмиш. Ва муҳаббатомиз сўз эшитса эрмиш, беҳол бўлуб, йиқилур эрмиш. Ва оламдин ўтмакни мундоқ дебдурларки, бир мажлисда муҳаббат сўзи ўтар эрмиш. Чун сўз муассирроқ тушубдур, юраки ёрилиб, жон берибдур. Ул дебдурки, ҳаргиз рўзе ғами емадим ва анинг талабиға ранж тортмадим, то бу оятни эшиттимки, “Ва сизнинг ризқингиз осмонда ва сизга ваъда қилинган нарсa бордир” . Навоий Марям Басрияга тўхталиб ўтганда муҳаббат ҳақида сўз эшитган заҳоти ҳушидан кетишини

хатто бир даврада кучлироқ ишқий байтни эшитибок жон берганини айтиб ўтганлиги таҳсинга сазовор ҳисобланади.

Кўпчилик аёл авлиёларга таъриф берганда Навоий уларни қайси шаҳардан эканлиги, кимлар билан суҳбат қурганлиги ҳамда улар ҳаётидан бир ёки икки ҳикоя, айримларида эса шеърӣ байт ҳам келтириб ўтади. Биз Райҳонаи Волиҳага берилган қуйидаги таърифни ҳамда байтнинг таржимаси келтиришни лозим топдик. “Басранинг муътаъаббидотидин эрмиш. Солиҳ Муррий раҳимахуллоху таоло айёмида бу абётни ёқаси оллиға битиб эркандур. “Сен мунисим, ҳимматим ва суруримсан, қалбим сендан бошқани севишни истамайди. Эй азизим, ҳимматим ва муродим, шавқим адо бўлмас, қачон дийдорингга мушарраф бўламан? Мақсадим жаннат неъматлари эмас, фақат сени кўрмоқни орзу қиламан.” Бу ерда Райҳонаи Волиҳа Аллоҳга бўлган муҳаббатини юқоридаги байт орқали билдираётганини кўришимиз мумкин бўлади.

Навоий Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳотул унс” асаридан келтирган Физзага берилган таърифда у ҳақида Жомий асаридан муфассал билиб олиш мумкинлигини айтиб ўтади: “Шайх Абуррабиъ Молақий дебдурки, анинг ояту каромати бағоят зоҳир ва машҳур эрди. Ул жумладин бири будурки, анинг бир қўйи бор эркандурки, соғсалар эркандир ҳам сут берур эркандур, ҳам бол! Ва бу сўзнинг «Нафаҳот»да тафсили бор, тилаган киши анда топар.” Ёки Тухфага ҳам таъриф берганда худди шундай йўл тутганлар: “Ул нисонинг солиҳоти, балки восилотидин эрмиш. Хазрати Маҳдумий н.м. н. «Нафоҳот ул-унс»да анинг зикрида анча ғаройиб ва анинг ҳолотида анча ажойиб битибдурларки, шарҳға рост келмас. Бу мухтасарда мундин ортуқроқнинг гунжойиши йўқ эрди. Ул ҳолотқа иттилў тилаган, ул китобдин тиласун!”

Шоир айрим аёл авлиёларни ҳатто исмини ҳам келтирмайди, чунки улар ҳақида кимдандир эшитганларини ўз асарида қуйидагича ёзиб қолдирган: “Ва ҳам Имом Ёфийий ўз тарихида уламонинг биридин нақл қилурким, дебдурки, Хоразм навоҳийсида бир хотун кўрдумки, йигирма йилдин

ортукроқ егулик ва ичгуликдин ҳеч иштиғол кўргузмайдур эрди. Валлоҳу аълам.” Бу ўринда Навоий ушбу аёлни Имраатун Хоразмия деб атаиди.

Навоий Уфайраи Обидага тўхталиб ўтганда Алоҳ таолодан кўрққанлиги туфайли кўзлари кўрмай қолганлиги, бир кимса унга кўзларининг басир эканлиги қандай фожеа деганда у: “Тенгри таолодин маҳжублук андин каттиқроқдур ва кўнгул кўрлуки Ҳақ с. т. нинг муроди муҳиммида анинг амрларида каттиқроқ” дея жавоб берганлигини айтиб ўтади.

Шундай қилиб Навоийнинг “Насойимул муҳаббат” асари бизга нафақат шайху машойихлар балки авлиё аёллар ҳақидаги бир-биридан қизиқарли маълумотларни олиш имконини беради.

2-боб бўйича хулоса

Адабиёт инсон маънавиятини шакллантирувчи асосий манбадир, ёш авлодни маънавий баркамол қилиб тарбиялашда унинг аҳамияти беқиёсдир.

Навоийнинг ижодий мероси ҳақида сўз юритганда бевосита тасаввуфий адабиётнинг ёрқин намунаси бўлган “Насойим ул-муҳаббат мин шамойимул футувват” тазкираси мумтоз адабиётимизда тутган ўрнини айтиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мумтоз адабиёт борлиқ ҳақиқатининг ботиний жиҳатини зоҳирий тимсоллар воситасида мажозий баён этиш қудратига эга. Асарда Навоий илова қилган шахсларнинг фақатгина суфиёна қарашларинигина ёритмасдан, адабиёт ва жамиятдаги ўрнини белгилашга ҳам катта эътибор берган. Навоий ўз асарининг бадииятини оширишда айрим машойихларнинг ижодидан мисоллар келтиради.

Тазкиранинг кўпгина жойларида Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в) нинг номларини келтиришда Навоий Ҳазрат Рисолат (с.а.в) деган сўзларни ишлатади. Бу эса Навоийнинг бадиий маҳоратидан дарак беради десак адашмаган бўламиз.

Тазкиранинг бадииятини асосан ундаги берилган шайхлар ижодидан мисоллар орқали кўришимиз мумкин бўлади.

Ўзбек олимларининг тадқиқотларида тасаввуф таълимотига оид умумий масалалар сайру сулук (мақомот ва ҳолот), шариат ва тариқат, тасаввуфнинг маънавий босқичлари, комил инсон ахлоқи, футувват, тасаввуф ва инсон, тасаввуф ва бадий адабиёт каби мавзулар таҳлили алоҳида ўрин эгаллайди. Айни пайтда, Мовароуннаҳрда вужудга келган тариқатлар кубравия, яссавия ва нақшбандия таълимоти, ислом олами, хусусан тасаввуф ва ирфон фалсафасида катта мавқега эга бўлган Ҳаким Ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳмад Яссавий, Азизиддин Насафий, Хожа Абдулҳолик Ғиждувоний, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Аҳрор Валий каби туркий машойихларнинг ҳаёти ва қарашларига оид махсус рисола ва мақолалар ҳам алоҳида ўрин тутишини таъкидлаш зарур.

Асарда туркий машойихларга кўпроқ урғу берилган бўлиб, уларни биз Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс” асарида учратмаймиз.

Жомий асарига танқидий қараган Навоий “бурунги замондаги машойихдин барчасининг зикрин қилмайдурлар ва ўз муосирларининг кўпини, ўзларин ҳам битмайдурлар” дер экан, асарда Жомий, Лутфий, Ашраф Муфлисӣ, Шайх Санъон, Носир Ҳисрав, Насимий ва шулар қатори Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний каби “турк машойихлари” ҳақида маълумот беради.

Асарда шайхлардан Бобо Сунгу, Хожа Боязид, Бобо Хокий ҳақидаги маълумотда Амир Темур фаолиятига алоқадор воқеалар учрайди. Ҳар учала лавҳада соҳибқироннинг турли жиҳатлари оддий маълумот тарзда самимият билан тилга олиниб, мардликда, оддийликда, закийликда, Аллоҳ иноятини қадрлаб, ҳар ишни ўз ўрнига қўя билишда, эҳтиёткорликда, барча тасодифларни чамалаб кўришда анбиё ва авлиё руҳидан мададу ғиммат тилагани тасвирланади.

Алишер Навоий “Эркақлар мартабасига етган ориф аёллар зикри” деб Абдурахмон Жомийга берган таърифларидан сўнг аёл авлиёлар ҳақида тўхталиб ўтган. “Шайхи бузургвор Шайх Муҳйиддин Арабий қ. с. «Футуҳоти Маккий»нинг етмиш учунчи бобида, андин сўнграки, рижолуллоҳ

табақотидин баъзини зикр қилибдур, дебдурки, биз зикр этган бу тоифадаги кишиларнинг барчасини риждол – эркаклар деб атаймиз. Шунингдек, уларичида аёллар ҳам бор, лекин эркакларнинг сони кўп. Баъзи кишидан сўрадилар: Абдоллар неча нафардирлар? Айтти: Қирқ киши. Унга айтдилар: Нега қирқта эркак демайсан? Айтти: Улар ичида аёллар ҳам бўлади”.

Бу аёлларнинг ҳаёт йўллари Навоий томонидан қаҳрамонлик дея баҳоланади. Аёлларнинг билим даражаси, шунингдек уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни эркакларникидан кам эмаслиги, ҳатто тенг эканлиги айтиб ўтилади.

III БОБ. “НАСОЙИМ УЛ-МУҲАББАТ” СТИЛИСТИКАСИ: ЭСТЕТИКА ВА МАТН УСЛУБИ МАСАЛАСИ

3.1. Навоийнинг машхур шайху машойихларни тасвирлаш махорати

Ҳазрати Навоий “Насойимул муҳаббат” асарида машхур шайху машойихларга ўзига хос услубда таъриф берган. Тазкира бадиий услубда ёзилган бўлиб, унда Навоий сўзлардан моҳирона фойдаланган, бунининг ижод аҳлини яъниким шайху машойихларга нисбатан мақтов сўзларини қўллагани ҳолда уларга ўзининг чексиз ҳурматини ифодалай олганлигини кўришимиз мумкин. Биргина мисол: тазкиранинг кириш қисмидаёқ Навоий устози Абдурахмон Жомийни қуйидагича тилга олади: “Ҳазрат устозим, саййидим, ҳужжатим, маҳдумим ва шайх ул-исломим Мавлоно, миллат ва дин нури – Абдурахмон Жомий – Нуввира марқадаҳу нуран яъни унинг қабри нурга тўлсин.” Асарнинг кириш қисмидан сўнг “Бу тоифа сулукида муқаддима тамҳиди” деб номланган қисми жой олган бўлиб, унда Навоий 2 ўринда Қуръони Карим оятларини келтириб ўтади ҳамда Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в ҳақида бир қанча маълумотларни келтириб ўтган. Тазкиранинг кейинги қисми “Бу тоифанинг аъмолу афъол ва муомилоту риёзотидин баъзини зикр қилмоқ” деб номланади. Унда Навоий ҳазратлари бир қатор улуғ шайхларнинг номларини келтириб, ҳар бирининг олдида “Ва” ёки “ул жумладин” сўзларини қўллайди. Бу ҳам ўзига хос услубни қўллашидан дарак беради. Яна тазкиранинг ушбу қисмида муқаддас ислом динимизнинг арконлари ҳақида бир қатор фойдали ҳамда ибрат бўларли сўзларни келтириб ўтганликлари таҳсинга сазовордир. “Яна бовужуди шарият риояти ва тариқат одобидурки, бу тоифа маръий тутарлар. Ул адабдурки, яхшию ёмонга ва улуғу кичикка бажо келтирурлар. Андоқки, борча халойиқдин ўзларин кичик ва камроқ тутурлар ва барчага хизмат ҳузурида бўлурлар. Ҳаттоки, ўз фарзандлариға ва ходиму мамлуклариғаки, ҳар неча алардин беқоидалиғ кўрсалар, ҳушунат бирла аларға сўз демаслар, балки насиҳатни юмшоғ ва чучук тил била қилурлар, ҳаттоки ўғриғача.”

Айнан ана шундай сўзларни қўллаган ҳолда Навоий машойихларга таъриф тавсиф берган. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки Навоий ўз тазкирасида ҳар бир шайхнинг номини айта туриб унга “алайҳир роҳмах” (унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) , “раваҳаллоҳу руҳаҳу” (Аллоҳ унинг руҳини шодлантирсин) , “қаддасаллоҳу руҳаҳул азиз” (Аллоҳ унинг азиз руҳини муқаддас қилсин) каби сўзларни қўллайди. “Авлиёуллоҳга воқеъ бўлгон хавориқи одоту каромот баёни” қисмидан шайху машойихларнинг таъриф тавсифи бошланади.

Ундан аввалги “Бу тоифанинг аъмолу афъол ва муомилоту риёзотидин баъзини зикр қилмоқ” қисмида “Ҳар ойна (الكاسب حبيب الله) яъни косиб оллоҳнинг севган бандасидир мазмуни била кибор машойих баъзи санъатларга иштиғол қилибдурлар.” Бу ерда Навоий Аллоҳ субҳана ва ҳува таоло наздида бирор бир касб эгаси унинг севган бандасидир дея таърифланган ҳамда машойихлардан баъзиларининг касбу корлари ҳақида тўхталиб ўтилган:

“Ул жумладин, Шайх ул-машойих Шайх Абу Саид Харроз қ. р. а. эрдиким, аларни машойих Қамар ус-суфия дебдурлар. Ва шайх ул-ислом муқарраби Ҳазрат Борий Хожа Абдуллоҳ Ансорий қ. р. машойих табақотинким битибдурлар, жамии авлиёуллоҳдинким зикр қилибдурлар, барчадин аларни кўпрак васф қилибдурлар ва мартабаларин бийикрак тутубдурлар. Алар ўтук тикарга мансубдурлар.

Ва Шайх Муҳаммад Саккок қ.с. ким, ўз замони машойихининг яғонаси эрмиш, пичоқчиликқа мансубдур.

Ва Шайх Абу Ҳафз Ҳаддод қ. р. темирчилик қилибдур.

Ва Шайх Абубакр Хаббоз қ. с. ўтмакчиликка машҳурдур.

Ва Шайх Абулаббос Омилий қ. с.ким, ўз замонининг қутби ва ғавси эрмиш ва султони тариқат Шайх Абусаид Абулхайрнинг хирқа пири эрмиш, қассоблик қилибдур.

Ва Шайх Иброҳим Ожурийки, хишт авалабдур.

Ва Мирчаи Сафолфурушки, Хуросон элининг пири эрмиш, дошгарлик қилибдур.

Ва Шайх Абулҳасан Музаййин ва Шайх Баннон— ҳаммол ва Шайх Абулҳасан— нажжор.

Ва мутааххир машойихдин замонининг яғонаси Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қ. р. а.ки, кимхо нақшини боғламоққа машхурдурлар.

Ва сойир машойихи кибордин ҳам кўпи ҳалол лукма касбиға муздурлук қилибдурлар, ўтин тошибдурлар ва ҳалол лукма бу ишда куллийдурки, ондин файзу маърифат зоянда бўлур.

Ва бир шубҳалик лукма онча тийралик келтурурки, кўп вақт онинг ислоҳиға машғул бўлуб, маълум эмаски, дафъи не навъ сурат боғлар⁵⁸.”

Шайхул машойих Шайх Абу Саид Харроз этикдўз бўлганликларини Ҳазрат Борий Хожа Абдуллоҳ Ансорий ўз асарларида бу кишининг таърифини келтирганларида айтиб ўтганлар. Шайх Муҳаммад Саккок пичоқчи, Абу Ҳафз Ҳаддод темирчи, Шайх Абубакр Хаббоз **ўтмакчи**, Шайх Абулаббос Омилий қассоб, Шайх Иброҳим Ожурий ғишт терувчи, Мирчайи Сафолфуруш **дошгар**, Шайх Абулҳасан Музаййин ва Шайх Баннон ҳаммол, Шайх Абулҳасан **нажжор**, Ҳазрат Хожа Баҳавуддин Нақшбанд наққош ва бошқалари ҳам ўтин ташиб бўлсада ҳалол ризқ топиб яшаганлар.

Зикр этилаётган шайхнинг:

—қайси табақаданлиги;

—қаерданлиги;

—шуҳрат тутган ери;

—ибратли гапларидан намуна;

—бошқа улуғларнинг бу шахс ёки унинг қарашлари ҳақидаги фикрлари;

—муаллиф ўзининг мантиқий хулосалари.

Айрим ҳоларда фақат:

—ҳар бир шахснинг ҳаётидан ибратли бир лавҳа ва муаллиф хулосалари;

—қабри қаердалиги;

⁵⁸ Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. —Т.: Шарқ, 2001.Б.45.

Машхур кишилар ҳақидаги фиркаларда: иродат силсиласи, пирлари ва муридлари, ёзган асарлари ҳам берилган (Саъдий, Жомий).

Шуни таъкидлаш жоизки Навоий шайхларнинг кимнинг шогирди эканлигини ҳам алоҳида келтириб ўтган: Абу Жозим Маккий, Атаба бинни Гулом, Муҳаммад Восиъ Ҳасан Басрийнинг шогирди; Зуннун Мисрий Молик Анаснинг шогирди, Абулҳорис Авлосий Иброҳим бинни Саъд Алавийнинг шогирди; Абу Усмон Ҳирий Абу Ҳафс Ҳаддоднинг шогирди ва бошқалар.

Шайхларни таърифлашда Навоий уларнинг айримларини туғилган ва вафот жойларини, саналари ҳамда неча йил умр кўрганликларини ҳам эътибор қаратган: Зуннун Мисрий Мисрнинг Ихмим деган мавзесидан эканлиги, Имом Шофеъийнинг қабри ҳам шу ердалиги; Фузайл бинни Йёз Куфалиқдир аммо не ерлик эканида ихтилофлар борлиги ҳамда вафоти муҳаррам ойи юз саксон еттида эканлигини; Маъруф Кархийга тўхталганда унинг икки юзда ҳамда Довуд Тойининг юз етмиш бешда вафот этганини, қабри Бағдоддалигини; Абу Сулаймон Доронийнинг Дамашқнинг Дорон деган кентиданлиги; Иброҳим Адҳамнинг таърих юз олтмиш бир ё иккида Шомда рихлат қилганлиги; Иброҳим бинни Ситанбаҳ Ҳиравий “ул аслан Кирмондин эрмиш” ҳамда қабри Қазвиндалиги; Иброҳим Работий “қабри Дарайи Зангий работидадир ва мавлиди Ҳирот” далиги; Фатҳи бинни Али Мавсилий “Бишри Ҳофийдин ети йил бурунроқ икки юз йигирмада дунёдин ўтубдур”; Бишр бинни Ҳорис бинни Абдурахмон “дерларки, Марв вилоятидиндур”; Шақиқ бинни Иброҳим Балхий “Қабри Балхдадур. Баъзи дебдурларким, ани Хутталонда шаҳид қилдилар, юз етмиш тўртта ва қабри анда-ўқдур”; Ҳорис б. Асад Муҳосибий “Ва Бағдодда дунёдин борибдур, таърих икки юз қирқ учда”; Сарий б. Муғаллис Сақатий “Таърих икки юз эллик учда Рамазон ойининг учиди: сешанба куни дунёдин ўтти”; Аҳмад Хузравайх Балхий “Таърих, икки юз қирқда Балхда дунёдин ўтти”; Яҳё б. Муъоз Розий “Таърих аҳли дебдурларким, Яҳё Муъоз Балхқа борди ва анда иқомат қилди, муддатдин сўнгра Нишобурға келди ва анда дунёдин ўтти, икки юз эллик саккизда ”; Боязид Бистомий “Таърих икки юз олтмиш бирда

оламдин ўтди”; Абу Ҳафс Ҳаддод “Нишобурнинг кентларидиндур...Вадунёдин ўтганини таърих икки юз олтмиш тўртда, баъзи олтмиш еттида дебдурлар”. Ана шундай мисоллар орқали кўпгина авлиёларга Навоий хазратлари тавсиф берган.

Навоий “Насойим ул-муҳаббат”да 770 нафар шайх ҳаётидан лавҳалар берган. Шайхлар билан боғлиқ лавҳаларнинг 79 тасида ҳукмдорлар ҳақида таърифлар ҳам мавжудки, бу таърифларда Навоий адолат, ҳақиқат, зўравонлик, раият ҳаққини билиш, энг жиддий эҳтиёж — ҳақиқатни англаш эҳтиёжини ёритган.

Асарда Амир Темур, Шамсиддин Илтутмиш — уч ўринда, Шохрух Мирзо, Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммад, Амир Сабуктегин, халифа Муқтодир, Ҳинд подшоси Султон Муҳаммад Халаж — икки ўринда, Ҳусайн Бойқаро — 29 ўринда, шунингдек, халифа Абдуллоҳ Тоҳир, Чингизхон, Шероз, Ҳинд, Хуросон, Мовароуннаҳр, Рум, Ироқ, Миср, Озарбайжон, Туркистон шоҳлари таърифлари бир неча ўринларда келтирилган.

Асардаги шоҳлар талқини — тарихий ҳукмдорлар образидир. Навоийнинг бошқа насрий, назмий асарларида тасвир этилган афсонавий, мифологик шоҳлар образи берилмаган. Унда зикр қилинган шоҳларга Навоий шайхлар тилидан гўё “Вақфия”да таъкидлаган “Султон худонинг ердаги элчисидир”, “Халифаларни ерда мен таъминлайман”, “Тангри уларга адолат ва эҳсонни буюргандир”, “Бир соатлик адолат икки дунёдаги ҳаракатга тенг” каби барҳаёт низом ва дастурлар юкланган.

Асарда тилга олинган шоҳлар билан шайхлар муносабати ҳақидаги воқеаларнинг бўлиб ўтган вақти аниқ кўрсатилмаган. Шунга қарамай, шоир тарихий ишора сифатида уларнинг замони, ижтимоий-сиёсий муҳити тўғрисида хабар беради. Шу ўринда фикримиз исботи ўлароқ баъзи лавҳаларни келтириб ўтсак.

Амир Темур ҳақидаги ишончли манбаларда, жумладан, “Насойим ул-муҳаббат”да ҳам айтилишича, соҳибқирон бирон-бир юртга юриш қилишдан аввал ўша манзилдаги қабристонлар, шайху авлиёларнинг мазорларини

аниқлаб, лашкарга оёқ ости қилдирмаган. Фатҳ қилинган юртларда азиз-авлиёларга хурмати ва эътиқоди рамзи сифатида уларнинг қабрларига қайтадан мухташам мақбаралар қурдириб, вақфлар ажратганки, бундай хайрли ишларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин⁵⁹.

Бу улуғ анъана истиклол шарофати билан юртимизда қайта тикланди. “Насойим ул-муҳаббат”да зикр қилинган, юртимизда манзилу макон топган азиз-авлиёлар, уламоларнинг мазорлари обод қилинди. Бу муқаддас кадамжолар бугун жонажон юртимизга файзу баракат бағишлаб турибди.

Навоий Шайх Увайс Қаронийга таъриф берганда унинг Увайс тахаллусига изоҳ бериб ўтади: “Уҳуд урушида Пайғамбар с.а.в.нинг муборақ тиши шаҳид бўлғонин эшитиб, мутобаат учун ўттиз икки тишин ушотти. Ҳар биринки, ушотур эрди, дер эрдик, шояд бу тиш эмас эрди экин. Яна бирини ушотур эрди. То мундоқ қилиб, барча тишларин ушотти. Ва Ҳазрат Рисолат с. а. в.ни кўрмабдур эрди ва ул Ҳазрат ҳам они зоҳир кўзи била кўрмабдур эрдилар. Маъною руҳоният юзидин тарбият қилиб эрдилар. Бу жиҳатдин ҳар кишинингки, бу тоифадин зоҳир юзидин пири маълум бўлмаса ва машойихдин бирининг руҳи они тарбият қилғон бўлса, они Увайсий дерлар.”

Шоҳ Шужў Кирмоний ҳақида тўхталганда Навоий уни Аллоҳ субҳана ва хува таолони туш кўрганлигини айтиб ўтади: “Абу Ҳафс Шоҳни тўн била кўриб сўрдиким, бо қабо? Шоҳ жавоб бердиким, абада истаганимизни қабода топдик. Шоҳ қирқ йил бир вақт талабига уюмади. Бир кун кўзи уйқуга борди. Ҳақ субҳонаҳу ва таолони туш кўрди, уйғонгач бу байтни дедиким, б а й т:

Эй кўзимнинг сурури, сени тушимда кўрдим,

Уша лаҳзадан бери уни яхши кўраман”.

Саййидуд тоифа Жунайд Бағдодийга тўхталганда Навоий унинг 3 та лақабини келтириб ўтади: “Иккинчи табақадиндур ва кунияти Абулқосимдур ва лақаби Қаворирий ва Зажжож ва Хаззоз. Қаворирий ва Зажжож андин дебдурларки, отаси шиша сотар эрмиш ва Хаззоз анинг учунки, хазз санъатин билур эмиш”.

⁵⁹ Р.Ражабова. «Бизга тангри бергуси туруп» <http://huquqburch.uz/uz/view/437>

Навоий ҳазратлари асарда шайху машойихлар номларини келтиришда куйидаги номлардан энг кўп фойдаланганлигини куйидагилар орқали кўрсатиб ўтишимиз мумкин: Мавлоно 45 та, Абу билан бошланганлари 103 та, Иброҳим билан бошланганлари 19 та, Имом билан бошланганлари 5та, Шайх билан бошланган авлиёлар сони 162 та ва ҳоказо.

Яна у шайхларни туғилиб ўсган жойлари номи билан ҳам келтириб ўтган: Маккий, Мисрий, Тусий, Магърибий, Ҳиравий, Работий, Бағдодий, Балхий, Нахшабий, Шерозий, Румий, Хуросоний, Ҳамадоний, Кирмоний, Ҳирий, Тирмизий, Самарқандий, Суғдий, майдоний, Фарғоний, Кирмоншоҳий, Бухорий, Боку, Жомий, Ғаззолий, Ғиждувоний, Ромитоний, Қошғарий, Андалусий, Яманий, Яссавий, Мотурудий, Яздий ва бошқалар. Ана шу ҳодисаларни ҳисобга олган ҳолда Навоий тасаввуф адабиётида ўзига яраша “тасвирлаш услуби” нинг юзага келувини таъминлаб берди.

Асарнинг кўпгина жойларида биз шунингдек, у тазкирадаги “манқулдурки”, “дебтурларки”, “дер эрмишларки”, “нақлдурки” сўзларининг кўплаб қўлланилганлигини эътибордан четда қолдирмаслигимиз керак.

Яна бир жиҳати Навоий ушбу тазкирани яратишда диний-фалсафий асарлар услубини қўллагани таҳсинга сазовор ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Алишер Навоий тасаввуф намоёндалари ҳақида ҳам, тасаввуф ҳақида ҳам жуда чуқур билим соҳибидир. Ўз даврининг катта сўфийлари ва дарвешлар билан олиб борилаган очиқ мулоқотлар эса шоирнинг тасаввуф ҳақидаги билимларини янада бойитди. Бундан ташқари Алишер Навоийнинг ўзи томонидан қаламга олинган асарлари ҳам тасаввуф ҳақидаги беназир асар ҳисобланади. Алишер Навоийнинг ўзи тасаввуфнинг етук намоёндалари сирасига киради. Зотан ҳаёти давомида шоирнинг қилган ишлари бунинг яққол далили бўлади.

3.2. Тазкирада эстетика масалаларининг ифодаланиши

Бизга маълумки эстетика бадиий ижод фалсафаси бўлиб ҳам ҳисобланади. Эстетика санъатни — санъаткор, санъат асари, санъат асарини идрок этувчи шахсдан иборат яхлит тизимда олиб ўрганади, барча санъат

турлари учун зарур бўлган умумий қонун қоидаларни ишлаб чиқади. Масалан, адабиётшуносликдаги қофия назариясини муסיқага ёки хайкалтарошликка нисбатан қўллаб бўлмайди. Эстетикадаги композиция ёки услуб назарияси эса меъморликдан тортиб бадий сураткашликкача бўлган ҳамма санъат турларига тааллуқлидир. Айни пайтда эстетика санъатнинг табиати, унинг ижодийлиги ва бошқалар жиҳатларини тадқиқ этади; бадий оқимлар ва йўналишларнинг , ижодий услубларнинг моҳиятини ўрганади. Ўзбек миллий эстетикаси тараққиёти тарихан минтақавий табиатга эга бўлиб, унинг илдизлари дастлаб Авесто, кейин монийликнинг муқаддас китоби Хуастуанифт (За.)га бориб тақалади⁶⁰. Шарқ Уйғониш даври Оврўпо Уйғониш давридан қарийб беш аср олдин бошланиб, унга нисбатан узоқ муддат давом этган. Шарқ Уйғониш даври маърифати ва маданияти ҳақида сўз борганда, уни Ислом дини билан узвий боғлиқ эканлигини эътироф этиш керак. Ислом дини дунё динига айланиши муносабати билан мусулмон ўлкаларида илм-фан тараққиётига кенг йўл очилди. Ислом илм-фанга, маърифатга кенг рағбат кўрсатди. Қуръони Каримнинг илк нозил бўлган ояти ҳам «Иқро», «Ўқи» эди. Шундан бошлаб мусулмонлар Оллоҳнинг муқаддас сўзларини ўқишга, у яратган олам гўзалликларини англашга киришиб кетдилар ва бу жараён ҳозир ҳам фаол давом этмоқда. Ислом, энг аввало, илм-маърифатни улуғлайди.

Муҳаммад (с.а.в) ҳадисларида: «Аллоҳ Таоло сизларга Исломни дин қилиб ихтиёр этди. Уни ҳусн-у хулқ ва саховат билан эъзозланг. Зеро, у фақат мазкур икки хислат билангина комил бўлади», деб унинг эстетик жиҳатларини таъкидлаган эдилар.

Қуръони Карим ва ҳадиси шарифлар Ислом маданияти ва эстетикасининг манбаидир. Қуръони Карим минг йилдан бери тафсир қилиб келинаётган бўлса-да, ҳали унинг сир-синоати, гўзалликлари моҳияти тўла очиқ берилган эмас.

⁶⁰ <https://uz.wikipedia.org/wiki/Estetika>

Хусусан, «Оллоҳ гўзал ва у гўзалликни севади», дейилади Қуръони Каримда. Демак, Ислоннинг эстетик нуқтаи назари гўзалликка ошно бўлмоқдир. Оллоҳ гўзал экан, у яратган Одам ҳам, у бунёд этган Олам ҳам, ўз бандаларига ҳадя этган ноз-неъматлар ҳам гўзалдир⁶¹.

Ислон дини қабул қилинган, миллий минтақавий эстетика Қуръони Карим оятлари ва Ҳадиси шарифдаги "Аллоҳ гўзал ва У гўзалликни севади" деган тамойил асосида ривожланди. Бунда машшойиюнлик (Фаробий, Ибн Сино) билан ёнма ён тасаввуф эстетикасида кубровийлик (Нажмиддин Кубро), жўмардлик (Пахлавон Маҳмуд), нақшбандия (Алишер Навоий) сингари тариқат мутафаккирларининг гўзаллик, санъат ва санъаткор борасидаги қарашлари муҳим аҳамият касб этди. XV аср фалсафий, адабий-эстетик тафаккури тараққиёти Алишер Навоий номи билан боғлиқ. Буюк шоир, олим ва давлат арбоби Алишер Навоий ўзидан кейинги авлодларга улкан адабий-бадний хазина, гўзаллик билан нурафшон бир мерос қолдирдики, бу мерос ҳали тўла ўрганилган эмас. Навоий фалсафий, адабий-эстетик қарашлари марказида комил инсон тарбияси, унинг олам гўзалликлари орасидаги ҳаёт тарзи қандай бўлиши керак, деган масала туради.

Алишер Навоий ижоди — бадний, тарихий, илмий-фалсафий асарларининг ҳар бир сатрида сўз — дур-жавоҳирга айланган ва гўзаллик билан зарҳалланиб жилолантирилган. Навоий гўзалликни, нафис санъатни юксак қадрлаб, нафис санъат инсон маънавий олами, камоли учун калит эканини таъкидлайди.

Навоий бадний сўз санъатининг, эстетик, ҳиссий-руҳий қувватини алоҳида таъкидлар экан, шайхнинг хулқ-атвориға ва эстетик маданиятиға алоҳида ўрин ажратади. Чунки одоб-ахлоқ ислон эстетикасининг таркибий қисми бўлиб, мусулмон киши ҳаёти ва фаолияти одоб қоидалари мезони билан баҳоланади. Шу тариқа Навоий авлиёларнинг камтарлик, ҳимматлилик, хушмуомалалик, саҳийлик каби фазилатларини улуғлайди.

⁶¹ Э.Умаров. Эстетика асослари. Т; 2010.Б.45.

Бир донишманд гўзал хулқли, одобли, лекин жуда хунук чехрали бир йигитни кўриб: «Ей йигит, сенинг гўзал хулқ ва одобинг хунуклигингни ювиб юборди», деган экан. Гўзаллик тушунчаси ҳамма вақт Алишер Навоий замондошлари ва издошларининг диққат марказида бўлган.

Бас шундай экан Навоий ижодида эстетика масалалари ўзига хос аҳамиятга молик ҳисобланади. “Насойим ул-муҳаббат” асари ўрта асрлар тазкирачилик анъаналарини юқори чўққиларга кўтарди десак муболаға қилмаган бўламиз. Чунки ушбу асар умумий характерга эга бўлиб, тазкирада берилган инсонларнинг ҳаёти, уларнинг бирор-бир ғоявий эстетик йўналишга эга эканлиги таҳсинга сазовор ҳисобланади. Алишер Навоий замондошларининг тазкираларида асосан биографик маълумотларга кўзимиз тушади, аммо уларда инсоний фазилатлар аксини ҳеч кўра олмаймиз. Айнан шу жиҳатда ҳам Навоийнинг ушбу тазкираси бошқалар ичида ажралиб туради. Ундаги эстетика масалаларининг берилиши, одамийлик, инсонийлик, ватанпарварлик, садоқат, ҳақиқат ва ёлғон, тафаккур, ҳурмат каби категорияларнинг ифодаланиши ҳам диққатга сазовордир.

“Насойимул муҳаббат” да энг катта омил сифатида инсон омили асосий рол ўйнаган бўлиб, Навоий уни асосан меҳнаткаш сиймо деб таърифлаган. Шарқ инсонпарварлик ғоялари ўзаро маънавий таъсир асосида машҳур шайх ва авлиёларнинг инсоний фазилатлари юзга чиққан. Тазкирада нафақат маънавий покланиш ғоялари балки Навоийнинг ноҳақлик адолатсизликларга қарши фикрлари ҳам атрофлича айтиб ўтилган. “Насойимул муҳаббат мин шамоиймул футувват” асарининг услуби ҳамда ундаги эстетик масалалар у қадар кўп ўрганилмаган бўлиб, қуйида биз ана шу масалага ойдинлик киритишни, Навоийнинг нақадар моҳир сўз устаси эканлигини исботлашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Яна Ҳазрат Навоийнинг ўзига ҳос ажралиб турувчи жиҳатларидан бири бу унинг инсонларга юксак ҳурмат эҳтиром кўрсатишидир. Матн услуби муаллифнинг инсонларга юксак ҳурмат билан қарашидан ўзига ҳос белги бериб туради. У машойихларнинг ҳар бирини ҳурмат билан тилга олади:

“Атаба б. Ғулом р.т. Ажаб равешӣ бор эрди ва нафси доим таабда тутар эрди ”; “ Молик Динор қ.т.с. Бу тоифанинг ақобиридиндур. Отасининг оти Динор эрмиш. Ва ул бандазода эрмиш, аммо икки оламдин озода эрмиш.”; “Муҳаммад Восӣ р.т. Ўз замонининг беназири эрди ва тобииндин кўпга хизмат қилибдур ва суҳбатиға етибдур ва кўп машойих била суҳбат тутубдур”, “Абдуллоҳ Муборак қ.т.с. Ани уламонинг шаҳаншоҳи дер эрмишлар ва жуду шижоатда замонининг яғонаси эрмиш. Ва тариқат асқобининг муҳташами ”; “Муҳаммад Аслам Тусий қ.т.с. Яғонаи мутлақ ва муқтадойи барҳақ эрди”. Бизга маълумки ҳурмат категорияси махсус сўзлар, кўшимчалар, гап қурилишларида ақс этади. Булардан бузург; улуғ; мутаваккил; мутаваддур; азм уш-шаън қабила Навоийнинг асарида берилган бўлиб, уни яна ҳам юксак маданият соҳиби эканлигидан дарак бериши шубҳасиз.

3-боб бўйича хулоса

Алишер Навоий ўзининг битмас туганмас ижоди давомида ўзига хос услубни қўллаган. Буни биз тасаввуф адабиётининг ёрқин намунаси бўлган “Насойим ул-муҳаббат” тазкираси орқали кўришимиз мумкин бўлади. Унда Навоий ҳазратлари машҳур шайху машойихларни тасвирлашда маҳорат билан ёндашганлиги асар муқаддимасидан ҳам кўриниб турибди: “Бу тоифақим, валояту қаромат ақлидурлар ва ҳалойиққа иршоду уҳда қилурлар, муборак зотларининг баракоти бу миллат ақли бошидин кам бўлмағай...”

Тазкира бадиий услубда ёзилган бўлиб, унда Навоий сўзлардан моҳирона фойдаланган, буни биз унинг ижод ақлини яъниким шайху машойихларга нисбатан мақтов сўзларини қўллагани ҳолда уларга ўзининг чексиз ҳурматини ифодалай олганлигини кўришимиз мумкин.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки Навоий ўз тазкирасида ҳар бир шайхнинг номини айта туриб унга “алайҳир роҳмаҳ” (унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин), “раваҳаллоҳу руҳаҳу” (Аллоҳ унинг руҳини шодлантирсин), “қаддасаллоҳу руҳаҳул азиз” (Аллоҳ унинг азиз руҳини муқаддас қилсин) қаби сўзларни қўллайди. “Авлиёуллоҳға воқеъ бўлгон

хавориқи одоту каромот баёни” қисмидан шайху машойихларнинг таърифу тавсифи бошланади.

Ундан аввалги “Бу тоифанинг аъмолу афъол ва муомилоту риёзотидин баъзини зикр қилмоқ” қисмида “Хар ойна (الكاسب حبيب الله) яъни косиб оллоҳнинг севган бандасидир мазмуни била кибор машойих баъзи санъатларга иштиғол қилибдурлар.” Бу ерда Навоий Аллоҳ субҳана ва ҳува таоло наздида бирор бир касб эгаси унинг севган бандасидир дея таърифланган ҳамда машойихлардан баъзиларининг касбу корлари ҳақида тўхталиб ўтилган:

Шуни таъкидлаш жоизки Навоий шайхларнинг кимнинг шогирди эканлигини ҳам алоҳида келтириб ўтган. Шайхларни таърифлашда Навоий уларнинг айримларини туғилган ва вафот жойларини, саналари ҳамда неча йил умр кўрганликларини ҳам эътибор қаратган.

Шайхлар билан боғлиқ лавҳаларнинг 79 тасида ҳукмдорлар ҳақида таърифлар ҳам мавжудки, бу таърифларда Навоий адолат, ҳақиқат, зўравонлик, раият ҳаққини билиш, энг жиддий эҳтиёж — ҳақиқатни англаш эҳтиёжини ёритган.

Асарда тилга олинган шоҳлар билан шайхлар муносабати ҳақидаги воқеаларнинг бўлиб ўтган вақти аниқ кўрсатилмаган. Шунга қарамай, шоир тарихий ишора сифатида уларнинг замони, ижтимоий-сиёсий муҳити тўғрисида хабар беради.

Алишер Навоий тасаввуф намояндалари ҳақида ҳам, тасаввуф ҳақида ҳам жуда чуқур билим соҳибидир. Ўз даврининг катта сўфийлари ва дарвешлар билан олиб борилган очиқ мулоқотлар эса шоирнинг тасаввуф ҳақидаги билимларини янада бойитди. Бундан ташқари, Алишер Навоийнинг ўзи томонидан қаламга олинган асарлари ҳам тасаввуф ҳақидаги беназир асар ҳисобланади. Алишер Навоийнинг ўзи тасаввуфнинг етук намояндалари сирасига киради. Зотан ҳаёти давомида шоирнинг қилган ишлари бунинг яққол далилидир.

Қуръони Карим ва ҳадиси шарифлар Ислом маданияти ва эстетикасининг манбаидир. Навоий фалсафий, адабий-естетик қарашлари марказида комил инсон тарбияси, унинг олам гўзалликлари орасидаги ҳаёт тарзи қандай бўлиши керак, деган масала туради.

Алишер Навоий ижоди - бадиий, тарихий, илмий-фалсафий асарларининг ҳар бир сатрида сўз - дур-жавоҳирга айланган ва гўзаллик билан зарҳалланиб жилолантирилган. Навоий гўзалликни, нафис санъатни юксак кадрлаб, нафис санъат инсон маънавий олами, камоли учун калит эканини таъкидлайди.

ХУЛОСА

Тасаввуф таълимоти, жумладан, машойихлар, азиз-авлиёларнинг ибратли ҳаёти, эзгу сўзларини ўрганиш, тўғри талқин қилиш бугунги маънавиятимиз учун ҳам муҳим. Энг асосийси, тасаввуфнинг комил инсон ахлоқига оид ғояларини ўрганиш кадрлидир. Бунда биз Алишер Навоий ҳазратларининг “Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват” асарларини тасаввуф назариясининг асосий манбаси сифатида кўришимизни таъкидлашимиз алоҳида аҳамият касб этиши шубҳасиз.

“Насойим ул-муҳаббат” муқаддима (ҳамд, наът ва асар ёзилиш сабаби, “Бу тоифа муқаддима тамҳиди”, “Бу тоифа аъмолу афъоли ва муомилату риёзотидин баъзини зикр қилмоқ”), 770 шайх зикрини ўз ичига олган асосий қисм ва хотимадан иборат.

Олиб борган тадқиқот ишимиз натижасида қуйидагиларга эришдик:

- “Насойим ул-муҳаббат” таркибида тилга олинган авлиёлар орасида исломдаги тўрт мазҳаб бошлиқлари – имом Аъзам, имом Молик, имом Шофеъий, имом Аҳмад ибн Ханбалдан тортиб Муҳаммад Ғаззолий, Баҳоуддин Валад, ўғли Жалолиддин Румий, Румийнинг ўғли Султон Валад каби буюк зотлар ҳақидаги турли қизиқарли, ибратли ҳикояларга дуч келамиз;
- Тазкиранинг тасаввуф оламида тутган ўрнига тўхталсак, Навоийнинг тасаввуф назариясининг асосчиси эканлиги яққол намоён бўлади. Унинг асарида тасаввуф тариқатларидан Қассорийлик тариқати, Нурийлик тариқати, Ҳакимийлик тариқати, Хафифийлик тариқати, Рифоъия тариқати, Қодирия тариқати, Яссавия тариқати, Нақшбандия тариқати, Чиштийлик тариқати, Суҳравардийлик тариқати, Неъматуллоҳийлик тариқати кабиларнинг улуғ вакиллари тасвирланган;
- Яна қувонарли жиҳати шундаки, асарда тасаввуфий атамалар ҳам берилган бўлиб, уларнинг тасаввуф илмида тутган ўрни беқиёсдир. Бундай атамалардан нуқабо, валоят, мақомот, тариқат, маърифат, сулук, қутб, ғавс, абдол кабиларни айтишимиз мумкин бўлади;

- Асарда Навоий илова қилган шахсларнинг фақатгина суфиёна карашларинигина ёритмасдан, адабиёт ва жамиятдаги ўрнини белгилашга ҳам катта эътибор берган. Навоий ўз асарининг бадииятини оширишда айрим машойихларнинг ижодидан мисоллар келтиради;
- Тазкиранинг кўпгина жойларида Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в) нинг номларини келтиришда Навоий Ҳазрат Рисолат (с.а.в) деган сўзларни ишлатади. Бу эса Навоийнинг бадиий маҳоратидан дарак беради десак адашмаган бўламиз;
- Жомий асарига танқидий қараган Навоий "бурунги замондаги машойихдин барчасининг зикрин қилмайдурлар ва ўз муосирларининг кўпини, ўзларин ҳам битмайдурлар" дер экан, асарда Жомий, Лутфий, Ашраф Муфлисий, Шайх Санъон, Носир Ҳисрав, Насимий ва шулар қатори Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний каби "турк машойихлари" ҳақида маълумот беради;
- Асарда шайхлардан Бобо Сунгу, Хожа Боязид, Бобо Хокий ҳақидаги маълумотда Амир Темур фаолиятига алоқадор воқеалар учрайди;
- Тасаввуф ривожига авлиё аёлларнинг ўзига хос ўрни бўлиб, маърифат ва ҳақиқат, ирфонда етук бўлганлар. «Аллоҳ йўлидаги аёл эрдир», яъни Аллоҳнинг фазлу марҳамати ва ҳидоятини истаган аёллар эранлар қаторидадир. Шунга кўра, Ҳақ йўлида жонини фидо этган ҳар бир аёл мард деб аталган. Ана шундай мард, сўфий аёллар Навоийнинг асарида келтирилган;
- Бу аёлларнинг ҳаёт йўллари Навоий томонидан қаҳрамонлик дея баҳоланади. Аёлларнинг билим даражаси, шунингдек уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни эркаларникидан кам эмаслиги, ҳатто тенг эканлиги айтиб ўтилади;
- Тазкира бадиий услубда ёзилган бўлиб, унда Навоий сўзлардан моҳирона фойдаланган, буни биз унинг ижод аҳлини яъниким шайху машойихларга нисбатан мақтов сўзларини қўлагани ҳолда уларга ўзининг чексиз ҳурматини ифодалай олганлигини кўришимиз мумкин;

- Шунини таъкидлаш жоизки Навоий шайхларнинг кимнинг шогирди эканлигини ҳам алоҳида келтириб ўтган. Шайхларни таърифлашда Навоий уларнинг айримларини туғилган ва вафот жойларини, саналари ҳамда неча йил умр кўрганликларини ҳам эътибор қаратган;
- Шайхлар билан боғлиқ лавҳаларнинг 79 тасида ҳукмдорлар ҳақида таърифлар ҳам мавжудки, бу таърифларда Навоий адолат, ҳақиқат, зўравонлик, раият ҳаққини билиш, энг жиддий эҳтиёж — ҳақиқатни англаш эҳтиёжини ёритган;
- Асарда тилга олинган шоҳлар билан шайхлар муносабати ҳақидаги воқеаларнинг бўлиб ўтган вақти аниқ кўрсатилмаган. Шунга қарамай, шоир тарихий ишора сифатида уларнинг замони, ижтимоий-сиёсий муҳити тўғрисида хабар беради;
- Ушбу тазкиранинг яна бир ғоятда эътиборли жиҳати шуки, асардаги таълимот ва фалсафалар оламшумул аҳамият касб этади. Унда келтирилган мутафаккирларнинг маъно олами билан боғлиқ руҳонияти, яъни ботиний дунёси, олами идрок этиши, донишмандлик билан тафаккур қилиши, инсоннинг ўзликни билиши, нафсни йўқотиш орқали тамаъдан узоқ бўлиши, сабр ва қаноат билан комил инсон бўлишга интилиши кўрсатиб берилган. Маънавий баркамоллик – Навоий орзуси, қалб эҳтиёжи. Авлиёларнинг ҳикматли сўзлари, ўғит-насиҳатлари, одоб-ахлоқи, ҳаёт тарзи, ёзган асарлари башар аҳли учун маънавий бойлик ва ўрнат олишга намуна экани далиллар асосида ёритилган;

Мухтасар айтганда, Алишер Навоий «Насойим ул- муҳаббат»ни ўз ғояси ва мақсадига мувофиқ битган. Навоийнинг юксак билим соҳиби эканлигини айнан мана шу асар орқали ҳам яққол намоён бўлади.

Олиб борган кичик изланишларимиз натижасида буюк авлиёи киромларнинг руҳи поклари шод бўлган бўлса биз мақсадимизга етдик деб ҳисоблаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари

1. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. «Туркистон-пресс» ахборот агентлигининг саволларига жавоблар. -Т. Ўзбекистон, 1999. 142 б.
2. Каримов И. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т; 2008. 176 б.

II. Илмий адабиётлар

Ўзбек тилида:

3. Алишер Навоий. “Насойим ул-муҳаббат”. Мукаммал асарлар тўплами, 17-том. – Т., 2001.; 590 б.
4. Абуабдуррахмон ас-Суллабий. Табақот ус-суфия. Араб тилидан Маҳмудхўжа Нуриддинов таржимаси. Тошкент: «Фан», 2004.; 450 б.
5. Абдуррахмон Жомий. Асарлар 8 жилд. Нафаҳот ул-унс. Душанбе: «Адиб», 1990.; 584 б.
6. Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро, 2016.
7. Комил инсон ҳақида тўрт рисола. Форс тилидан Нажмиддин Комилов таржимаси. Тошкент: «Маънавият», 1997.; 148 б.
8. Комилов Н. Нажмиддин Кубро. Рисола. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1995.; 124 б.
9. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. –Т., Ёзувчи, 1996.; 112 б.
10. Қуръони карим. /Ўзбекча изоҳли таржима муаллифи А. Мансур. –Т.: Чўлпон, 1992. 761 б.
11. Колободий. Тасаввуф сарчашмаси («Ат-таъарруф»). –Т., 2002.; 224 б.
12. Ислом тасаввуфи манбалари / Тасаввуф назарияси ва тарихи. Нашрга тайёрловчи Ҳ. Болтабоев. – Т.: Ўқитувчи, 2005.; 245 б.
13. Исломий Ҳ. Ипор ҳид ила туғилган ориф. – Т., Мовароунахр, 1995.; 98 б.
14. Жузжоний М. Тасаввуф ва инсон. – Т.: Адолат, 2001; 142 б.
15. Муҳаммад Содик. Тасаввуф ҳақида тасаввур. –Т.: Мовароуннахр, 2004.

16. М.Қодиров. “Марказий Осиё, Яқин ва ўрта шарқнинг фалсафий тафаккури: ўқув қўлланма. – Т., 2010; 215 б.
17. Назаров Б. Ислом ағиографияси тизимида мақомотнинг ўрни ва унинг бадий-услубий хусусиятлари. Т; 2007.; 132 б.
18. Назаров Б. Яссавийлик тариқати манбаларида терминология масалалари // ТДШИ профессор-ўқитувчилари конференцияси материаллари. – Т.: ТДШИ, 2009; 78 б.
19. Сайфуллоҳ С. Фатво ва такво китоби. – Т.: Фан, 2005. 315 б.
20. Навоий Ғарб шарқшунослигида тасаввуф вакили сифатида (Навои в западном востоковедении как представитель суфизма) Тез. докладов научной конференции, посвященной 50-летию победы над фашизмом. 65 б.
21. Назаров Б. Тасаввуф ва тазкирачилик. – Т.: ТДШИ, 2010. 142 б.
22. Н. Комилов Тасаввуф. – Т., 2006 йил ўқув қўлланмаси. 78 б.
23. Рамазонов Н. “Насойим”нинг ўзига хос хусусиятларига доир / Навоийнинг ижод олами (мақолалар тўплами). – Т.: Фан, 2001. Ургенч, 1995. 65 б.
24. Сайфуллоҳ С. Фатво ва такво китоби. – Т.: Фан, 2005. 102 б.
25. Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. – Т.: Шарқ, 2001. 258 б.
26. Ҳаққул И. Яссавия: ўтмиш, бугун ва истикбол // Хожа Аҳмад Яссавий: Ҳаёти. Ижоди. Анъаналари. Тўплам. – Т., 2001. 148 б.
27. Йўлдашхўжаев Ҳ. Тариқатчиликнинг замонавий кўринишлари. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. 186 б.
28. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. – Т.: Моварауннахр, 2004. 96 б.
29. Исакова З.Р. Дис-473/2008. Тасаввуф таълимотида валийлик тушунчасининг диний – фалсафий талқини. Т; 2007. 256 б.

Рус тилида:

30. Ислам: Энциклопедический словарь/Сост. Г.В.Милославский, Ю.А.Петросян, М.Б.Пиотровский и др. М.: Наука, 1991 (Далее: Ислам) - 315с.
31. Тримингэм Ж. С. Суфийские ордены в Исламе (под ред., предисл. и примеч.О.Ф. Акимовской). – М.: Наука, 1989. 236 б.
32. Девин Ди Уис. Машаихи-и турк и Х^ваджаган: переосмысление связей между суфийскими традициями Йасавийа и Накшбандийа / Суфизм в Центральной Азии. – М.: Наука, 2002. - С. 211-224.
33. Исламов Х. И. “Насойимул мухаббат” Алишера Навои и его науч-но-критический текст: Дисс. на соискание канд филол. наук . – Т., 1990. 256 б.
34. Бертелс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. –М., 1965. 476 б.
35. История узбекской литературы. 1987-89; 324 с
36. К н ы ш А. Д. Суфизм//Ислам: Историографические очерки/Под общей ред. С.М.Прозорова. М.: Наука, 1991.109-207 . с.
37. Мухаммедходжаев А. Гносеология суфизма. Душанбе: Дониш, 1990. - 116 с.

Инглиз тилида:

38. Д. Де Weese. The mashaihi turk and the hojagon: Thinking the links between the yassavi and naqshbandi sufi traditions. Journal of islamis studies. Number Нумбер 2 July 1996. - P.187.
39. Николсон Р.А. A history enquiry sonserning the origin and development of sufizm in JRAS of Great Britain and Ireland Л: 1906, III. 303-348

Форс тилида:

40. Ходизода Расул. Тасаввуф дар адабиёти форс-тожик. Душанбе «Адиб», 1999. 96 б.

Турк тилида:

41. N e v a i, Älişir. Nesayimü' l-mahabbe min şemayimi1-fütüvve/ Hazirlayan Prof. Dr. Kemal Eraslan. Ankara: Türk Dil Kurumu yayımlar i, 1996. - I. (Metin). - 493 s.
42. Улудағ С. Тасаввуф теримлари сўзлуғу, 489-490-бетлар.
43. Eyuboglu, ismet Zeki. Günün İçiginda Tasavvuf, Tarikat-lar, Mezhepler Tarihi. Istanbul: DER yayinevi, 1993. - 493 s.

III. Манбалар

44. Навоий, Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 17 том. Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват. –Т.: Фан, 2003; 590 б.

IV. Интернет сайтлари

45. <http://kitobim.com/library/books>.
46. library.ziyonet.uz/ru/book/download.
47. <http://kh-davron.uz/kutubxona/alisher-navoiy/alisher-navoiy-shayx-momin-sheroziy-haqida-rivoyat>.
48. <http://forum.ziyouz.com/index.php?topic>.
49. <http://kh-davron.uz/kutubxona/alisher-navoiy/eshqobil-shukur-nasoyimul-muhabbatga-sayr>.
50. http://www.kutubxona.com/Alisher_Navoiy._Nasoim_ul-Muhabbat_Kiril.
51. http://www.turklib.com/general_history/mukammal_asarlar_toplami_20_tomlik_mukammal_asarlar_tuplami_20_tomlik_polnoe_sobranie_sochinenii_alishera_navoi
52. <http://faylasuf.uz/index.php/sharq-garb/falsafa-tarixi/islom-falsafasi>.

ИЛОВА

Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарида зикр қилинган шайх ул-машойихларнинг асарлари рўйхати:

1. «Адаб ул-муридийн» – Шайх имом Аҳмад Ғаззолийнинг асари.
2. «Авориф ул-маориф» – Шайх Шихобиддин Сухравардийнинг асари.
3. «Авориф ул-маориф» – Шайх Шихобиддин Сухравардий асарининг Заҳириддин Абдурахмон Али Бузғуш таржимаси.
4. «Авориф ул-маориф» – Шайх Шихобиддин Сухравардий асарининг Шайх Изуддин Маҳмуд Коший таржимаси.
5. «Айнийя» – Шайх имом Аҳмад Ғаззолийнинг асари.
6. «Айн ул-жамъ» – Мансур Ҳалложнинг асари.
7. «Асмоуллоҳ» –Амир Саййид Али Шихоб Муҳаммад Ҳамадонийнинг шарҳи.
8. «Асмоуллоҳ» – Мавлоно Шарафиддин Яздийнинг шарҳи.
9. « Шарҳи Асмоуллоҳ» – Мавлоно Муҳаммад Табодгоний таржимаси.
10. «Асрорнома» – Шайх Фаридиддин Аттор Нишобурийнинг асари.
11. «Асрор ун-нуқта» – Амир Саййид Али Шихоб Муҳаммад Ҳамадонийнинг шарҳи.
12. «Аройис» – Шайх Рўзбеҳон Бақлийнинг шарҳи.
13. «Арбаъин» – Мавлоно Муҳаммад Табодгонийнинг «Арбаъин»нинг зикр ва факр сулуки боби таржимаси.
14. «Аълам ут-туқо» – Шайх Шихобиддин Сухравардийнинг шарҳи.
15. «Ашиъат ул-ламаъот» – Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг асари.
16. «Баҳжат ул-асрор» – Абулхусайн Жаҳзам Ҳамадонийнинг асари.
17. «Баҳр ул-хақойиқ» – Шайх Нажмиддин Розий ал-Маъруф би Доя «Баҳр ул-хақойиқ» асарининг тафсири мусаннифи.
18. «Бўстон» – Шайх Саъдий Шерозийнинг асари.
19. «Васоё» – Мавлоно Муҳаммад Табодгонийнинг таржимаси.
20. «Воситат ул-икд» – Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг асари.
21. «Гулистон» – Шайх Саъдий Шерозийнинг асари.

22. «Гулшани роз» – Шайх Маҳмуд Шабустарийнинг асари.
23. «Девон» – Ҳофиз Шерозийнинг асари.
24. «Девони Кабир» – Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий Румийнинг асари.
25. «Дурр ун-назим фи фазоил ил-Қуръон ил-азим» – Имом Абдуллоҳ Ёфийий Яманийнинг асари.
26. «Ёкут ул-таъвил» – Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолийнинг асари.
27. «Ҷавоҳир ул-Қуръон» – Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолийнинг асари.
28. «Ҷомиъ жамъ» – Шайх Авҳадуддиннинг асари.
29. «Ҷомиъ ул-усул» – Шайх Садруддин Муҳаммад Исҳоқ Кўнявийнинг асари.
30. «Жунун ул-мажонин» – Амир Қивомиддин Синжонийнинг асари.
31. «Зод ул-мусофирин» – Амир Ҳусайнийнинг асари.
32. «Зубдат ул-ҳақойиқ» – Айн ул-қуззот Ҳамадонийнинг асари.
33. «Ибрат ул-яқзон фи маърифати ҳаводис из-замон» – Имом Абдуллоҳ Ёфийий Яманийнинг асари.
34. «Илоҳийнома» – Шайх Фаридиддин Атторнинг асари.
35. «Илоҳийнома» – Шайх Ҳаким Санойининг асари.
36. «Искандарнома» – Шайх Низомий Ганжавийнинг асари.
37. «Истилоҳоти суфия» – Шайх Камолиддин Абдураззоқ Кошийнинг тафсири
38. «Иқболия» – Шайх Рукнуддин Алоуддавла Симнонийнинг асари.
39. «Иҳёу улум-иддин» – Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолийнинг асари.
40. «Канз ур-румуз» – Амир Ҳусайнийнинг асари.
41. «Кашф ул-махжуб» – Али Ибн Усмон ал-Жуллобий ал-Ҳужвирийнинг асари.
42. «Кимёи саодат» – Имом Абу Ҳомид Ғаззолийнинг асари.

43. «Китоб ал-Лумаъ фит-тасаввуф» – Абу Наср Саррож Тусийнинг асари.
44. «Китоб ат-Тавасин» – Мансур Ҳалложнинг асари.
45. «Китоб ул-анвор фи кашф ил-асрор» – Шайх Рӯзбеҳон Бақлийнинг асари.
46. «Лавоих» – Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг асари.
47. «Лавомиъ» – Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг асари.
48. «Лайли ва Мажнун» – Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг асари.
49. «Ламаъот» – Шайх Фахруддин Ироқийнинг асари.
50. «Латоиф ул-ишорат» – Шайх Абулқосим Қушайрийнинг асари.
51. «Мавоқиъ ун-нужум» – Шайх Муҳйиддин Ибн Арабийнинг асари.
52. «Манозил ус-соирин» – Абдуллоҳ Ансорий Ҳиравийнинг асари.
53. «Манозил ус-соирин» – Абдуллоҳ Ансорий Ҳиравий асарига Шайх Камолиддин Абдураззоқ Коший шарҳи.
54. «Манозил ус-соирин» – Абдуллоҳ Ансорий Ҳиравий асарининг Мавлоно Муҳаммад Табодгоний таржимаси.
55. «Маноҳиж ул-ибод илал миъод» – Шайх Садруддин Муҳаммад Исҳоқ Кўнявийнинг асари.
56. «Мантиқ ут-тайр» – Шайх Фаридиддин Атторнинг асари.
57. «Маснавийи маънавий» – Мавлоно Жалолиддин Муҳаммад Балхий Румийнинг асари.
58. «Машойихи арбаъин» – Шайх Абу Саид Молинийнинг асари.
59. «Машориқ» –
60. «Маҳбуб» – Шайх Саъдуддин Ҳуммуйийнинг асари.
61. «Мирсод ул-ибод» – Шайх Нажмиддин Розий ал-Маъруф би Доянинг асари.
62. «Миръот ул-жинон» – Имом Абдуллоҳ Ёфиъий Яманийнинг асари.
63. «Мисбоҳ ул-арвоҳ» – Шайх Авҳадуддин Ҳомид Кирмонийнинг асари.
64. «Мифтоҳ ул-ғайб» – Шайх Садруддин Муҳаммад Исҳоқ Кўнявийнинг асари.
65. «Мишкот ул-анвор» – Имом Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолийнинг асари.

66. «Мусибатнома» – Шайх Фаридиддин Атторнинг асари.
67. «Наводир ул-усул» – Муҳаммад Али Ҳаким Термизийнинг асари.
68. «Насойим ул-муҳаббат» – Алишер Навоийнинг асари.
69. «Нафаҳоти илоҳия» – Шайх Садруддин Муҳаммад Исҳоқ Кўнявийнинг асари.
70. «Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс» – Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг асари.
71. «Нақши Фусус» – Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг асари.
72. «Наҳаж» – Муҳаммад Али Ҳаким Термизийнинг асари.
73. «Нузҳат ул-арвоҳ» – Амир Ҳусайнийнинг асари.
74. «Нусус» – Шайх Садруддин Муҳаммад Исҳоқ Кўнявийнинг шарҳи.
75. «Панж-ганж» – Шайх Низомий Ганжавийнинг «Ҳамса»си.
76. «Равз ур-раёҳин фи ҳикоёт ис-солиҳийн» – Имом Абдуллоҳ Ёфий Яманийнинг асари.
77. «Рашф ун-насоиҳ» – Шайх Шихобиддин Сухравардийнинг шарҳи.
78. «Роъия» – Ҳаким Санойи Ғазнавийнинг асари.
79. «Румуз ул-ҳақойиқ» – Шайх ул-ислом Аҳмад Номакӣ Жомийнинг фарзанди Шайх Заҳириддин Исонинг асари.
80. «Рўшноинома» – Саййид Носир Хусравнинг асари.
81. «Савониҳ» – Имом Аҳмад Ғаззолийнинг асари.
82. «Сажанжал ул-арвоҳ» – Шайх Саъдуддин Ҳуммуйийнинг асари.
83. «Салват ут-толибийн» – Шайх Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Ҳаммуя Жувайнийнинг асари.
84. «Саломон ва Ибсол» – Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг асари.
85. «Саҳиҳи Бухорий» – Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг «ал-Жомий ас-Саҳиҳ» асари.
86. «Силсилат уз-заҳаб» – Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг асари.
87. «Си нома» – Амир Ҳусайнийнинг асари.
88. «Сирож ус-соирин» – Шайх ул-ислом Аҳмад Номакӣ Жомийнинг асари.
89. «Сирот ул-мустақим» – Амир Ҳусайнийнинг асари.

90. «Субҳат ул-аҳрор» – Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг асари.
91. «Ат-Таъарруф ли мазҳаб аҳл ат-тасаввуф» – Абу Бакр Муҳаммад ибн Исҳоқ ал-Бухорий ал-Калободийнинг асари.
92. «Табақот ус-суфийа» – Абу Абдурахмон ас-Суламийнинг асари.
93. «Табақот ул-кубро» – Абдулваҳҳоб Шаъронийнинг асари. Тўлиқ номи «Лавокиҳ ул анвор фи табақот-ил ахёр».
94. «Тазкират ул-ҳабиб» – Мавлоно Муҳаммад Табодгоний таржимаси.
95. «Тазкират ул-авлиё» – Шайх Фаридиддин Атторнинг асари.
96. «Тафсир» – Жунайд Бағдодийнинг асари.
97. «Тафсир» – Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг асари.
98. «Тафсири Фотиҳа» – Шайх Садруддин Муҳаммад Исҳоқ Кўнявийнинг асари.
99. «Таъвилот» – Шайх Камолиддин Абдураззоқ Коший тафсири.
100. «Тоъия» – Ибн Фориз Ҳамавий Мисрийнинг асари.
101. «Шарҳи Тоъия» – Ибн Фориз Ҳамавий Мисрийнинг асарига Шайх Саъдуддин Фарғоний шарҳи.
102. «Тоъияи Форизия» – Ибн Фориз Ҳамавий Мисрийнинг асарига Шайх Изуддин Маҳмуд Кошийнинг шарҳи.
103. «Тухфат ул-барарах» – Шайх Маждуддин Бағдодийнинг асари.
104. «Тухфат ул-аҳрор» – Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг асари.
105. «Фавоих ул-жамол ва фавотиҳ ул-жалол» – Шайх Нажмиддин Кубронинг асари.
106. «Фароиз ул-фавойид» – Ҳасан Дехлавийнинг асари.
107. «Фасл ул-хитоб» – Хожа Муҳаммад Порсо оталарининг асари.
108. «Фотиҳат уш-шабоб» – Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг асари.
109. «Фукук» – Шайх Садруддин Муҳаммад Исҳоқ Кўнявийнинг шарҳи.
110. «Футуҳоти Маккия» – Муҳйиддин Ибн Арабийнинг асари.
111. «Фусус ул-Ҳикам» – Муҳйиддин Ибн Арабийнинг асари.
112. «Фусус ул-Ҳикам» – Ибн Арабийнинг «Фусус ал-Ҳикам» асарига Шайх Муъайядуддин Жандийнинг шарҳи.

113. «Фусус ул-Ҳикам» – Ибн Арабийнинг «Фусус ал-Ҳикам» асарига Шайх Камолиддин Абдураззоқ Кошийнинг шарҳи
114. «Фусус ул-Ҳикам» – Ибн Арабийнинг «Фусус ал-Ҳикам» асарига Амир Саййид Али Шиҳоб Муҳаммад Ҳамадонийнинг шарҳи.
115. «Хамса» – Мавлоно Ашрафнинг асари.
116. «Хамсат ул-мутаҳайирин» – Алишер Навоийнинг асари.
117. «Хатм ул-валоят» – Муҳаммад Али Ҳаким Термизийнинг асари.
118. «Хирадномаи Искандар» – Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг асари.
119. «Хотимат ул-ҳаёт» – Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг асари.
120. «Шавоҳид ун-нубувват» – Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг асари.
121. «Шарҳу мавоқиъ ин-нужум» – Шайх Муҳйиддин Ибн Арабийнинг «Мавоқиъ ун-нужум» асарига Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг шарҳи.
122. «Шарҳи рубоъиёт» – Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг асари.
123. «Шарҳ ус-сунна» –
124. «Шарҳ ут-Таъарруф ли мазҳабит-тасаввуф» – Абу Иброҳим Исмоил Муҳаммад Мустамалли Бухорийнинг шарҳи.
125. «Шарҳи Фусус» – Муҳйиддин Ибн Арабийнинг «Фусус ал-Ҳикам» асарига Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг шарҳи.
126. «Шарҳи шатҳиёт» – Шайх Рӯзбеҳон Бақлийнинг асари.
127. «Шарҳи Қасидаи бурда» – Мавлоно Шарафиддин Яздий шарҳи.
128. «Шарҳи Қасидаи бурда» – Мавлоно Муҳаммад Табодгоний таржимаси.
129. «Қасидаи хамрияи Форизия» – Ибн Форизнинг асарига Амир Саййид Али Шиҳоб Муҳаммад Ҳамадонийнинг шарҳи.
130. «Шоҳид» – Шайх Маҳмуд Шабустарийнинг асари.
131. «Юсуф ва Зулайҳо» – Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг асари.
132. «Қасидаи Тоъия» – Ибн Фориз Ҳамавий Мисрийнинг «Тоъия» асарига Шайх Саъдуддин Фарғонийнинг шарҳи.
133. «Қуръони форсий» – Ҳофиз Шерозийнинг девони
134. «Қут ул-қулуб» – Абу Толиб Муҳаммад Али Атия Ҳорисий Маккийнинг асари.

135. «Ҳадиқат ул-ҳақиқа» – Ҳаким Санойи Ғазнавийнинг асари.
136. «Ҳақойиқ» – Абу Абдурахмон ас-Суламийнинг асари.
137. «Ҳафт авранг» – Мавлоно Абдурахмон Жомийнинг асари.
138. «Ҳақ ул-яқий» – Шайх Маҳмуд Шабустарийнинг асари.
139. «Ҳулал ва манозир» – Мавлоно Шарафиддин Яздийнинг шарҳи.